

**ЎБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**Ж.Х.ДЖУМАНОВ, И.А.АГЗАМОВА, Д.Қ.БЕГИМҚУЛОВ**

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИДА  
ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**фанидан**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент 2019**

**УДК** 621.004.

**ББК** 30.10

Ж.Х.Джуманов, И.А.Агзамова, Д.К.Бегимкулов «Гидрогеология ва инженерлик геологиясида ГАТ технологиялари». Ўқув қўлланма. –Тошкент. ТДТУ: «Ўқитувчи» нашриёти. –2019. 127 б.

Ўқув қўлланмада олий таълим муассасаларида “Гидрогеология ва инженерлик геологиясида ГАТ технологиялари” фанидан олиб борилаётган кўп йиллик тажриба асосида маъруза, амалиёт ва лаборатория машғулотларидаги материаллар, маълумотлар ва манбаалардан фойдаланилган. Асосий эътибор гидрогеология ва инженерлик геологиясида ГАТ технологиялари, автоматлаштирилган ўлчов, маълумотлар йиғиш, бошқариш тизимларини ўрганиш, ахборот технологиялари жиҳозлари ва уларнинг элементлари ҳамда амалий дастурий воситаларга қаратилган, шунингдек ГАТ технологиялари асосида геологик ва инженерлик геологиясида лойиҳалаштириш, автоматлаштириш ва бошқарувни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинган.

Қўлланма таълим йўналиши 531180 -Гидрогеология ва инженерлик геологияси, Muhandislik ishi ҳамда 530500 – Компютер инжиниринги («Компютер инжиниринги» мутахассислигидаги ГАТ технологиялари ва иловалар ишлаб чиқишда, ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш учун автоматлаштирилган тизим бўйича тадқиқотчиларга, таҳсил олаётган магистр ва бакалавр талабалари учун мўлжалланган.

Ўқув қўлланма Тошкент ахборот технологиялари университети «Компютер инжиниринги» факултети «Компютер тизимлари» кафедраси ва Тошкент Давлат Техника университети «Гидрогеология ва муҳандислик геологияси» кафедраси мутахассислари ҳамкорлигида яратилган.

### **Такризчилар:**

Ўзбекистон миллий университетети “Геодезия ва картография” кафедраси мудири, профессор, т.ф.д. Э.Сафаров

Тошкент ахборот технологиялари университети “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири, т.ф.д., проф. Х.Н.Зайниддинов

Тошкент Давлат техника университети геология ыидирув факультети “Фойдали ыазилма конларини ыидириш ва разведка ыилишнинг геофизик усуллари” кафедраси мудири, г.м..ф.д., профессор Умурзаков Р.А.

Тошкент давлат техника университети Услубий Кенгашининг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ ги “\_\_\_” – сонли мажлиси рухсати билан чоп этилган.

## МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА .....	3
КИРИШ .....	5
1. ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ .....	9
1.1. АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	9
1.2. АЛГОРИТМ ВА ДАСТУР ТУШУНЧАСИ .....	12
1.3. ДАСТУРЛАШТИРИШ ТИЛЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА .....	13
1.4. АРИФМЕТИК ИФОДАЛАР ВА СТАНДАРТ ФУНКЦИЯЛАР .....	17
1.5. PASCAL ДАСТУРЛАШ ТИЛИ ҲАҚИДА .....	19
1.6. ДАСТУР ВА ДАСТУРЛАШТИРИШ. ....	25
2. КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА ТАСВИРЛАШ ДАСТУРЛАРИ.....	31
2.1. КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА, ГРАФИК ТАСВИРЛАШ ДАСТУРЛАРИ.....	31
2.2. ADOBE PHOTOSHOP ДАСТУРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ.....	32
3. КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ, ЛОКАЛ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДА АХБОРОТЛАР АЛМАШИШ.....	37
3.1. ЛОКАЛ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧАЛАР .....	37
3.2. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА. ....	39
3.3. INTERNET ТАРМОҒИ.....	41
4. ГИДРОГЕОЛОГИК ВА ИНЖЕНЕР-ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШ.....	48
4.1. МОДЕЛЛАШ УСУЛЛАРИ ВА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАРИ .....	48
4.2. МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ ВА ЕЧИШ БОСҚИЧЛАРИ.....	53
4.3. ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ .....	55
4.4. ЕР ОСТИ СУВЛАРИ САТҲИНИНГ БОСИМСИЗ ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ҚАТЛАМИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ .....	60
4.5. ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИНГ СОНЛИ ЕЧИМЛАРИИ.....	62
4.6. ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ВА ГЕОМИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ.....	67
4.7. ЕР ОСТИ БОСИМСИЗ ВА БОСИМЛИ ҚАТЛАМ СУВЛАРИ ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ .....	69
5 БОБ. ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ .....	72
5.1. ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМИ ҲАҚИДА.....	72
5.2. ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ ДАСТУРИЙ ВОСИТАЛАРИ.....	84
5.3. ARCSATALOG НИ ИШГА ТУШИРИШ ВА УНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.....	93

5.4. ARСМАР МОДУЛИДА МАЛУМОТЛАРНИ ТАСВИРЛАШ УСУЛЛАРИ	100
5.5. ARСМАР ДАСТУРИДА РАСТРЛИ МАЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ....	104
5.6. РАСТРЛИ ТАСВИРЛАРНИ ВЕКТОРЛАШТИРИШ.....	105
5.7. АТРИБУТИВ МАЛУМОТЛАР БИЛАН ИШЛАШ .....	109
5.8. ХАРИТАНИ ЧОП ЭТИШ .....	120
5.9 АТРИБУТЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ. ....	121
5.10. МАВЗУЛИ ҚАТЛАМЛАРГА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР БЕРИШ ВА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ .....	125
5.11 ARСGIS ДАСТУРИДА МАЪЛУМОТЛАР АЛМАШИНУВИ ВА КОНВЕРТАТСИЯ.....	136
5.12. УЧ ЎЛЧАМЛИ МОДЕЛЛАРВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИЙ АСОСЛАРИ	143
5.13. КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ҲАЖМИЙ МОДЕЛЛАШ.....	159
ХУЛОСА .....	165
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	166

## КИРИШ

Илму - фан, технологиялар, таълим, маданият тарақиёти ва ҳар бир ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий юксалишининг асосий шартларидан бири - турли соҳалар бўйича керакли маълумотларни ҳеч бир тўсиқсиз, тезкорлик билан ҳамда ишончли ахборотларга эга бўлишига боғлиқдир. Шу жумладан, Ватанимизнинг илғор йўналишларидан бири *геология ва минерал хом ашёлар* соҳасида ҳам замонавий компьютер тизимлари ва ахборот коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиб келмоқда. Она заминимиз бағридаги турли ҳил қазилма бойликларни ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш ҳамда халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш каби масалаларни ечиш гидрогеолог ва муҳандис геолог мутахассисларнинг олдида қўйган улкан мақсадидир. Бу мақсадга эришиш учун тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, статистик ҳисоблар каби усуллар ва замонавий автоматлашган тизимлари ҳамда геоахборот технологияларидан самарали фойдаланиб, янги интеллектуалашган тизим ва ахборот технологияларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса асосий геологик жараёнларнинг бориши ва уларни кузатишда: ахборотларни ўлчаш, йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнларига замонавий телекоммуникация тармоқлари ёрдамида электрон технологияларни қўллаш самарали натижалар бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот–коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги [3], 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сон “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [4] Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги қарори [2] ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда геология соҳасида замонавий компьютер тизимлари ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган, ҳамда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу қўлланма муайян даражада хизмат қилади.

Компьютер техникаларининг жадал тараққиёти, ахборот технологиялари, дастурлаш ва математик усулларнинг муфассал маълумотларни қайта ишлаш технологиялари каби, геология, гидрогеология ва геоэкологияда илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш хусусиятларини бутунлай ўзгартирди. Геология соҳсининг турли қисмларида моделлашнинг асосий масалалари, моделлаш услубларининг технологик самарадорлигини

юқори кўтарди, унинг бажарувчилик тизими фаолияти доираси кенгайиб, ишлаб чиқариш намуналарига, янада муҳим ва мураккаб жараёнлар ва объектларни моделлаштиришга зарурият пайдо бўлди [41].

Гидрогеологик жараёнларини моделлаштириш масалаларида, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари, гидрогеологик жараёнларини сонли моделлаштириш борасидаги олиб борилган илмий ишларга таяниб, жумладан: Ф.Б.Абуталиев, В.М.Шестаков, У.У.Умаров, И.К.Гавич, И.И.Крашин, Л.Лукнер, В.А.Мироненко, И.Х.Хабибуллаев, И.И.Измаилов, В.В.Веселов, Н.С.Огняника, А.Б.Ситников, Ж.Х.Джуманов ва бошқаларнинг геофльтрация жараёнларини сонли моделлаштиришга оид; Ф.М. Бочевер, Н.Н.Веригин, В.М.Голдберг, Ж.Фрид, Н.И.Плотников, П.Я.Полубаринова-Кочина, Р.Н.Усманов, Ж.Х.Джуманов ва бошқаларнинг ер ости сувлари динамикаси ва гидросферада тузлар миграцияси тадқиқотлари; А.А.Самарский, Ф.Б.Абуталиев, В.С.Владимиров, А.П.Александров, ва бошқаларнинг амалий дастурлар пакети ишлаб чиқиш, гидрогеологик жараёнларини моделлашда ҳисоблаш математикаси ва дифференциал тенгламаларни ечишда чекли айирмалар схемаси усулларига бағишланган тадқиқотлари; Р.А.Акофа, Ю.А.Воронин, Д.Росс, В.Н.Садовский, Ю.И.Черняк ва бошқаларнинг тизимли таҳлил ва классификациялаш назариясига бағишланган тадқиқотларида; Л.Зада, Т.Саати, Е.Мамдани, Д.А.Поспелов, М.Сугэно, Р.Н.Усманов ва бошқаларнинг қатъиймас тўпламлар назарияси асосида сушт шаклланаётган жараёнларни математик моделлаштиришга оид; А.М.Берлянт, С.В.Булгаков, В.Я.Цветков, А.В.Кошкарев, А.М.Трофимов, Ж.Х.Джуманов ва бошқалар геоахборот тизимлари интеграциясида ахборотли ва рақамли хариталарга бағишланган тадқиқотларида кўриб чиқилган [42].

АҚШ, Канада, Дания, Буюк Британия, Хитой ва бошқа кўпгина малакатларда муфассал маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш масалаларини, муфассал маълумотларни ташкил этиш мақсадида ҳукумат дастурлари доирасида амалга оширилмоқда [102].

Замонавий интеграциялашган геоахборот технологияларини қўллаш ва гидрогеологик жараёнларни математик моделлаштириш усуллари қуйидаги имкониятларни беради:

- анъанавий усулларга таққослаганда тадқиқот муддатини қисқартиради;
- ҳисоблаш техникасини комплекс ишлатишни таъминлашни ва самарадорлигини оширади;
- янги тадқиқот усуллари қўллаш.

Автоматлаштирилган тизимларни ташкил этилишига кенг қизиқишларга қарамасдан, муаллифлар фикрига кўра кўпгина ишлар тадқиқий йўналишда, қатор ҳолисона сабаблар билан ифодаланган, айнан:

- геология тармоғида режалаштирувчи ташкилотлар томонидан ана шундай ишларнинг мақсадга йўналтирилиши сусти ижро этилиши;
- барча турдаги гидрогеологик объектларнинг марказлаштирилган стандартлар ишлаб чиқишининг йўқлиги;
- назарий тадқиқотларнинг етишмаётганлиги;
- математик ва ахборот таъминотини ишлаб чиқишда ва функционал муносабатлар ўрнатишда тизимлар орасида янги боғланишларнинг йўқлиги.

Математик моделлаш усулини қўллаш амалий самара бериши мумкин, қачонки ГАТ тизими моделлари билан ҳамроҳлигида ягона автоматлашлган мониторинг тўри ташкил этилса. Бунинг учун турли билимларни ягона тизимга бирлаштириш ва бу билимларни бошқаришнинг мослашувчан имкониятларини яратилиши зарур. Бу ГАТ технологияларини эксперт тизимлари ва иммитация моделлари билан бирлаштириш йўллари орқали амалга ошириш мумкин [42].

Келажакда айнан мана шу комплекслар қўйидаги масалаларни ечишда қўлланилади:

- ер ости сувлари ҳолатини баҳолаш, сув олишнинг бошланиш вақти ва тугаш даражаси, фавқулодда вазиятлар ва техноген ҳолатини аниқлаш;
- ер ости сув конлари динамикаси назорати, шунингдек мураккаб метеороитларда, қарор қабул қилишда маълумотлар тайёрлаш;
- ер ости сув конлари захирасини баҳолашда қишлоқ хўжалигининг суғориш ва мелиоратив шароитларини аниқлаш;
- аниқ қарор қабул қилиш жараёнларида сув ресурсларини ифлосланишдан ҳимоялаш чора – тадбирлар бўйича тавсияномалар бериш.

Ушбу қўлланма гидрогеологик ва инженер-геологик вазифаларни ечишда кенг қўлланилаётган ахборот технологиялари, компьютер дастурлари ва график Таҳрирлашларидан фойдаланиш, компьютер технологияларида ҳар хил гидрогеологик ва инженер-геологик жараён ва ҳодисаларни тасвирлаш ҳамда ГАТ технологиялари асосида гидрогеологик, инженер-геологик хариталар, кесмаларни тузиш усуллари масалаларини қамраб олади.

Гидрогеологик ва инженер-геологик вазифаларни ечишда кенг қўлланилаётган ГАТ технологиялари дастурлари ва график Таҳрирлашларидан фойдаланиш, компьютерда ҳар хил гидрогеологик ва инженер-геологик жараён ва ҳодисаларни тасвирлаш ҳамда гидрогеологик, инженер-геологик хариталар, кесмаларни тузиш усуллари бўйича билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

«Гидрогеология ва инженерлик геологиясида ГАТ технологиялари» фани геология соҳаси ишлаб чиқариш корхоналарининг барчасида кенг қўлланилади. Компьютерда ГАТ технологиялари дастурлари ёрдамида гидрогеологик ва инженер-геологик хариталарни тузиш, дала-тажриба ишларида олинган натижаларни қайта ишлаш, ҳисоботлар тузиш каби ишларнинг барчаси ушбу фанни ўзлаштириш натижасида амалга оширилади..



# 1. ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

## 1.1. Ахборот тизимлари ва ахборот технологиялари

Аввал ҳисоблаш тизимлари (тизимларига) берилган таърифлардан бирини келтирамиз, уни қуйидагича ифодалаш мумкин: Давлат стандартига кўра ҳисоблаш тизимлари –бир неча ҳисоблаш машиналарини ягона ишлов бериш тизимига бирлаштириш орқали қайта ишлов бериш тезлигини бошқариш қондаси тушунилади [66].

Ахборот технологиялари – ўлчаш, ҳисоблаш, узатиш ва бошқа ёрдамчи техник воситалар мажмуасидан иборат бўлади.

*Ахборот тушунчаси.* Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги 439-II сон “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунига биноан [6], ахборот - манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир.

Ахборот кенг қамровли тушунча бўлиб, унга қуйидагича таърифлар ҳам бериш мумкин:

1. Далил, воқеа, ходиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим ҳамда тушунчалар ёки буйруқлар;

2. Маълум хос матнда аниқ маънога эга тушунчаларни ичига олган далил, воқеа, ходиса, предмет, жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билимлар мажмуи;

3. Қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар. Китоб матни, илмий формулалар, схема ва хариталар, банк ҳисоб рақамидан фойдаланиш ва тўловлар, дарс жадвали, ўлчаш мажмуаларининг ер ва фазо станцияси ўртасидаги масофа тўғрисидаги маълумотлар ва ҳоказолар ахборот бўлиши мумкин.

Геология ва муҳандислик геологияси фанининг ҳам *асосий ашёси* ахборотдир. Ахборот атроф-муҳит, объектлар ва ҳодисалар, уларнинг ўлчамлари, хосиятлари ва ҳолатлари тўғрисидаги маълумотдир. Маълумот билан ахборот бир-биридан фарқ қилади. *Ахборот фойдаланиладиган маълумотдир* [4, 7].

*Технология тушунчаси.* “Технология” грекча сўз бўлиб моҳирлик, усталлик, бирор ишни уддалай олишни англатади. Бу маълум бир жараёнга нисбатан қўлланилган. Жараён - деганда эса мақсадга эришишга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар мажмуи тушунилган (таббий жарён бундан мустасно). Ушбу жараён инсон томонидан танланган стратегия билан белгиланади ва турли хилдаги воситалар, усуллар ёрдамида амалга оширилади [66].

Умумий ҳолларда технология деганда, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган хомашё, материал ёки ярим тайёр маҳсулот шакли, хусусияти, ҳолатининг ўзгариши, уни қайта ишлаш, тайёрлаш усулларининг мажмуи тушунилади. Бу бирор бир ишни юқори даражада уддалаш деганидир.

Ахборот технологиялари тўғрисида гап кетганда, материал сифати ҳам, маҳсулот сифатида ҳам ахборот иштирок этади. Бироқ бу объект, жараён ёки ходиса тўғрисидаги сифат жиҳатидан янги маълумот бўлади. Технология-ходимнинг ахборот билан ишлаш усули ва услуби ҳамда техник воситалар орқали намоён бўлади.

Ахборот технологияси – объектнинг (ахборот маҳсулотининг) ҳолати, жараён ёки воқеанинг янги хусусияти тўғрисида ахборот олиш учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усуллари мажмуидан фойдаланиладиган жараёндир.

Моддий ишлаб чиқариш технологиясининг мақсади – инсон ёки тизимнинг эҳтиёжини қондирувчи маҳсулот ишлаб чиқариш саналади.

Ахборот технологиясининг мақсади эса – ахборот йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаб чиқариш бўлиб, уни таҳлил этиш ва унинг асосида бирор бир ҳаракатга қўл уриш учун тегишли қарор қабул қилишдир.

Ахборотларни йиғиш, узатиш, тўплаш, сақлаш, тақдим этиш ва фойдаланиш услублари ва усуллари тизими *ахборот технологияси* деб юритилади. Ахборот технологияси автоматлашган ва анъанавий (қоғоз) кўринишижа амалга оширилади. Автоматлаштириш ҳажми ва техник воситалардан фойдаланиш тури аниқ бир технологиянинг моҳиятига боғлиқ.

**Автоматлаштириш** – бу инсон иш фаолиятини машина ва механизмлар билан алмаштириш демакдир. У техник, шкилий ва иқтисодий мазмундаги ҳатти-ҳаракатлар ҳамда тадбирлар комплексидан иборат бўлади, ишлаб чиқариш жараёни, бошқарув жараёнининг у ёки бу ишини амалга оширишда инсон иштирокини қисман ёки бутунлай чеклаш имконини беради [66].

Умуман олганда ахборот технологиялари 1960 – йилларда Францияда ЭҲМ ёрдамида ахборотларни қайта ишлаш билан шуғулланувчи соҳани ифодаловчи атама сифатида юзага келди. Ахборот технологиялари атамаси лотинча “*information technology*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, тушунтириш, хабар қилиш, баён этишда ахборот технологиялари маъноларини англатади.

Ахборот технологияларининг фан сифатида ажралиб чиқиши биринчи навбатда компьютер техникасининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Ахборот технологиялари инсон фаолиятининг турли жабҳалардаги ахборотларни излаш, тўплаш, қайта ишлаш қонуниятларини ЭҲМ тизимларига асосланган ҳолда ўрганувчи фандир.

**Автоматлаштирилган ахборот технологияси** – бошқарув вқазифаларини ҳал этиш учун тизимли ташкил этилган ахборот жараёнларини амалга ошириш усул ва воситалари мажмуидир. У ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланиладиган ривожланган дастурий таъминотни қўллаш базасида бажарилади. Ахборот технологиясининг амалга оширишдаги техник воситаларнинг асосий қисини компьютер техникаси ташкил этган учун ахборот технологияси, айниқса замонавий ахборот технологияси деганда компьютер ахборот технологияси тушунилади [13-16].

**Замонавий ахборот технологияси** – шахсий компьютер ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланувчи учун қулай “интерфейс”ли ахборот технологиясидир. Маълум бир турдаги компьютер учун мўлжалланган бир ёки бир неча ўзаро боғлиқ дастурий маҳсулотлар замонавий ахборот технологияларининг воситаси саналади [25, 66].

Ахборот технологияларининг асосий учта йўналиши мавжуд.

*Биринчи йўналиш* ахборотни узатиш, йиғиш ва қайта ишлашнинг техник воситаларини ривожлантириш назарияси билан боғлиқ. У ўз ичига ҳисоблаш комплексларини, локал ва глобал ҳисоблаш тармоқлари, алоқа назариясини олган кенг илмий-оммавий соҳадир.

*Иккинчи йўналиш* маълумотларни қайта ишлаш бўйича ҳар хил амалий вазифаларни ҳал этиш юзасидан турли категориядаги фойдаланувчилар учун техник воситалар билан самарали ишлашни ташкил қилиш имконини берадиган, дастурий таъминотни ишлаб чиқишга йўналтирилган, математик ва амалий фанлар комплексини ўз ичига олган дастурлаштиришдир. Бу йўналишга алгоритмлаштириш тиллари назарияси, маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, қидириш ва қайта ишлаш назарияси, тизимли ҳамда амалий дастурлаштириш назарияси киради.

*Учинчи йўналиш* – автоматлаштирилган усулда турли даражадаги вазифаларни ҳал этиш моделлари, моделлаштириш, алгоритмлари, тартиби, автоматлаштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва ташкил қилишдир. Ахборот технологиялари ўз навбатида вўзаро алоқадор уч қисмдан иборат: алгоритмик воситалар, дастурий воситалар ва техник воситалардир.

Ахборот технологияларининг моддий-техник базаси бошқарув фаолиятининг турли соҳаси ва даражаларида ишлаётган мутахассислар учун автоматлаштирилган иш жойларидан кенг фойдаланиш имконини беради ва шунингдек, эксперт – профессионал (эксперт тизими) даражасида қарор қабул қилишга қодир бўлган ихтисослаштирилган предмет соҳасида ҳисоблаш тизимини ва ахборот-коммуникация тармоғини яратиш имконини юзага келади.

Умуман олганда ахборот-коммуникациясининг таркибий қисми бўлиб *ахборот технологияси* ва *телекоммуникация* ҳисобланади. *Ахборот*

*технологияси* объект, жараён ёки ҳодиса ҳақида янги сифат ахбороти олиш учун маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш (бошланғич ахборот) воситаси ва услублари жамланмасидан фойдаланадиган жараёндир. *Телекоммуникация* компьютер тармоқлари ва замонавий техник алоқа воситалари негизида маълумотларни масофага узатишдир.

## **1.2. Алгоритм ва дастур тушунчаси**

Алгоритм – бир типдаги масалаларни ечишда ишлатиладиган амаллар системасининг муайян тартибда бажарилишининг аниқ қоидасидир. Алгоритм ибораси буюк ўзбек олими математик Муҳаммад ал-Хоразмий номидан олинган бўлиб, у IX асрда ўнлик санок системаси бўйича тўрт арифметик амал бажарилиш қоидасини ўйлаб топган. Узоқ йиллар давомида “алгоритм” ибораси математиклар томонидан математик масалаларни ҳисоблаш қоидаларини ифода этишда ишлатилган.

Электрон ҳисоблаш машиналарининг вужудга келишига қадар алгоритмга ҳар хил таъриф берилиб келинди. Лекин уларнинг бари маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин эди.

**Алгоритм** - бу қўйилган масаланинг ечимига олиб келадиган, маълум қоидага биноан бажариладиган амалларнинг чекли қадамлар кетма-кетлигидир. Бошқача қилиб айтганда алгоритм бошланғич маълумотлардан натижагача олиб келувчи жараённинг аниқ ёзилишидир.

Ҳар қандай алгоритм маълум кўрсатмаларга биноан бажарилади ва бу кўрсатмаларга буйруқ дейилади. Алгоритм қуйидаги хоссаларга эга: аниқлик, тушунарлилик, оммавийлик, натижавийлик ва дискретлик [73].

Аниқлик ва тушунарлилик - деганда алгоритмда ижрочига берилаётган кўрсатмалар аниқ мазмунда бўлиши тушунилади. Чунки кўрсатмалардаги ноаниқликлар мўлжалланган мақсадга эришишга олиб келмайди. Ижрочига тавсия этиладиган кўрсатмалар тушунарли мазмунда бўлиши шарт, акс ҳолда ижрочи уни бажара олмайди.

Оммавийлик - деганда ҳар бир алгоритм мазмунига кўра бир турдаги масалаларнинг барчаси учун ҳам ўринли бўлиши, яъни умумий бўлиши тушунилади.

Натижавийлик - деганда алгоритмда чекли қадамлардан сўнг албатта натижа бўлиши тушунилади.

Дискретлик - деганда алгоритмларни чекли қадамлардан ташкил қилиб бўлаклаш имконияти тушунилади.

Алгоритмнинг учта тури мавжуд: чизиқли, тармоқланувчи ва такрорланувчи (циклик).

Чизиқли алгоритмлар - ҳеч қандай шартсиз фақат кетма-кет бажариладиган жараёнлардир.

Тармоқланувчи алгоритмлар - маълум шартларга мувофиқ бажариладиган жараёнлардир.

Такрорланувчи алгоритмлар - бирон бир шарт текширилиши ёки бирон параметрнинг ҳар хил қийматлари асосида чекли равишда такрорланиш юз берадиган жараёнлардир.

Компьютер маълум бир вазифани бажариши учун, аввало ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш зарур.

Компьютернинг ишлаш жараёни худди ана шу қоида - алгоритм орқали амалга оширилади. Компьютер алгоритмларни бажарувчисидир.

Компьютерга масала тайёрлаш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин:

1. Алгоритм тузиш (киритиладиган маълумотлар ва натижаларга талаб, масаланинг қўйилиши, алоҳида ҳолатларни эътиборга олиб ечимни аниқ ифодалаш);

2. Компьютер тушунадиган тилда алгоритмни ифода этиш, яъни масалани ечиш дастурини тузиш.

Алгоритмни турли кўринишда ифода этиш мумкин: сўзлар ёрдамида, математик формулалар, алгоритм блок-схемаси ёрдамида.

### **1.3. Дастурлаштириш тиллари ҳақида тушунча**

Бейсик ва Паскал компиляторлари, дастурлаш амаллари, дастурлаштириш тиллари ҳақида тушунчаларни келтириб ўтамиз.

Ахборот коммуникация технологиялари дунёсида кўплаб дастурлаш тиллари мавжуд бўлиб, ҳар бир компьютернинг таснифлари ва қўйиладиган масалаларнинг турига қараб дастурлаш тиллари танланади. Бир хил турдаги ишни бажарадиган дастурларни Fortran, Basic, Cobol, Lisp, Algol, Pascal, Delphi, C, Asembler каби тилларда ёзиш мумкин. Лекин, қайси дастурлаш тили энг яхшиси ва қулай? Бу саволга жавоб бериш яъна қўйилган масаланинг қанчалик мураккаблиги ёки соддалигига боғлиқ. Бироқ шуни ишонч билан айтиш мумкинки, оддий турмуш тарзидаги ҳисоблашларда ҳатто айрим илмий тадқиқот ишларидаги ўисоб китобларда Pascal тили бошқа тилларга қараганда энг мукаммалдир, ҳамда у бошловчилар учун дастур тузишни ўрганиш учун анча қулай тил бўлиб ҳисобланади.

**«Бейсик» дастурлаштириш тили.** Бейсик тили юқори малакали программалаш тиллари синфига кирадиган программалаш тилидир, ёки бошқача айтганда бу тилни бевосита алгоритмик тил деб аташ мумкин. Бу тилни яратган муаллифларнинг фикрига кўра, тилнинг Бейсик деб аталиши қуйидаги инглиз сўзларининг бош ҳарфларидан тузилган: ***Beginner Symbolik Instruction Code (BASIC)***. Буни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак

”Бошловчилар учун белгили буйруқлардан тузилган кўп мақсадли тил (код)” деганидир.

Бейсик тили ва унда тузилган биринчи дастур 1965 йилда яратилган. У асосан диалогли режимда фойдаланилади, яъни ЭХМ билан ишлаётган инсон ўз талабларига тез жавоб олиши, қолаверса янги бошқа талабларини қўйиши мумкин бўлган режимдир. «Инсон – ЭХМ» орасидаги мулоқот содир бўлади.

«Бейсик» тили билан ишлаганда иккита режимда ишлаш мумкин: тезкор қайта ишлаш ёки тўғридан - тўғри мулоқат режими ва дастурлаштириш ёки қолдирилган қайта ишлаш режими. Биринчи айтилган режимда клавиатура орқали киритилган инструкция буйруқлар ёки директивалар дейилади ва ЭХМга киритилган ҳар бир шунга ўхшаш инструкциялар шу вақтнинг ўзида бажарилади. Дастурлаштириш режимидаги инструкциялар операторлар дейилади, шунга қарамадан тезкор қайта ишлаш режимидаги кўпчилик директивалардан қолдирилган қайта ишлаш режимида фойдаланиш мумкин ва аксинча. Лекин шундай буйруқлар мавжудки улардан фақат тезкор қайта ишлаш режимида ишлайди ва шундай операторлар ҳам мавжудки улар фақат дастурлаштириш режимида бажарилади. Дастурлаштириш режимини характерловчи кўрсаткич бу оператор номери (белгиси) ҳисобланади ва ҳамма операторлар номерларнинг ортиб бориш кетма кетлигида бажарилади.

Бейсик тилининг асосий структуравий дастур бирлиги - *сатр* (қатор) ҳисобланади. Унинг максимал узунлиги одатда 72 белгидан иборат бўлади. Ҳар бир стар рақами (белгиси) билан бошланиб, одатда улар 10 сонига қаррали (10, 20, 30, 40 ва ҳ.к) этиб танланади. Бу ҳол икки сатр орасига қўшимча сатрлар ёзиш имконини беради. Масалан, 20 ва 30 тартиб рақамли сатрлар орасига 25, 27, ..., 29 тартиб рақамли сатр қўшишимиз мумкин. Сатр рақамидан кейин кейинги жараён қадамини кўрсатувчи оператор ёзилади. Дастурда шартли ва шартсиз ўтиш, такрорланиш ва ҳ.к.ларни бажарувчи операторлар ёзилади.

Бейсик тилидаги дастурнинг битта сатрида бир нечта операторлар ёзилиши мумкин. Бундай ҳолларда улар ўзаро ”:” (қўш нуқта) ёки ётиқ чизик («\») билан ажратилади. Дастурлаш тилларининг ўзаро фарқи уларда қатнашадиган оператор ва буйруқлар турлари ҳамда уларнинг ёзилиш қоидаларига боғлиқ. Шу боис дастурлаш тилини ўрганиш учун унинг операторлари ва махсус қоидалар билан яқиндан танишиш лозим.

**«Бейсик» тили алфавити.** Ҳар қандай дастурлаш тили каби Бейсик дастурлаш тили ҳам ўзининг алифбосига эга. Унга қуйидагилар киради:

1. Катта лотин ҳарфлари:

A; B; C; D; E; F; G; H; I; J; K; L; M; N; O; P; Q; R; S; T; U; V; W; X; Y; Z.

2. Араб рақамлари:

0; 1; 2; 3; 4; 5; 6; 7; 8; 9.

### 3. Арифметик амал белгилари:

^ - даражага кўтариш;

/ - бўлиш;

- - айириш.

\* - кўпайтириш;

+ - қўшиш;

### 4. Муносабат белгилари:

= - тенг;

> - катта.

< - кичик;

### 5. Махсус белгилар:

\ - тескари ётиқ чизик;

! – ундов белгиси;

. - нуқта;

;- - нуқтали вергул;

` - апостроф;

& - амперсенд;

@ - коммерческий ат;

( - очилувчи юмалоқ қавс;

[ - очилувчи квадрат қавс;

\_ - чизик;

% - фоиз;

# - рақам (номер) белгиси;

, - вергул;

: - қўш нуқта;

" – қўш тирноқ;

\$ - доллар белгиси;

? – сўроқ белгиси;

) - ёпилувчи юмалоқ қавс;

] - ёпилувчи квадрат қавс;

- пробел.

Чизикли пробел белгиси айрим ҳолларда - белгиланади, доллар белгисини ўрнига эса □ белги ишлатилади. Даража белгиси ўрнида қуйидаги белгиларни ишлатиш мумкин ↑, ёки \*\*.

### 6. Қўшимча белгилар:

#### 6.1. Кичик латин ҳарфлари:

a; b; c; d; e; f; g; h; i; j; k; l; m; n; o; p; q; r; s; t; u; v; w; x; y; z.

#### 6.2. Рус катта ҳарфлари:

А; Б; В; Г; Д; Е; Ж; З; И; К; Л; М; Н; О; П; Р; С; Т; У; Ф; Х; Ц; Ч; Ш; Щ; Ъ; Ы; Ь; Э; Ю; Я.

#### 6.3. Рус кичик ҳарфлари:

а; б; в; г; д; е; ж; з; и; к; л; м; н; о; п; р; с; т; у; ф; х; ц; ч; ш; щ; ъ; ы; ь; э; ю; я.

*Бейсик тилининг асосий элементлари.* Ҳар қандай конструкциялар Бейсик тили алфавитига кирувчи символлар ёрдамида амалга оширилади, уларга константалар, ўзгарувчилар, ёрдамчи сўзлар, буйруқлар, операторлар, функциялар, амал белгилари ва бошқалар киради.

*Катталиклар.* Катталикларни қайта ишлашда уларнинг ҳар хил турларига дуч келамиз. Ҳисоблаш жараёнларида катталик қийматларини ўзгариши ёки ўгармаслигига кўра ўзгарувчи ва ўзгармасларга бўлинади.

*Ўзгармаслар.* Дастур бажарилиши жараёнида қийматлари ўзгармайдиган катталикларга ўзгармаслар дейилади. «Бейсик» тилида икки тур ўзгармаслар билан ишланади: сонли ва литерли (белгили).

Сонли ўзгармаслар (сон) икки турли бўлиши мумкин: бутун ва ҳақиқий.

Бутун сон бўлиб, олдида «+» (қўшув) ёки «-» (айирув) белгиси турган сон ҳисобланади.

Бутун сонларга мисол: 138; -98; 5369; 0; -837; 143; -362; 724.

Ҳақиқий сонларни ёзишда сонинг бутун қисмидан каср қисмини нуқта (.) ёрдамида ажратиб ёзамиз. Ҳақиқий сонлар қўзғалувчан ва қўзғалмас нуқтали бўлиши мумкин. Қўзғалмас нуқтали ҳақиқий сонлар оддий мусбат ёки манфий каср сонлар шаклида бўлиб, рақамлар сони еттитадан ошмайди. Масалан: -72.81234; 0.54; -0.091; 67.0; .321; -55.13.

Қўзғалувчан нуқтали сонларни ёзишда *E* ҳарфидан фойдаланилади (оддий аниқликдаги 6 тагача бўлган рақам) ёки *D* ҳарфи (иккиланган аниқликдаги 16 тагача бўлган рақам), улардан кейин иккита рақамдан кўп бўлмаган ўзгармас сон ёзилади. Масалан: 64.8E3; 2.5E14; .534E-2; 41.3D19

Оддий аниқликдаги ўзгармаслар ! белгиси билан тугалланади, иккиланган аниқликдаги ўзгармаслар эса # белгиси билан тугалланади.

Масалан: 454.2!; 1.23456#; 15! 13489#

Литерли (белгили) ўзгармаслар ихтиёрий белгилардан ташкил топган бўлиб, улар қўштирноқлар ичида жойлашган бўлиши шарт. Қўштирноқ ичидаги белгилар сони 255 тадан ошмаслиги керак.

Белгили ўзгармасларга мисоллар:

"ABC"; "АХБОРОТ"; "БЕЙСИК"; "1 СЕНТЯБР 1991 Й."

Литерли ўзгармаслар ҳеч қандай белгидан иборат бўлмаса, бўш жой кетма-кет ёзилган "" билан белгиланади. Бўш матн узунлиги нулга тенг бўлади. Агар матн пробелдан иборат бўлса, " " белгиланади ва " " матннинг узунлиги бирга тенг бўлади.

*Ўзгарувчилар.* Дастур бажарилиши жараёнида қийматлари ўзгарадиган катталиқларга ўзгарувчилар дейилади. Ҳар бир ўзгарувчи ўз номига эга (ёки идентификаторига). Ўзгарувчи катталиқлар ёки ўзгарувчилар дастурлаш тилида идентификаторлар деб ҳам аталади. Номларни ёзиш учун лотин ҳарфлари, рақамлар ва махсус белгилардан фойдаланилади. Ном бу лотин ҳарфидан бошланган ҳарф ва рақамлар кетма-кетлигидир.

Масалан: A1; X5; B2; K3; C7; K; L.

Номлар ҳам қайси турдаги қийматларни қабул қилишига қараб турларга ажратилади. «Бейсик» тилида ўзгарувчилар бутун, ҳақиқий ва символли (белгили) турларга бўлинади. Ёзилиш шаклига қараб ўзгарувчиларни турини ажрата олиш учун бутун ва символли (белгили) ўзгарувчиларнинг номидан кейин мос равишда % ва \$ белгилари ёзилади. Бутун ўзгарувчи турига мисоллар: X%; I%; A5%; K3%; C7%.

Символли ўзгарувчи идентификаторлари: A\$; B2\$; H7\$; K3\$.



## 1.4. Арифметик ифодалар ва стандарт функциялар

Дастурлаш тилларининг асосий тушунчаларидан бири ифодалардир. Ифодалар қийматига қараб арифметик, мантиқий ва матнли бўлиши мумкин.

Ўзгармаслар, ўзгарувчилар, индексли ўзгарувчилар, функцияларнинг арифметик амаллар билан боғлиқлиги арифметик ифодалар дейилади. БЕЙСИК тилида ифодалар оддий математик ёзилишга яқин шаклда ёзилади.

Амалларни бажарилиши қуйидаги тартибга мос равишда амалга оширилади: аввало функция қийматлари ҳисобланади, ундан кейин даражага кўтариш амали бажарилади, сўнгра кўпайтириш ва бўлиш амали бажарилади ва ниҳоят қўшиш ва айириш амаллари бажарилади.

Ҳамма формулалар битта сатрга ҳзилади. Сатрдан пастга тушириб ёки юқорига кўтариб ёзиш мумкин эмас. Шунини эслатиб ўтиш лозимки, иккита ишора кетма-кет келганда қавсиз ёзиш мумкин эмас. Масалан:  $A/-B$ .

Арифметик ифодаларда юмалоқ қавслар ишлатилиши мумкин. Агар қавслар бўлса, биринчи навбатда қавс ичидаги амаллар бажарилади. Агар ифодада бир хил имкониятли амаллар бирин-кетин жойлашган бўлса, улар чапдан ўнгга қараб, тартиб билан бажарилади.

Бейсик тилида алгебраик белгиларни оддий алгебраик белгилардан фарқи қуйидагича: кўпайтириш белгиси нуқта «·» ўрнига юлдузча «\*» белгиси қўйилади, бўлиш белгиси қўшнуқта «:» ўрнига ётиқ чизик «/», даража кўтариш белгиси ўрнига эса – «^» (ёки \*\*) белги қўйилади.

Арифметик ифодалар арифметик амал белгилари ва арифметик операндлар (арифметик амалда қатнашаётган сонлар) дан ташкил топади. Ифодага ўхшаб унга кирувчи операндлар ҳам бутун ва ҳақиқий бўлиши мумкин. Қуйидаги 1-жадвалда арифметик амал белгилари бажарилиш даражаси бўйича келтирилган.

Арифметик амал белгилари.

Жадвал 1.

Белгилар	Мисол	Амал	Даража
^ (или **)	$A^B$	Даражага кўтариш	Биринчи
*	$A*B$	Кўпайтириш	Иккинчи
/	$A/B$	Бўлиш	Иккинчи
+	$A+B$	Қўшиш	Учинчи
-	$A-B$	Айириш	Учинчи

Қавс ичидаги ва қавсиз ифодалардаги амалларнинг бажарилиши умумий қонуниятга мос келади: аввало даражага кўтариш амали бажарилади, кейин кўпайтириш ва бўлиш, сўнгра қўшиш ва айириш амаллари бажарилади. Бирхил даражали амаллар чапдан ўнгга қараб бажарилади.

Арифметик ифодаларга таркибига ўзгармаслар ва ўзгарувчилар қаторида «Бейсик» тилининг стандарт функциялари киради (Жадвал. 3).

Ҳар бир функция ўз номига эга. Функция номидан кейин юмалоқ қавс

ичида аргументлар ёзилади. Қуйида «Бейсик» тилида сонли стандарт функциялар рўйхати келтирилган.

Арифметик ифодаларга мисоллар

Жадвал. 2.

Оддий ёзилиши	«Бейсик» тилида ёзилиши
$by$	$6*Y$
$ax^2 + bx + c$	$A*X^2+B*X+C$
$\frac{xy}{x + 5,3y}$	$X*Y/(X+5.3*Y)$

Стандарт функцияларни "Бейсик" тилида ёзилиши.

Жадвал. 3

«Бейсик» тилида	Функцияни ёзилиши	Функцияларнинг номлари
SIN(X)	$\sin x$	Синус $x$
COS(X)	$\cos x$	Косинус $x$
TAN(X)	$\tan x$	Тангенс
1/TAN(X)	$\cot x$	Котангенс
ATN(X)	$\arctg x$	Арктангенс $x$
ATN(X/SQR(1-X^2))	$\arcsin x$	Арксинус $x$
ATN(SQR(1-X^2)/X)	$\arccos x$	Арккосинус $x$
SQR(X)	$\sqrt{x}$	Квадрат илдиз $x$
X^(N/M)	$\sqrt[n]{X^m}$	$n$ асосли илдиз $x$
EXP(X)	$e^x = \exp x$	Экспотенциал функция
LOG(X)	$\ln x$	Натурал логарифм $x$
LOG10(X)	$\lg x$	Ўнли логарифм $x$
RND(X)	$\text{rnd } x$	0 дан 1 гача ораликдаги тасодифий сонни ҳосил қилиш функцияси
INT(X)	$\text{int } x$	$x$ нинг бутун қисми
ABS(X)	$ x $	$x$ сонининг абсолют қиймати
TAB(X)	$\text{tab } x$	Табуляция
SGN(X)	$\text{sign } x$	Сигнум-функция (+1, $x > 0$ бўлганда, 0, $x = 0$ ва -1, $x < 0$ бўлганда)

Функциянинг аргументи ихтиёрый сон, ўзгарувчи, арифметик ифода бўлиши мумкин. Оддий ҳисоблаш ҳолатларида тригонометрик функцияларнинг аргументлари радианларда ифодаланади.

Функциялардан иборат бўлган арифметик ифодаларнинг

$$\frac{-b - \sqrt{b^2 - 4ac}}{2a}$$

«Бейсик» тилида ёзилиши қуйидагича  $(-B - \text{SQR}(B^2 - 4*A*C))/(2*A)$ .

## 1.5. Pascal дастурлаш тили ҳақида

Дастлаб Pascal тили Швецариялик олим Н.Вирт тамонидан яратилиб, кейинчалик Borland корпорацияси тамонидан ривжлантирилди. Бу тил янада такомиллаштирилиб Turbo Pascal, Borland Pascal ва кейинчалик эса Object Pascal номини олди. Object Pascal тили мутахассислар томонидан кенг фойдаланилувчи ва ҳозирги кунда Object Pascal тили асосида, замонавий операцион тизимларда, яъни Windows муҳитида ишловчи мураккаб профессионал дастурий тиллар яратилди.

Паскаль тилида ёзилган дастур белгилардан, ҳарфлардан ўнлик ва ўнлик санок сонлардан ва махсус белгилардан ташкил топади. Лотин алфавитнинг 26 ҳарфидан ва ( ) белгиларидан фойдаланади, ўнлик сонлар сифатида: 0 1 2 3 4 5 6 7 8 9 лар ишлатилади.

Ўнлик санок системасида сонлар унли сонлардан ташкил топади ва А дан F гача бўлган ҳарфлар қатнашади. Дастур ёзишда қуйидаги махсус белгилардан фойдаланилади: + (плюс), - (минус), \* (юлдузча), / (каср чизиғи), = (тенг) > (катта), < (кичик), ; (нуқта вергул), # (номер), ' (апостроф) , (вергул), . (нуқта), : (икки нуқта), [ ] (квадрат қавс), { } (фигуралли қавс), \$ (пул бирлиги белгиси), ( ) (юмалоқ қавс), ^ (тильда), @ (тижорат а), бўш жойлардан фойдаланилади.

Белгиларнинг махсус комбинациялари туркум белгиларни ҳосил қилиши мумкин: := (ўзлаштириш), <> (тенг эмас), .. (қийматлар диапазони), (\* \*) (альтернатива), <= (кичик ёки тенг), >= (катта ёки тенг) (. .) (альтернатива [])

Белгиларнинг бўлинмас кетма-кетлиги дастурда бир-бирдан ажратувчилар орқали ажраб турган сўзларни ташкил қилади. Ажратувчилар сифатида пробел, сатр охири белгиси, изоҳлар ишлатилади.

Сўзлар резервлашган сўзларга, *стандарт идентификаторларга ва фойдаланивчининг идентификаторларига* булинади.

*Резервлашган сузлар* тилнинг ташкилий қисми ҳисобланиб, аниқ манога эга бўлади. Қуйида Паскаль версиясидаги ШЭХМ лар учун резервлашган сўзлар рўйхати келтирилган: absolute, end, inline, procedure, type, and, external, interface, program, unit, array, file, interrupt, record, until, begin, for, label, repeat, uses, case, forward, mod, set, var, const, function, nil, shl, while, div, goto, not, shr, with, do, if, of, string, xor, downto, implementation, or, then, else, in, packed, to.

Стандарт идентификаторлар олдиндан аниқланган ўзгарувчиларни, константа, процедура ва функцияларни белгилашга хизмат қилади. Масалан, Sin стандарт идентификатори, берилган бурчак синусини ҳисоблаш функциясини чақиради. Ҳар қандай стандарт идентификаторни

резервлашган сўзлардан фарқи шундаки, уни олдиндан аниқлаб олиш мумкин. Лекин бу кўп ҳолатларда хатоликга олиб келади. Шунинг учун амалиётда стандарт идентификаторлардан уларни ўзгартирмасдан фойдаланган макулроқдир. Фойдаланивчининг идентификаторларидан дастурчи метка, константа, ўзгарувчилар, процедура ва функцияларни белгилашда фойдаланади. Тугри танланган идентификатор дастурни тушинишни, ўқишни осонлаштиради ва дастурни модификациялашда хато қилиш эҳтимолини камайтиради.

Масалан, ой, кун, йилни D ххрфи ёки бошқа бирор бир белгидан кўра Data идентификатори билан бегилаш қулайроқдир.

Идентификаторлардан фойдаланишнинг умумий қоидалари мавжуд:

1. Идентификатор фақат харф ёки чизиқча белгиси билан бошланади (бундан сон ёки харф билан бошландиган метка мустасно).
2. Идентификатор харф, сон ва чизиқча белгисидан ташкил топиши мумкин (пробел, нуқта ва махсус белгилардан фойдаланиш мумкин эмас).
3. Иккита идентификатор оралиғида ҳеч бўлмаганда битта пробел бўлиши шарт.
4. Идентификаторлар узунлиги 127 та белгидан иборат, лекин фақат олдинги 63 тасигина ҳисобга олинади ҳолос.

Идентификаторларни ёзишда босма харфлардан ҳам ёзма харфлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Ахборот алмашинувида стандарт кодларнинг тартиб номерлари турлича булиши мумкин, лекин компилятор учун бунинг ахамияти йўқ. Амалиётда компиляторнинг бу хусусиятидан идентификатор қийматларини осонроқ ўқиш ва тушиниш учун фойдаланилади. Масалан, `nomerotdela` идентификаторининг ўрнига маного эга бўлган, ҳар бир сузи босма харф билан ажратиб ёзилган `NomerOtdela` дан фойдаланган маъқул.

Масалан. `Metka12`

`lgraph` - хато, идентификатор сон билан бошланди

`Block_56`

`Nomer.Doma` - хато, идентификаторда нуқта иштирок этаяпти

*Паскаль тилида константалар ва ўзгарувчилар.* Ҳар қандай дастур қандайдир берилганлар билан ишлаган тақдирдагина маного эга бўлади. Худди бошқа дастурлаш тиллари каби, Паскаль тили ҳам константа ёки ўзгарувчи кўринишидаги берилганлар билан иш олиб боради. Шундай қилиб, дастурдаги ҳар бир элемент ўзгарувчи ёки константа бўлади. Константа ва ўзгарувчилар ўзларининг идентификаторлари (номлари) орқали аниқланади ва шу номлар орқали уларга мурожат этилади.

Константалар деб дастур бошида эълон қилинган ва дастур охиригача ўзгармайдиган қийматларга айтилади. Константани аниқлаш учун резервлашган `CONST` сўзидан фойдаланамиз. Ёзилиши: `CONST`

<идентификатор> = <константанинг қиймати>;

Масалан. CONST Max = 1000;

Vход = 'Сегмент 5';

Шундай константалар ҳам борки, уларга константалар қийматини олдиндан аниқламасдан туриб ҳам мурожат этиш мумкин. Уларнинг баъзи бирлари таблицада келтирилган.

Идентификатор	Тури	Қиймат	Ёзилиши
True	Boolean	True	“Рост”
False	Boolean	False	“Ёлғон”
Maxint	Integer	32767	Максимал бутун

Ўзгарувчиларнинг константалардан фарқи шундаки, улар ўз қийматларини дастур иши давомида ўзгартириши мумкин. Хар қандай ўзгарувчилар ва константалар аниқ бир берилганлар типига киради. Константалар типини автоматик тарзда компиляторлар ёрдамида аниқланади. Ўзгарувчиларнинг типини улар билан ишлашдан олдин эълон қилиниши зарур, ўзгарувчиларни эълон қилиш учун VAR сўзи қўлланилади.

Ёзилиши: VAR <идентификатор> : <тип>;

Масалан. VAR Sum1, Sum2: real;

Ўзгарувчининг номи "қобик" ҳисобланиб, уни қийматлар билан тўлдириш мумкин, лекин константалар билан буни қилиб бўлмайди. Константа ва ўзгарувчилардан ташқари иккала ўзгарувчи оралигида қўлланиладиган *типлашган константалар* мавжуд. "Типлашган" сўзи константаларни эълон қилишда ўзгарувчилардаги каби константанинг типини ҳам кўрсатилиши кераклигини билдиради.

Ёзилиши: CONST <идентификатор>:<тип>=<қиймат>;

Масалан. CONST VideoSeg: word = \$B800;

*Берилганларнинг стандарт типлари.* Тип - бу қийматлар тўплами бўлиб, уни дастур объекти қабул қилиши мумкин ва шу қийматлар устида олиб бориладиган операциялар йиғиндисидир. Масалан, 1 ва 2 сони, бутун сонлар типига киради, уларни қўшиш, кўпайтириш ва бошқа арифметик операцияларни бажариш мумкин. Паскаль тилида умумий ҳолатларда, типларни эълон қилиш учун TYPE резервляшган сўздан фойдаланилади.

Ёзилиши: TYPE <Тип номи> = <тип қиймати>;

Берилганлар типини икки гуруҳга бўлинади: скаляр (оддий) ва структуралашган (таркибланишган). *Скаляр типлар* ўз навбатида *стандарт* ва *фойдаланувчи* типларига бўлинади. Стандарт скаляр типларга *бутун, ҳақиқий, литерли, кўрсаткич* ва *булев* типдаги берилганлар киради.

Бутун типдаги берилганлар ўнлик ёки ўнoltiлик санок системаларида берилиши мумкин. Агар сон ўнoltiлик санок ситемасида берилган бўлса,

унинг олдига \$ белгиси қўйилади. ўнолтилик санок системасидаги сонларнинг ўзгариш чегараси \$0000 дан \$FFFF гача.

Кириштиш-чиқариш амалини бажаришда 4 та процедура ишлатилади:

Берилган мавзуда уларни ишлаш жараёни қўрилади. Клавиатурадан берилганларни кириштиш ва экранга чиқариш, чоп этиш қурилмалари символларни, қаторларни ва ўқиш процедурасида сонли берилганларни кириштиш ва навбатдаги дастур билан ишлов беришни таъминлайди.

Ёзилиши:

Read (X1, X2,...,Xn); ёки ReadLn (X1, X2,...,Xn);

Write (Y1, Y2,...,Yn); ёки WriteLn (Y1, Y2,...,Yn);

*Шартли операторлар.* Pascal тилида иккита шартли операторлар мавжуд: IF ва CASE. IF шартли оператори, операторларнинг бажарилиш жараёнининг табиий ҳолатини ўзгартирадиган энг кўп воситалардан бири. У қуйидаги қўринишлардан бирига эга бўлиши мумкин:

IF <шарт> THEN <оператор1> ELSE <оператор2>;

IF <шарт> THEN <оператор>;

*Шарт* - бу булев типдаги ифода. Биринчи ҳолатда, агар ифода қиймати ҳақиқат бўлса, <оператор1> қажарилади, агар ҳақиқат эмас яъни ёлғон бўлса <оператор2> қажарилади. Иккинчи ҳолатда - агар ифода натижаси True рост бўлса, <оператор> қажарилади, агар False бўлса - IF операторидан кейинги оператор қажарилади. IF операторлари *жойлаштирилган* бўлиши мумкин.

FOR, REPEAT, WHILE *қайтарилиш операторлари* ҳар хил типли циклларни яратишда ишлатилади.

FOR *қайтарилиш оператори* цикл *сарлавҳаси* ва *танасидан* иборат. У иккита форматда бўлиши мумкин:

FOR <цикл параметри> := <S1> TO <S2> DO <оператор>;

FOR <цикл параметри> := <S1> DOWNTO <S2> DO <оператор>;

S1 ва S2 - ифодалар, цикл параметрининг бош ва охири қийматини аниқлайди. FOR ... DO - цикл сарлавҳаси, <оператор> - цикл танаси. Цикл танаси содда ёки тақрибий оператордан иборат бўлиши мумкин. FOR оператори циклни параметрлари боши ва охири қийматлари қажарилиб бўлгунча цикл танасини ишини бошўаради.

Мисол: FOR I:= 1 TO 100 DO Read(M[I]); { массив элементларини ўқиш }  
FOR I:=100 DOWNTO 1 DO Write(M[I]); { массив элементларини чиқариш }

Цикл параметри, унинг бош ва охири қиймати берилганларнинг битта типига карашли бўлиши керак. Бунда хоҳлаган скаляр тип қатнашиши мумкин, ҳақийқидан ташқари.

REPEAT қайтариш оператори REPEAT сарлавҳадан, танадан ва UNTIL шартдан иборат. Ёзилиши: REPEAT

<оператор;>

...

<оператор>

UNTIL <шарт>;

REPEAT ва UNTIL сўзлари орасидаги операторлар, цикл танаси хисобланади. Энг аввало цикл танаси бажарилади, кейнги навбатда циклдан чиқиш шарти текширилади. Агар булев ифоданинг натижаси False га тенг бўлса, у холда цикл танаси яна бир бор активлашади, агар натижа True га тенг бўлса - циклдан чиқилади. Цикл операторларидан ҳеч бўлмаганда биттаси шарт қийматига таъсир кўрсатиши керак, акс холда цикл тўхтамайди.

Қуйидаги фрагментда Y ва N тугмачалари босишни кутишда REPEAT оператори ишлатилиши кўрсатилган. Бошқа тугмачалар босилиши таъсир қилмайди:

```
USES Crt;
```

```
VAR YN: char;
```

```
BEGIN
```

```
...
```

```
REPEAT
```

```
  YN:= ReadKey
```

```
UNTIL UpCase(YN) IN ['Y','N'];
```

```
...
```

```
END.
```

WHILE оператори худди REPEAT операторига ўхшайди, лекин цикл танасининг бажарилиш шарти оператор бошида текширилади.

Формати: WHILE <шарт> DO

< цикл танаси>;

Шарт - булев ифода, цикл танаси - содда ёки таркибий оператор. Цикл танаси ҳар бир бажарилишидан олдин шарт ифодасининг қиймати хисобланади. Агар натижа True га тенг бўлса, цикл танаси бажарилади ва яна шарт ифодаси хисобланади. Агар натижа False га тенг бўлса, циклдан чиқилади ва WHILE дан кейинги биринчи операторга ўтилади.

WHILE ишлаш тартибини қуриш учун DemoWhile дастури мисол бўла олади, бу программа 10 тасодифий киритилган бутун сонлар йигиндисини хисоблайди.

```
PROGRAM DemoWhile;
```

```
CONST Limit = 10;      { киритиладиган сонлар миқдори чегараси }
```

```
VAR Count, Item, Sum: integer;
```

```
BEGIN
```

```
  Count:= 0;
```

```
  Sum:= 0;
```

```

WHILE (Count < Limit) DO BEGIN    { цикл бажарилиш шарти }
    Count:= Count+1;
    Write ('Бутун ', Count, '-чи сонни киритинг: ');
    Readln (Item); Sum:= Sum+Item;
END;
Writeln ('Киритилган сонлар йигиндиси тенг ', Sum);
END.

```

Компьютерда дастурлаш охириги йилларда жуда тез ривожланиб дастур тузушга қизиқувчилар сони ошиб бормоқда. 10-15 йил олдин ўз дастурларини Windows муҳитида яратиш кўпгина дастурчиларнинг орзуси эди. Object Pascal ва Delphi тилида дастурлаш воситасининг яратилиши эса нафақат профессионал дастурчилар, балки оддий дастур тузувчилар учун ҳам кенг йўл очиб берди.

Дастурлаш тиллари иккита асосий гуруҳга бўлинади:

1. қуйи даражадаги дастурлаш тиллари; бу гуруҳга машина кодлари ва ассемблер тили киради.

2. юқори даражадаги тиллар; бу гуруҳдаги барча тилларни етти асосий категория бўйича синфлаш мумкин: чизиқли тиллар, процедура тиллари, мантиқий тиллар, объектга йўналтирилган тиллар, маълумотлар базасига сўров тиллари, сценарийлар тиллари, макрослар.

*Чизиқли тиллар* дастурлаштириш тизимининг бошланғич тилларидан бўлиб, у оддий арифметик масалаларни ечишга мўлжалланган эди.

*Процедуралар тиллар* маълум бир операцияларни бажариш учун йирик мантиқий блоклардан ташкил топган тил бўлиб, уларда модуллар дастурлаш принципи ишлатилади. Модули дастурлаш – дастур кодининг қисми бўлиб, процедуралар ва функциялар кўринишида ёзилади. У керак вақтда дастурнинг асосий қисмдан чақириб олинади. Fortran, Cobol, Lisp, Algol, Basic, Pascal, C.

*Мантиқий тиллар* мантиқий моделлардан фойдаланиб, табиий тилдаги гапларни формал ёзилишига ўхшайди. Бу тилларнинг асосида мураккаб назария борлиги учун улар кенг тарқалмаган. Объектга йўналтирилган *тиллар* асосида ўзгарувчилар, процедуралар ва функциялар бир синфга бирлашиб объект кўринишидаги кодда ишлатилади. Бу тилларда асосий эътибор процедура ва функцияларнинг ўзаро бир-бири билан боғланган харақатига қаратилади. C++, Java, C# (2000), Delphi (1998), Visual Basic.

*Маълумотлар базасига сўров тиллари* маълумотлар базасигага мулоқотни таъминлайди. Унинг ёрдамида маълумотлар ва уларнинг тузилиши билан опрециялар бажариш мумкин. Уларни кўпинча сўровларни структуравий тиллари деб аталади. Бу тилларда яратиладиган дастурларга умумий талаб қўйилган бўлиб, у SQL 92 деб номланади.



*Сценарийлар тиллари* Web-ишланмалар соҳасида турли маълумотлар базаси билан ўзаро ҳаракатда бўладиган янгилашиб турувчи Web-сайтларни яратишда фойдаланилади. Сценарий - HTML-ҳужжатга асосланган интерпретацияланувчи дастурдир. Visual Basic Script, JavaScript, Perl ва PHP.

*Макрослар* кўп фойдаланиладиган амалларни автоматлаштириш учун фойдаланилади. Макрос – битта буйруқ сифатида бажарилувчи кўрсатмалар тўпламидир.

Ҳар қандай масалани компьютерда ечиш қуйидаги босқичлардан иборат: масаланинг қўйилиши; алгоритм танлаш; дастур тузиш; дастурни таҳлил қилиб компьютерда ўзлаштириш; ечим.

### **1.6. Дастур ва дастурлаштириш.**

Алгоритмда кетма-кет бажариладиган операциялар мажмуаси дастур дейилади. Дастур буйруқлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир буйруқ маълум бир тугалланган амални бажаради. Шунинг учун *дастур* компьютер тушунадиган тилда ёзилган алгоритмдир. Дастур тузиш жараёнини *дастурлаштириш* дейилади.

Дастурлаштириш тилида ёзилган операторлар кетма-кетлиги ҳам *дастур* дейилади. Компьютер ёзилган дастурни ўз тилига ўгириб олади. Бунинг учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни *транслятор* деб аталади. Трансляторлар икки хилда бўлиши мумкин:

2. *Дастур – интерпретатор*, дастурнинг ҳар бир қаторини таҳлил қилади ва бажаради. Интерпретатор дастурларга Basic ва Perl ва ҳ. тилларини киритиш мумкин.

3. *Дастур – компилятор*, ёзилган дастурни тўлиқ таҳлил қилади ва бажарилишга тайёр машина кодини шакллантиради. Компилятор дастурларга C, C++, Pascal, Java, Fortran тилларини киритиш мумкин.

Алгоритмларни турли усулларда тасвирлаш мумкин. Масалан:

- сўз билан ифодалаш;                      -блок-схемаларда тасвирлаш;
- формулаларда бериш;                      -дастур шаклида ифодалаш ва бошқалар.

Алгоритмларни блок-схема кўринишда тасвирлаш қулай ва тушунарли бўлгани учун энг кўп ишлатилади. Бунда алгоритмдаги ҳар бир кўрсатма ўз шаклига эга. Масалан: параллелограмм кўринишдаги белги маълумотларни киритиш ва чиқариш; тўғри тўртбурчак белгиси ҳисоблаш жараёнини; ромб белгиси шартларнинг текширилишини билдиради.


Мисоллар:                      Чизиқли алгоритмга доир:

$y=x^2+5$  чизиқли функцияни  $x$  нинг исталган қийматида ҳисоблаш алгоритмини тузинг.

Сўзда берилиши:

1. Бошлаш.
2.  $x$ -қийматини киритиш.
3.  $y=x^2+1$  ни ҳисоблаш.
4.  $y$ -қийматини чиқариш.
5. Тамом.

Блок-схемада:




Тармоқланувчи алгоритмга доир:

Иккита  $a$  ва  $b$  сонлардан каттасини аниқлаш алгоритмини тузинг.

Сўзда берилиши:

1. Бошлаш.
2.  $a$  ва  $b$ -қийматини киритиш.
3. агар  $a > b$  бўлса, натижа  $a$  деб олиниб 5 га ўтилсин.
4. натижа  $b$  деб олинсин.
5. Тамом.

Блок-схемада:




Такрорланувчи алгоритмга доир:

1 дан 100 гача тоқ сонлар йиғиндисини ҳисоблаш алгоритмини тузинг.

Сўзда берилиши:

1. Бошлаш.
2.  $S$  нинг қиймати ноль деб олинсин.
3.  $i$  нинг қиймати бир деб олинсин.
4.  $S$ га  $i$  қўшилиб, натижа  $S$  деб олинсин.
5.  $i$  га 2 қўшилиб, уни  $i$  билан белгилансин.
6. агар  $i \leq 100$  бўлса, у ҳолда 4 га ўтилсин.
7.  $S$  қиймати чиқарилсин.
8. Тамом.

Блок-схемада:



Ҳудди шу сингари 1 дан 100 гача барча сонлар йиғиндисини 5 -қаторсиз ҳисоблаш мумкин. Масалани ечиш алгоритми ишлаб чиқилгандан сўнг дастур тузишга ўтилади.

**Дастур** - бу берилган алгоритмга асосланган бирор бир алгоритмик тилда ёзилган кўрсатмалар (буйруқлар, операторлар) тўпламидир. Дастурлаш - эса бу дастур тузиш жараёнидир. У қуйидаги қадамлардан иборат:

- ❖ дастурга бўлган талаблар;
- ❖ қўйилган масала алгоритмини танлаш ёки ишлаб чиқиш;
- ❖ дастур кодларини (матнлари, буйруқларни) ёзиш;
- ❖ дастурни тўғрилаш;

❖ тест ўтказиш.

Ҳозирги кунда жуда кўп алгоритмик тиллар мавжуд бўлиб, уларни дастурлаш тиллари деб атаيمиз. Алгоритмик тил - алгоритмларни бир хил ва аниқ ёзиш учун ишлатиладиган белгилашлар ва қоидалар системасидир. Алгоритмик тил оддий тилга яқин бўлиб у математик белгиларни ўз ичига олади. Қўйилган масалаларни ечишга тузилган алгоритмларни тўғридан-тўғри машинага бериб, ечиб бўлмайди, шу сабабли ёзилган алгоритмни бирор бир алгоритмик тилга ўтказиш зарур. Ҳар қандай алгоритмик тил ўз қўлланилиш соҳасига эга. Масалан, муҳандислик ҳисоб ишларини бажаришда Паскал, Бейсик ва бошқалар. Рўйхатларни ишлаш учун ПЛ/1 ва бошқалар. Иқтисод масалаларини ечишда Паскал, Кобол ва бошқалар. Мантикий дастурлаш учун Пролог ва бошқалар. Ўқув жараёнлари учун Бейсик, Паскал ва бошқалар. Паскаль, Фортран ва Кобол тиллари универсал тиллардан ҳисобланади. Си ва Ассемблер тиллари машина тилига анча яқин тиллар бўлиб ўрта даражадаги тиллардир. Алгоритмик тил инсон тилларига қанча яқин бўлса, у тилга юқори даражали тил дейилади. Машина тили эса энг пастки даражали тилдир.

**Дастурлаш тил элементлари.** Ҳозирги кунда жуда кўп алгоритмик тиллар мавжуд. Бу тиллар ичида Паскал тили универсал тиллардан бири бўлиб, бошқа тилларга қараганда имкониятлари кенгроқ тилдир. Сўнги йилларда Паскал тили жуда такомиллашиб, тобора оммалашиб бормоқда. Паскал тилида програма тузиш учун Турбо Паскаль ва Дельфи дастурлаш воситалари мавжуд. Бу дастурлаш воситалари замонавий компьютер технологиясининг ҳамма талабларини ўз ичига олган ва унда дастур тузувчи учун ҳамма қулайликлар яратилган.

Delphi дастурлаш воситаси Turbo Pascal тилининг ривожини бўлган Object Pascal тилини ишлатади. Ҳозирги кунда бу тилга жуда кўплаб янгиликлар киритилган унинг имкониятлари янада кенгайтирилган, шу сабаб бу тилни Delphi тили деб ҳам аташ мумкин.

Delphi тили ҳам бошқа дастурлаш тиллари каби ўз алфавитига ва белгиларига эга. У 26 бош лотин ҳарфларини, 0 дан 9 гача бўлган араб рақамларини ва қуйидаги белгиларни ишлатади: бўшлиқ белгиси; 4 та арифметик амаллар + , - , \* , / ; мантикий амалларни бажариш учун < , > , <= , >= , <> , = белгиларини ишлатади. Булардан ташқари вергул, нуқта, икки нуқта, кичик қавс, катта ва ўрта қавслар. Дастурда изоҳлар исталган жойда берилиши мумкин. Улар катта қавс ичида ёзилади.

Масалан. Program ad; { Бу дастур номи }

**Ўзгармаслар, ўзгарувчилар ва стандарт функциялар.** Ҳақиқий турдаги сонлар умумий ҳолда қуйидаги кўринишда бўлади:

$$s a_1 a_2 \dots a_n. b_1 b_2 \dots b_k$$

Бу ерда  $s$  ишора (+ ёки -) ёки буш жой;  $a_1a_2...a_n$  бутун қисм;  $b_1b_2...b_k$  каср қисм. Масалан:

+6,147	сони	+6.147	ёки	6.147
-143,03	сони	-143.03		
67,0	сони	67.0		
0,493	сони	0.493	ёки	.493

Ҳақиқий сонларнинг ўзгариш диапазони компьютернинг турига қараб турлича бўлади.  $10^{-38} < x < 10^{+38}$   $x$ -ихтиёрий сон. Улар экспоненциал (даражали) кўринишда ифодаланиши ҳам мумкин, яъни  $\pm m10^{\pm n}$ . Бундай сонлар қуйидагича ёзилади  $\pm mE \pm n$ . Масалан:

0,63 · 10 <sup>-6</sup>	.63E-6
0,0003	3E-4

Бутун сонлар умумий ҳолда қуйидагича ёзилади  $s a_1a_2...a_n$ .

Масалан:

+545	сони	+545	ёки	545
-106	сони	-106		

Бутун сонлар ўзгариш диапазоли -32768 дан +32767 гача. Агар бутун сон қиймати бу диапазондан чиқса, у ҳақиқий сон шаклида ифодаланади ёки компьютер турига қараб, у ўнлик санок системасида ифодаланиши ҳам мумкин. Белгилар қўштирноқ ичида ёзилади. Ёзилиш диапазоли 0 дан 255 тагачадир. Мисол. "Паскаль", "405.5"

Паскал тилида идентификатор сўзи ишлатилиб дастурда объектларни номлашда ишлатилади. Ўзгармасларни, ўзгарувчиларни, белги(метка), процедура ва функцияларни белгилашда ишлатилган ном идентификаторлар дейилади. Идентификаторлар лотин алфавити ҳарфларидан бошланиб қолганлари белги ёки рақам кетма-кетлигидан ташкил топган бўлиши мумкин. Масалан: `xx`, `xx1`, `alfa&`.

Delphi тилида дастур ишлаши мобайнида қиймати ўзгармайдиган идентификаторлар **ўзгармаслар** дейилади ва улар дастурнинг бош қисмида **Const** сўзи билан эълон қилиниб унга аниқ қиймат тенглаштирилади.

Мисол. `Const aa1=2.27; Pi=3.14; radius=14;`

Дастур ишлаши мобайнида қийматлари ўзгариши мумкин бўлган идентификаторга **ўзгарувчилар** дейилади ва улар дастур бош қисмида **Var** сўзи билан эълон қилинади. Ўзгарувчилар номи келтирилиб, уларнинг турлари берилади. Ўзгарувчиларнинг энг кўп ишлатиладиган турлари **бутун**, **ҳақиқий**, **белгили**, **қатор** ва **мантиқий**дир. Улар мос равишда бутун - **Integer**, ҳақиқий - **Real**, белгили - **Char**, қатор (матн) - **String** ва мантиқий - **Boolean** деб ёзилади. Масалан:

```

Var a, d1, alfa : Integer;
    c121, df : Real;
    Etx, xx : Char;
    St,Sw: String;
    fl : Boolean;
```

Мантикий ўзгарувчилар фақат иккита қиймат қабул қилади: "True" (чин) ва "False" (ёлғон).

Стандарт ва ностандарт математик функциялар

Жадвал 4.

Функция номи	Тилда ёзилиши	Маъноси
Sinx	SIN(x)	x нинг синуси
Cosx	COS(x)	x нинг косинуси
Ln x	Ln(X)	x нинг натурал логарифми
e <sup>x</sup>	EXP(x)	Экспонента
$\sqrt{x}$	SQRT(x)	Квадрат илдиз
Arctgx	ARCTAN(x)	x нинг арктангенси
x	ABS(x)	x нинг модули
x <sup>2</sup>	SQR(x)	x нинг квадрати
a <sup>b</sup>	EXP(b*LN(a))	a нинг b чи даражаси
	Int(x)	ҳақиқий сон бутун қисми
	Round(x)	Яхлитланган бутун сон
	Str(x)	Сонни матнга ўтказиш
	Val(x)	Матнли сонни рақамга ўтказиш
	Chr	Символни коди билан чиқариш
	Readkey(код)	Мос тугмача белгисини аниқлаш

Ностандарт математик функциялар.

$$1. \text{Sec}x = \frac{1}{\text{Sin}x}; \quad 2. \text{Cosec}x = \frac{1}{\text{Cos}x}; \quad 3. \text{Tgx} = \frac{\text{Sin}x}{\text{Cos}x}; \quad 4. \text{Arcctgx} = \text{Arctg} \frac{1}{x};$$

$$5. \text{Arc sin} x = \text{Arctg} \frac{x}{\sqrt{1-x^2}}; \quad 6. \text{Arc cos} x = \text{Arctg} \frac{\sqrt{1-x^2}}{x}; \quad 7. \text{Arc sec} x = \text{Arctg} \frac{1}{\sqrt{1-x^2}};$$

$$8. \text{Arc cosec} x = \text{Arctg} \sqrt{1-x^2}; \quad 9. \text{Log}_a b = \frac{\text{Lnb}}{\text{Lna}}; \quad 10. \text{Padian} = \frac{\text{Gradius} \cdot \pi}{180}$$

Дастурда арифметик ва мантикий ифодалар ўзгарувчи, ўзгармас, стандарт функциялар, қавслар ва амал белгилари орқали ташкил қилинади.

Ифодаларда ҳисоблашлар тартиби қавслар ичидаги ифодалар бажарилгандан кейин қуйидаги тартибда бажарилади: 1. NOT амали;

2. \*, /, DIV, MOD, AND; 3. +, -, OR;

4. таққослаш белгилари: <, >, <=, >=, <>, =, IN.

Ифодадаги амал натижаси қандай турда бўлиши амалларда катнашаётган ўзгарувчиларнинг турларига боғлиқ. Агар иккита ўзгарувчининг тури Integer ёки Real бўлса, амал натижаси ҳам Integer ёки Real бўлади. Агар бири Integer иккинчиси Real бўлса натижа Real бўлади. NOT, OR, AND ва таққослаш амалларининг натижалари эса Boolean турида бўлади.

Компьютер фойдаланувчи томонидан қўйилган масалани аниқ ва тушунарли кўрсатмалар берилгандагина бажара олади. Бу кўрсатмалар маълум бир маънони англатувчи сўзлардан иборат бўлиб, компьютерга

қандай операцияни бажариш лозимлигини билдиради ва бу кўрсатмаларга **операторлар** дейилади. Операторлар дастур ишлаганда кетма-кет равишда бажарилади.

## 2. КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ ВА ТАСВИРЛАШ ДАСТУРЛАРИ

### 2.1. Компьютер графикаси ҳақида тушунча, график тасвирлаш дастурлари

Гидрогеология ва инженерлик геологиясида асосан маълумотлар схема, график ва харита кўринишида намаён бўлади. График тасвирлаш дастурлари бундай ахборотларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ўзгартиришларни амалга оширади. Ахборотни график шаклда ишлаб чиқиш, тақдим этиш, уларга ишлов бериш, шунингдек, график объектлар ва файлларда бўлган нографик объектлар ўртасида боғланиш ўрнатишни ахборот технологияларида *компьютер графикаси* деб аталади. Компьютер графикаси асосан қуйидаги уч турга бўлинади:

*растрли графика;*

*векторли графика;*

*фрактал графика.*

Улар ўртасидаги асосий фарқ нурнинг дисплей экрандан ўтиш усулидан иборат. Эслаб қолувчи электрон-Қарши трубкаларга эга векторли қурилмаларда нур берилган траектория бўйлаб бир марта чопиб ўтади, унинг изи эса экранда кейинга буйруқ берилгунча сақланиб қолади. *Векторли графиканинг асосий элементи – чизиқдир.* Векторли графика билан ишловчи дастурий воситалар биринчи навбатда тавирларни яратишга мўлжалланган.

Растрли қурилмаларда тасвир уларни ташкли этувчи нуқталар мажмуасидан вужудга келади. Бу нуқталар пикселлар деб аталади. Растр – бу экраннинг бутун майдонини қопловчи пикселлар матричасидир. *Растрли графиканинг асосий элементи нуқтадан иборат.* Растрли тасвирлар билан ишлашга мўлжалланган кўпгина график муҳаррирлар асосан тасвирларга ишлов беришга мўлжалланган.

*Фрактал* бадий композицияни яратиш – бу тасвирни чизиш ёки жиҳозлаш эмас, балки уни дастурлашдир, яъни бунда *тасвирлар формулалар ёрдамида қурилади.* Фрактал графика одатда ўйин дастурларида кўлланилади.

Компьютер графикасида асосан тасвирларни қайта ишлаш ва тиклаш икки хил турдаги усулларда амалга оширилади: векторли ва растрли (нуқтали). Векторли графика муҳаррирларига мисол қилиб Adobe Photoshop, Adobe Illustrator, Corel Draw ва Macromediya Flash дастурларни айтиш мумкин. Ушбу дастурларда расмлар ҳар хил чизиқлар ва егриланган векторлардан иборат бўлади.


Растрли графикадан рақамли фотосуратлар ва сканердан олинган расмлар билан ишлаш учун фойдаланилади. Компьютер графикасида дюймдаги пикселлар сони (ppi) асосий шартлардан бири бўлади. Қанча кўпроқ пикселлар сони бўлса, шунча тасвир сифатлироқ бўлади. Масалан:

агар  $ppi=72$  бўлса, у холда 1 квадрат дюймга 5184 пискел жойлашади ва унинг хажми 6 Кб бўлади, агарда  $ppi=144$  бўлса, у холда 1 квадрат дюймга 20736 пискел жойлашади ва энди унинг хажми 21 Кб га тенг бўлади. Шу билан бирга мониторинг кўрсатиш ва принтернинг чиқариш сифати - дюймга пискеллар сони (dpi) (72 ёки 96 dpi) ва дюймга чизиклар сони (lpi) (300-2400 dpi лазерли принтерларда, сепувчи принтерлар учун 75-200 lpi матрицали принтерлар учун), ҳамда компьютер ранглар сифати (2, 16, 256, 32 000, 16 000 000 ранглар сони) ҳам катта ахамиятга эга бўлади. Ранг холатлари - рангларни чиқариш ва кўрсатиш йўли асосан 2 хил бўлади: RGB (кизил, зангор, кук) мониторларда тасвир кўрсатишда фойдаланилади, CMYK (хаворанг, пурпур, сарик, кора) босмада фойдаланилади. RGB холатидаги ранглар сони CMYK холатга караганда кўпрок.

## 2.2. Adobe Photoshop дастури ҳақида маълумот.

График тасвирлаш дастурлари Adobe Photoshop Inc компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, растрли графикада таҳрир қилувчи, фойдаланишдаги алоҳида қулайликлари билан машҳур бўлган дастурдир. Adobe Photoshop дастури ёрдамида фотосуратларга қўшимчалар киритиш, улардаги доғларни ўчириш ва эски расмларни қайта ишлаш ва тиклаш, расмларга матн киритиш, қўшимча махсус эффектлар билан бойитиш, бир фотосуратдаги элементларни иккинчи фотосуратга олиб ўтиш, суртдаги рангларни ўзгартириш, алмаштириш мумкин. Adobe Photoshop имкониятлари кенг қамровли бўлиб, у газета ва журналларни турли-туман расмлар билан бойитишда жуда катта қулайликлар яратади.

Векторли графикада яратилган расмлар логотип, иллюстрациялар ва заставкалар яратишда фойдаланилади. Растрли графика муҳаррирларига мисол қилиб Adobe Photoshop ва Paint дастурларни айтиш мумкин. Ушбу дастурларда расмлар майда квадрат - пикселлардан иборат бўлиб мозаика холатида расмни ҳосил қилади.

Adobe PhotoShop дастурни ишга тушириш учун Windows нинг  Пуск асосий меню тугмасини босамиз, унинг ичидан Программы булимини танлаймиз ва Adobe номли гуруҳдан Adobe PhotoShop номли буйрукни танлаймиз. Натижада куйидаги ойна ҳосил қилинади:


Adobe Photoshop дастури ишга туширилгандан сўнг экранда дастур ойнаси ҳосил бўлади. Adobe Photoshop ойнасининг юқори қисмида сарлавҳа сатр ва Windowsга хос элементлар жойлашади. Сарлавҳа сатридан сунг меню сатри жойлашади. Менюдаги керакли буйруқларни танлашингиз мумкин.

Компьютер графикаси билан ишлаганимизда Adobe Photoshop, CorelDraw ва шу каби дастурларда **қатлам** номли янги тушунча пайдо



бўлади. Қатлам - бу алоҳида жойлашган ва ўзининг хусусиятларига эга бўлган тасвирдир. Қатламни биз тасвирни бир қисми тушурилган рангсиз плёнка варақаларига ўхшатамиз, агар биз бир нечта шундай плёнкаларни устма-уст йиғиб олсак, у холда бизда битта умумий тасвирни ҳосил қиламиз.

Дастур менюси қуйидаги 9 бўлимдан иборат (расм 3.):



Расм. 3. Adobe Photoshop дастури ишга туширилган экранда  
Мос равишда Файл, Таҳрир, Тасвир, Қатлам, Белгилаш, Филтрлар,  
Кўриниш, Ойна, Ёрдам каби буйруқ командалари мавжуд.


**Файл** менюси таркиби буйруқ номи

- Новый
- Открыть
- Открыть как
- Сохранить
- Сохранить как
- Сохранить копию
- Вернуть
- Поместить
- Импорт
- Экспорт
- Файл информация
- Установка страницы
- Печать
- Предпочтения
- Настройка цвета
- Adobe online
- Выход






Тавсифи

- Янги файл яратиш
- Файларни дискдан ўқиш
- Файлни қандай кўринишда очишни танлаш.
- Файлни хотирага мавжуд форматда жойлаштириш
- Файлни хотирага бошқа ном билан ёзиш.
- Ушбу буйруқ файл номи, формати ва директорияси каби атрибутларни ўзгартиришда фойдаланилади.
- Тасвир нусхасини хотирага жойлаш
- Тасвирни дастлабки ҳолатига қайтиш
- Бошқа мустақил файл билан бирлаштириш
- Бошқа директорияда жойлашган файлни Adobe Photoshop дастурига олиб кириш
- Тасвирни бошқа директорияга жўнатиш
- Файл ҳақидаги маълумотларни киритиш
- Тасвирни принтер ёрдамида чоп этишга тайёрлаш
- Тасвирни принтерга жўнатиш
- Adobe Photoshop дастурини керакли тартибда созлаш
- Тасвир рангларини созлаш
- Интернет билан боғланиш
- Adobe Photoshop дастуридан чиқиш

Ҳар битта қатламни биз алоҳида кўриниш ёки кўринмаслигини ўзгартиришимиз, танлаб юқорига ёки пастга ўтказишимиз (юқоридаги қатламдаги тасвир қисми, пастки қатламлар тасвир қисмларини беркитади), қайта номлашимиз, тасвирини тахрирлашимиз, қуриш режимини ўзгартиришимиз, янги қатлам яратишимиз ва керак эмас бўлган қатламни ўчириб ташлашимиз мумкин (расм. 4).



Расм. 4. Қатламлар билан ишлаш фрагменти.

Adobe Photoshop дастурида тасвир бир нечта қатламдан иборат бўлиши мумкин. Ушбу қатламлар билан ишлаш учун махсус меню қисми **меню Layer (Слой)** ҳамда махсус ёрдамчи **панель Layer (Слой)** мавжуд. Панель Layer (Слой) бизга тезкор қатламлар устидан ҳар хил асосий ҳаракатларни бажариш имкониятини беради. Масалан шу панельдаги:  тугмаси ёрдамида танланган керак эмас қатламни ўчираемиз,  тугмаси ёрдамида янги қатлам яратаемиз,  тугмаси ёрдамида қатламдаги тасвир рангларини созлаш буйруқлари жойлашган менюсини қуриш  тугмаси ёрдамида қатламлар учун янги папка яратиш  тугмаси ёрдамида танланган қатлам эффектларини ўзгартириш

Adobe Photoshop асбоблар панелида турли хил ишни бажариладиган ойналар жойлашган. Ҳар бири Adobe Photoshop дастурининг бирор-бир буйруғини аниқлатади. Агар асбоблар панелида бирон-бир ойна булмаса, меню сатринг Оқно пунктида Вкл. Панель буйруғини танланг.

Adobe Photoshop дастурида жами 46 та асбоблар мавжуд булиб, улардан 20 таси бевосита дастур ишга туширилганда ойнада кузга ташланиб туради. Қолганларини қушимча буйруқларни бажариш орқали ишга тушириш мумкин. Агар асбоблар панелида жойлашган ойнанинг остки қисм унғ бурчагида кичик учбурчак шакли тасвирланган бўлса, бу тасвир ушбу ойна таркибида ухшаш буйруқни бажарувчи асбоблар яширинганлигидан дарак беради.

Яширинган асбобни активлаштириш учун курсорни махсус белгили ойна устида «сичқонча» нинг чап тугмасини босган ҳолда асбоблар панелидан ташқарига олиб чиқарилади ва керакли ойна устида курсорни қолдириб «сичқонча» нинг чап тугмаси қуйиб юборилади.

Ҳар бир ойнага курсор яқинлаштирилса, курсор белгиси остидаги асбобнинг қандай вазифани бажариши ҳақидаги ахборот пайдо бўлади.

Ёрдамчи соҳаларни кичкинаштиришимиз ҳам мумкин. Бунинг учун соҳанинғ юқорисидаги кичкиналаштириш (свернуть) тугмасидан фойдаланамиз. Ёрдамчи соҳаларда бизга энг керакли бу иш куруллар соҳаси (**панель Инструментов -Toolbox**) ва катламлар соҳаси (**Слой- Layers**). Янги **PhotoShop** файлини яратиш ёки эски файлни қайта очиш учун меню **Файлдаги** яратиш ва очиш буйруғларидан фойдаланамиз. Файл яратганимизда экранда қуйидаги ойна ҳосил қилинади Расм.5.



Расм. 5. Янги файл яратиш фрагменти.

Бу ойнада унинг номини **Name**, турини **Preset**, энини **Width**, буйини **Height**, сифатини **Resolution**, ранглар ҳолатини, орқа рангини танлашимиз керак бўлади. Ҳаммасини танлагач **OK** тугмасини босамиз ва натижада экранда янги буш иш соҳа ҳосил қилинади.

Фильтр менюси таркибидаги қушимча буйруқлар билан қулланманинг фильтрлар билан ишлаш бобида танишингиз мумкин.

Ёрдам менюси таркибида Adobe Photoshop дастурига таъллуқли барча маълумотлар жойлашган. Бу меню таркибидаги буйруқлар ёрдамида Adobe Photoshop дастури дарчасидаги асбобларнинг қисқача қандай вазифани бажариши ҳақидаги маълумотларни ўқиш мумкин.

Файл менюсидан “Открыть –очиш” командасини танланг ёки Ctrl + O тугмалари комбинациясидан фойдаланиб компьютер хотирасида мавжуд бўлган файлни очинг. Жуда кам ҳолларда “Файл – Открыть как” (Алт+ Ctrl + O) командаси танланади. «Adobe Photoshop» дастурида чизилган ёки қайта ишланган тасвирни сақлаш учун «Файл» менюсидан «Сохранить-сақлаш» бандини танлаб ёки клавиатурадан Ctrl +С тугмаларини бараварига босилади. Ҳосил бўлган «Save as» (Сохранение-сақлаш) ойнасига файлнинг номини ёзиб «Сохранить-сақлаш» тугмаси босилади.

«Adobe Photoshop» дастури 20 дан ортиқ форматдаги файллар билан ишлаш имконига эга. Энг кўп қўлланиладиган форматлар: Bmp (Bitmap – Битовая карта Windows) Windows муҳитида ишловчи компьютерларда экран ости тасвирларини қўлловчи дастурлар кенг қўлланилади.

Jpg (Joint photographic expert group) ҳозирги кунда энг кўп қўлланиладиган форматлардан бири бўлиб, унинг асосий афзалликларидан бири махсус дастур ёрдамида етарлича сиқиш имконининг мавжудлигидир.

Аммо файлни сиқиб ҳажмини кичрайтириш жараёнида тасвир сифатида ўзгариш бўлади. Файл кучли сиқилганда тасвир сифати ёмонлашиши мумкин. Ушбу форматдаги файллар компьютер хотирасида кўп жой эгалламайди ва ҳажм жиҳатидан кичиклиги боис мазкур форматдаги тасвирлар билан ишлаш анча осон. Tiff (Tagged Image File Format) бу форматдаги файллар ҳам кенг қўлланилади. Лекин Tiff форматидаги файллар компьютер хотирасида кўп жойни эгаллайди. «Adobe Photoshop» дастурида ушбу форматдаги тасвирлар билан ишлашда дастурнинг ишлаш тезлиги сезиларли равишда камайиши мумкин. Gif (Graphic Interchange Format – формат графического обмена) ушбу форматдаги тасвирлар турдаги ранг билан тасвирланади. Бу форматдаги тасвирлар асосан Интернет тизимида кенг қўлланилади. «Adobe Photoshop» дастурида ранглар билан ишлаш жуда ыулай ва тасвир чизишда ва таҳриридашда ранг билан ишла ҳар хил қуролларда, яна бир нечта буйруқларида фойдаланилади.

Асосий ва фонга ранг бериш, ҳоҳлаган қуролда чизма чизганда, янги матнми ёки қатор буйруғини қўлланилганда жорий асосий рангдан фойдаланилади.

### 3. КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ, ЛОКАЛ КОМПЬЮТЕР ТАРМОҒИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДА АХБОРОТЛАР АЛМАШИШ.

#### 3.1. Локал компьютер тармоқлари ҳақида тушинчалар

Узатиш каналлари орқали ўзаро боғланган компьютерлар мажмуига компьютерлар тармоғи дейилади. Бу тармоқ ундан фойдаланувчиларни ахборот алмашув воситаси ва аппарат, дастур ҳамда ахборот тармоғи ресурсларидан жамоа бўлиб фойдаланишни таминлайди

Маълумотларни рўйхатдан ўтказишнинг техник асоси ўз ичига қуйидагиларни олади: сонли ўлчов операцияларини рўйхатдан ўтказиш, ЭХМ алоқа каналлари орқали ахборотларни йиғиш, узатиш, тармоқлар, коммуникация ва бошқалар. Ахборотларни узатиш ҳар хил объектларда турлича амалга оширилади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимида ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш кўпинча уни қайта ишлашдан ажратилган ҳолда олиб борилади. Маълумки, ахборотларни йиғиш ва узатиш иш жойларининг ўзида амалга оширилади, уни қайта ишлаш эса - ҳисоб-китоб марказида олиб борилади.

Компьютер тармоқлари ривожланиши тарих ва муҳим воқеалар хронологияси

Босқичлар	Вақтлари
Компьютерларни боғланишни биринчи тизимлари, алоқа тармоқларининг биринчи тажрибаси	1960-йиллар охири
Овоз узатиш телефон тармоқлари ёрдамида рақамли маълумотларини узатиш	1965-йиллар
Катта интеграл тизимлар яратилиши, мини компьютерларнинг биринчи босқичи биринчи локал тармоқларнинг пайдо булиши	1970-йиллар бошида
IBM SNA тармоқларининг архитектурасини яратилиши	1974 йил
X.25 технологиясини стандартизация	1974 йил
Шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши, биринчи интернет тармоғининг TCP/IP оқими яратилиши	1980-йиллар бошида
Локал тармоқларнинг стандарт технологиялар (Ethernet — 1980 г., Token Ring, FDDI — 1985 г.)	1980-йиллар ўртасида
Интернет ва маълумотлар коммуникациясини тижорат ва бизнесда ишлатилиши	1980-йиллар охири
Web яратилиши	1991 йиллар

*Маълумотларни узатиш.* Маълумотларни узатиш турли усуллар билан амалга оширилади, курьер ёрдамида, почта орқали юбориш, транспорт воситалари билан етказиш, узоқ масофаларга алоқа каналлари орқали узатиш ва бошқалар, ҳаказо.

Узоқ масофага ахборотни алоқа каналлари орқали узатиш вақтни ва харажатни қисқартиради. Уни амалга ошириш учун эса турли махсус техник воситалар керак бўлади. Баъзи ахборотларни йиғиш ва рўйхатдан ўтказишнинг техник воситалари иш жойларига ўрнатилган датчиклардан олинаётган ахборотларни йиғиб, ЭҲМга узатади.

Умуман олганда компьютер тармоқлари қачонлардир фақат тадқиқот ва уқув гуруҳларгагина хизмат қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, у ишлаб чиқариш доиралари орасида кенг тармоқларда.

*Компьютер тармоқларининг воситалари. Йўналтирувчи (Router).* Маршрутлаштирувчи Internet да маълумотлар оқимини қулай ва яқин йўл билан манзилга етказишни режалаштирувчи ва амалга оширувчи программалар мажмуидир. Одатда йўналтирувчи сифатида махсус компьютердан фойдаланиш яхши натижа беради.

**Шлюз (Gateway)** – маълумотларни узатишнинг турли қайдномаларини Internet фойдаланадиган электрон почтанинг оддий қайдномаси SMTP га (Simple Mail Transfer Protokol- электрон почта узатишнинг оддий қайдномаси) айлантирадиган компьютер.

*Трафик* деганда Internet алоқа каналлари орқали узатилган маълумотлар оқимининг ҳажми тушинилади.

*DNS сервер.* DNS (Domain Name Service) – IP манзиллар ва компьютерларнинг домен номларини аниқловчи сервердир. IP манзил ва компьютерларнинг домен кўринишлардаги номлари билан ишлашни ташкил қилиш учун программа жойлаштирилган компьютернинг IP манзили кўрсатилади.

*Proxy.* Internet да баъзи бир маълумотларга кўпчилик муружат қилгани учун бу маълумотларга оид серверга уланиш секин бўлиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик муружаат қиладиган серверлар нусхалари бошқа серверларда ҳам сақланади. Бундай серверлар Proxy серверлар дейилади. Ҳозирги кунда Internet маълумотларини кўриш учун MS internet Explorer дан фойдалаганда, унда Proxy программаси орқали фойдаланиш назарда тутилади.

*Mirror серверлар.* Кўпчиликни қизиқтирувчи серверлар одатда бошқа мамлакатлар серверларига ҳам жойлаштирилади. Бу эса мамлакатларга юбориладиган сўроқларнинг ҳажмини камайтиришга ва тегишли маълумотларни (Internet саҳифаларини) тез топишга имкон туғдиради. Одатда Mirror серверининг борлиги home page (уй саҳифаларини) да ўз

аксини топган бўлади ва унга қараб қайси сервер билан ишлаш қулайлиги аниқланади ва у танланади.

Юқори тезликка эга бўлган узатиш каналлари. Internet нинг муҳим кўрсаткичларидан бири у орқали исталган хажмдаги маълумотарни тез узатишдир. Шунинг учун Internet талафон орқали ишлайди. Internet ажратилган ижарага олинган телефон йўллари орқали ўрнатилган бўлса, унда ишлаш тезлиги ҳам юқори бўлади. Хозирги кунда турли тезликлар билан ишловчи T1, T2, T3 тез ишловчи юқори тезликли каналлар системаси мавжуд. Хусусан улар қуйидаги тезликда маълумотларни узатиши мумкин.

T1 алока линияси 1, 5 Мбайт/с

T2 алока линияси 15 Мбайт/с

T3 алока линияси 45 Мбайт/с

T3 жуда юқори тезликка эга булиб, Америка Internet магистрларда ишлатилади.

### **3.2.Электрон почта.**

Электрон почта (ЭП) – бу ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланишга асосланган инсонлар ва ташкилотлар ўртасидаги почта муносабатлари тизимидир. У хизмат турларидан бири бўлиб, анъанавий почтадан фарқли равишда жуда қисқа вақт ичида қоғозсиз ахборот алмашилиш устунлигига эга.

ЭП нинг иш принципи шундан иборатки, фойдаланувчи ҳар қандай ташкилот ёки уйда терминал орқали керакли манзилни кўрсатган ҳолда хабар жўнатиши мумкин. Бу маълумот компьютерга юборилади, у ерда эса тегишли манзилнинг электрон почта қутисига файл жўнатилади. Фойдаланувчи ўз файлини очиб кўриб унга хат-хабар келган-келмаганлигини билиши мумкин. Агар у оригинал материал (имзо чекилган ҳужжат, график ва ҳ.з) жўнатмоқчи бўлса, факсимиль хизматдан фойдаланиши мумкин.

ЭП ўзининг асосий вазифасини бажариши учун ўз структурасида компьютер, факсимиль аппарат, тасвирларни солиштириш қурилмаси (сканер) ва чоп этувчи қурилмага эга бўлиши керак.

ЭП хизмати афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Ахборотни жўнатувчи ва олувчиларнинг иш вақтига унчалик ҳалақит бермайди;

Ахборот олувчининг бошқа жойга боришига ҳожат йўқ;

Ахборот узатишда абонентлар ўратасидаги масофанинг аҳамияти йўқ;

ЭП қутисига (файлига) кириш қийинчилик туғдирмайди;

Ҳар қандай турдаги ахборотларни, жумладан, молиявий ҳужжатлар, чизмалар, иш қоғозларини узатиш имконияти.

Бошқарув органларига ЭП технологияси татбиқ этиш бу борада ҳужжатлар айланиши масалаларида кенг имкониятлар яратади.

Хозирги кунда электрон почтада уз адреси булганлар сони тахминан 100 миллион кишидан ошиб кетди. Электрон почта бу компьютер орқали мулокатнинг энг универсал воситасидар. У ахбортни исталган компьютердан бошқа исталган компьютерга (агар улар электрон почта тармоғига уланган бўлса) юбориш мумкин. Чунки хозирги системада ишлайдиган турли хил шахсий компьютерларнинг кўпчилиги уни қўллайди. Бунда узоқдаги компьютер хост компьютер деб аталади. Электрон почта-бу хабарларни узатувчи глобал тармоқдир.

Оддий почтадек ЭП да ҳам алоқа булимлари булиб, улар провайдерлар деб аталади. ЭП ёрдамида дунёдаги барча ЭПга эга бўлган шахслар, ташкилотлар, муассасалар, идоралар ва бошқалар билан алоқа ўрнатиш имкониятлари мавжуд. Энг мухими бу алоқа тез ва арзон. Бу усул билан Дунё китъалари билан бир зумда боғланиб сизга ва сизнинг суҳбатдошларингизга тегишли маълумотларни ҳамда сизни қизиқтирган саволларга жавобни бир неча секунда олишингиз мумкин. Унинг ёрдамида ўз илмий маколаларингизни журналларга юборишингиз мумкин.

*ЭП имкониятлари* ЭП орқали фақат матнларни эмас, балки расм, график, видео, товушлардан ташкил топган маълумотларни ҳам жўнатиш ва қабул қилиш имконияти пайдо бўлди.

ЭП орқали олинган файлларни дискетларга ёзиб олиш, винчестер дискларида сақлаш ва у билан бошқа файллар устида бажариладиган амалларни: тахрирлаш, нусха олиш ва бошқаларни бемалол амалга ошириш мумкин

ЭП-универсал алоқа воситаси. ЭПнинг бир хил буйруқлари орқали матн, хар хил форматдаги хужжатларни, факс, умуман ихтиёрий файлларни жунатиш ва қабул қилиб олиш мумкинлиги унинг универсал алоқа воситаси эканлигини билдиради.

ЭП ни етгазхиш тезлиги. ЭП жунатилгандан сунг бир зумда (1-5 минут ичида ёки 1 соат, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт орасида) уни олувчига етиб боради.

Инсон соғлиги учун фойдали. ЭП инсон соғлигини химоя қилиш учун ҳам катта омилдир. Чунки, агар қоғоз орқали ишни давом эттирилса, қанчадан-қанча ўрмонмонлар кесилади, натижада экология бузилади. Кутубхоналарда китоб сақлаш кўринишлари ўзгарди (китоб ва журналларни экологик тоза дискетларда саўлашга ўтиш) бу эса кутубхона ходимлари орасида мавжуд бўлган профессионал касалликдан қутилишга олиб келди.

*ЭП ни ўрнатиш.* ЭПни ўрнатиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

- IBM PC мувофиқлик компьютер;
- ички ёки ташқи модем;



- программа таъминоти;
  - ЭП хизмат кўрсатувчи алоқа бўлими (провайдерда) рўйхатдан ўтиш.
- ЭП билан ишлаш.* ЭП билан ишлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш

мумкин:

1. Системага кириш.
2. Экранда келган маълумотлар рўйхатини чиқариш.
3. Маълумотни кўриш буйруғини компьютерга киритиш.
4. Маълумотни ўқиб бўлгандан сўнг уни сақлаш, принтерга чиқариш, дискларга ёзиб қўйиш ёки бошқаларга жўнатиш ва жавоб тайёрлаш мумкин.
5. Келган маълумотлар ва қолган хатлар билан ишлаш.

### **3.3. Internet тармоғи.**

**Internet** – худи шу номдаги жамият томонидан тузилган халқаро ахборот тармоқларининг глобал тармоғи саналади. Бу бутун жаҳон алоқа тармоғи орқали фойдаланувчи компьютерининг ҳар қандай турдаги компьютер билан ўзаро алоқа қилиш имкониятига эга. Халқаро ассоциацияни ташкил этишда иштирок этган ташкилотлар 1991 йил Internet жамиятини ташкил қилишди. Унинг асосий вазифаси Internet технологиясини кенг жорий этиш ва ахборот тармоқларининг глобал ахборот тармоғига бирлашишига кўмаклашишдир.

Internet Ассоциацияси 1995 йил бошида 16 мингдан ортиқ тармоқни бирлаштирар эди. Уларнинг ичида биринчи навбатда қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш лозим:

Izenet – глобал тармоқ бўлиб, асосий вазифаси турли мавзуларда кенг кўламда янгилкларни тарқатиш ва телеконференциялар ташкил этиш саналади.

Bithet – фойдаланувчиларга кўп сонли маълумотлар базасини тақдим этади ва илмий конференциялар ташкил этади. Шунингдек, абонентларнинг почта қутисига ахборотлар юборади.

Internetга АҚШдаги NBONE, Anshet, Европадаги NORUnet, EUNET каби бир қатор база тармоқлари киради.

Internetда учта асосий тармоқ хизмати ажралиб туради. Булар:

Оддий протоколга (SMTP) мувофиқ ҳар қандай фойдаланувчига ёки кўплаб шерикларга хабар жўнатиш имконини берувчи электрон почта;

Маълумотларни узатиш протоколига (FTP) мувофиқ файлларни бир абонент тизимидан бошқасига узатиш;

Терминалларнинг олисдан туриб кириш интерфейси. У TELNet деб номланиб жорий вақт режимида тармоқнинг тизимларида бўлган амалий дастурлар билан ишлашни англатади.

Internetда тармоқ хизматлари бўлиб, унга биринчи галда WWW – глобал бирлашув хизматини киритиш мумкин. Мазкур хизмат барча қитъалардаги ҳужжатларга кириш имконини беради. Дастурий таъминотни электрон тарқатиш хизмати, шунингдек реал вақт режимида ишловчи китоб ташаббуси хизмати мавжуд. Бу тармоқ хизмати буюртмачиларга Internet орқали китобларнинг тўлиқ матнини (иллюстрациялари билан) узатади. Барча тармоқлар АҚШ Миллий илмий фонди (NSF) томонидан белгиланган коммуникация сервисини амалга оширади.

Internetга икки хил усулда кириш мумкин. Улардан бири одатий алоқа, **TCP/IP** протоколдан фойдаланиб амалга оширилади. Бу услуб Internet локал тармоқларига уланишда айниқса самаралидир. Иккинчи услуб Internetга коммуникация телефон тармоғи орқали уланиш билан боғлиқ.

**Word-Wide-Web** (WWW) – глобал уланиш тармоғи – Internet маълумотлар тармоғи базасига киришнинг гипермуҳит яратиш хизмати тармоғидир.

WWW хизмати модели – бу ўта катта ассоциацияли маълумотлар базаси концепциясидир. Уларнинг ичида ахборот блоклари бўлган турли ҳужжатлар ҳам бор. Ҳужжатлар матн, овоз ва тасвир каби ҳар хил объектларга эга.

WWW хизмати 1991 йил European Particle Physic Laborstory (Женева)да ишлаб чиқилган. Унинг асосий ғояси катта жадвал яратишдан иборат бўлиб, унинг чўққисини ҳужжатлар ташкил этади. Улардаги сўз ва иборалар ўзаро алоқаларни белгилайди. Натижада ҳужжатлар серверларнинг кўп сонли маълумотлар базасида жойлашади ва уларнинг ассоциатив алоқаси Internetда бир-бирига бўлган мурожаатларнинг ўзига хос “тури”ни ташкил этади. WWW серверларида фойдаланиладиган ҳужжатлар гиперматнли, юқори даражадаги тил (HTML) талабларига кўра ёзилган бўлиши керак.

WWW хизматига кирувчи барча маълумотлар базалари ягона графикли интерфейсга эга. У Mosaic деб аталадиган амалий дастурларни супер қайта ишловчи АҚШ Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган дастур билан белгиланади. Гиперматнни узатиш протоколи (HTTP) минглаб маълумотлар базаси билан ўзаро ишлаш имконини беради ва қуйидаги хусусиятлар билан ажралиб туради:

Абонентларнинг гипермуҳит бўйлаб ҳаракатланиш имконияти;

Ҳар қандай намунадаги маълумотлар билан ишлаш;

Базалар билан мулоқотни ушлаб туриш;

Гипермуҳитда фойдаланилган ўтишлар тарихини эслаб қолиш.

Ушбу протоколга мувофиқ мижозлар учун амалий дастурлар ишлаб чиқилган.

Internetда ишлаш учун қўйиладиган талаблар:

1. минимал такт частотаси 100 МГц га тенг бўлиши керак.

2. энг минимал хотира ҳажми – 16 Мбга тенг бўлиши керак.
3. 2 Мб видео хотира ҳажмли видеоплата зарур.
4. дискда мурожаат этилган маълумотлар нусхасини сақлаш учун камида 50-75 Мб жой қолиши керак.
5. модем – компьютерга телефон линиялари орқали бошқа компьютерлар билан мулоқот қилиш имконини берувчи қурилма.
6. рақамли телефон маршрут (ISDN – Integrated Services Digital Network).
7. комплекс хизмат кўрсатувчи рақамли алоқа. Бу технологиянинг устун томони шуки, унда ҳар бир 64 К/бит ахборотни ўткази олувчи иккита линияга эга.
8. кириш хизматини кўрсатувчилардан ёки Интернет провайдерлардан бирининг абоненти бўлиш. Интернет провайдери – бу модемлардан фойдаланган ҳолда Интернетга кириш имконини берувчи компания.
9. WWW тизимидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун браузер керак.
10. почта дастурларини ўқиш ва жўнатиш учун янгиликларни ўқиш дастурини ўрнатиш лозим.

*Internet (International Network* – халқаро компьютер тармоғи) – бутун дунёни қамраб олган глобал компьютер тармоғидир. Хозирги кунда Internet дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатда 100 миллионлаб абонентларга эга. Ҳар ойда тармоқ миқдори 7-10%га ортиб бормоқда. Internet Дунёдаги турли хил маълумотларга оид ахборот тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқани амалга оширувчи ядрони ташкил қилади.

*Internet манзиллари* Internet ёки ҳар қандай бошқа TCP/IP ли тармоқларига уланган ҳар бир компьютер бир-бирини тушунадиган бўлиши керак. Ушбу ҳолат бўлмаса, тармоқ хабарлани сизнинг компютерингизда қандай юборишни билмайди.

Хост система ( компьютер) Internet билан боғланган алоқа хабарларни олувчи ва уни мос алоқа бўлимларига жўнатувчи компьютердир. Умумий ҳолда у Интернет провайдери вазифасини бажарувчи ташкилот модеми орқали уланган компьютердир Хост компьютерларни номлаш оддийдир. Мисол учун jamoljon@tuit.uz электрон почта адресида tuit.uz тармоққа мансуб домен бўлса, jamoljon эса электрон почта хост системасининг программалари бажариладиган компьютер номидир. Доменнинг энг юқори поғонасидаги сўз унинг синфини аниқлайди. У хизмат тури ёки географик жойлашганига қараб белгиланади. Масалан:

- edu (education) таълим муассасалари;
- com (commercial) тижоратмуассасалари;
- org (organization) савдо-сотиқ билан боғлиқ бўлмаган (давлат) муассасалари;
- gov (government) ҳукумат муассасалари;

net (network) телекоммуникацион ва маълумот хизматларини кўрсатадиган муассасалар;

int ( international) халқаро муассасалар;

mil (military) харбий муассасаларга оид маълумотларни билдиради;

Куйидаги (юқори доменлар) географик белгилар бўйича тузилган.

uz Узбекистон

ru Россия

uk Буюк Британия

ca Канада

ва хоказо.

*Internetga уланиш* Internet га уланиш учун қуйидагилар мавжуд бўлиши зарур:

- ташқи модем учун кетма-кет портга, ички модем учун уни қўшиш учун жойга эга бўлган компьютер;

- телефон;

- модем (ички ёки ташқи);

- коммуникацион программалар;

- SLIP ёки PPP қайдномалар программа таъминоти;

- Internet провайдерда (Internet хизмати кўрсатувчи ташкилотда) алмашиши қайдномаси ( SLIP ёки PPP)

- руйхатдан ўтказиш;

Internet га телефон орқали уланиш. Internetга уланиш усуллари кўп ва улар такомиллашиб боради. Телефон орқали Internet билан ишлашни икки йўли бор. Коммутация қилинувчи каналга терминал кириш (conventional dialup, shellaccount) ва Internet қайдномасига коммутация орқали кириш (IP over dial-up). Терминал киришда фойдаланувчи компютери гуёки терминалдек (маълумотларни компютерга киритувчи курилма) бўлиб, узоқдаги компютер (Internet орқали уланган) бўлса, сизнинг компютерингиздаги тармоқ алоқаси бўлади. Internet қайдномасига коммутация қилинган киришда фойдаланувчи компютери PPP (Point to Point Protocol – нуқтама-нуқта қайднома) қайдномасининг махсус қўшимча имкониятидан фойдаланади.

Терминал киришда фойдаланувчи ўз компютеридаги модем ва коммуникация программалари (терминал эмуляция қилувчи) ёрдамида ўз провайдерига уй телефонидан қўнгирик ўилади ва узоқлашган компютер модеми жавобидан сўнг у билан уланади. Бу холда фойдаланувчи компютери энди узоқлашган компютерга уланган терминалдек ишлайди ва узоқдаги компютер билан боғланиб, ўз номингиз (log билан) ва паролнингизни киритасиз. Internet га киргандан сўнг ундан бутун дунёдаги сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича саёхат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Коммутация йўли орқали IP боғланишда фойдаланувчи модеми провайдер компьютерига боғланади (телефон орқали). Бундай боғланишнинг мохияти шундан иборатки, бу холда TCP/IP қайдномаси форматида махсус қайднома асосида маълумотлар алмашишни таъминловчи программа таъминотидан фойдаланилади. Узоқлашган компьютер жавоб бергандан кейин бу программа таъминоти фойдаланувчи ҳақидаги маълумотларни унга жунатади. Рўйхатдан ўтиш муваффақиятли кечса, унда бемалол иш бошлаш мукин.

*Internet архитектураси.* Internetни унинг архитектураси нуктаи назаридан қарасак, TCP/IP қайдномаларнинг баъзи бир қирраларини яхши тушуниш имконин беради. Internet таркибига юқори тезликка эга маълумотларни узатувчи BASK bone деб аталувчи магистрал тармоқ киради. Агар бирор муассаса Internetга уланса у шлюз деб аталувчи алоҳида ажратилган компьютерга уланади. Шлюз турли платформали компьютерларни бир-бирини тушунишини таъминловчи программа воситасидир. Ҳар бир шлюз IP манзилга эга. Агар шлюз уланган манзили кўрсатилган тармоқдан хабарлар ўтса, у холда хабар маҳаллий тармоққа ўтади. Ахборотлар бошқа шлюзга мўлжалланган бўлса, у холда кейинги шлюзга энг қисқа ва қандай йўл билан манзилга етказишни ўзи танлайди.

*InterNIC - маълумотлар маркази.* InterNIC (Internet Network Information Center) – сервер Internet тармоғида бош маълумотлар марказининг бошлангич саҳифаси манзили экан. Internet ялпи ахборот алмашинувини енгиллаштирувчи система сифатида яратилгандир. Internet дан фойдаланувчи эса ўзининг қизиқтираётган ахборотни Info Guide (маълумотлар базаси) ёрдамида қийналмай топиш мумкин.

Web саҳифаларини ўқиш воситалари ( Browser лар) WWW системаси билан ишлашда маълумотлани қулай кўринишда тасвирлаш учун компьютерга махсус Browser (йўлловчи) программасини ўрнатиш керак. WWW browsers бу WWW системаси билан ўзаро ҳамкорликда ишловчи амалий программалардир. WWW хужжатлари гиперматн ҳисобланади. Компьютер имкониятларидан келиб чиқиб, гиперматнлар оддий матнлардан хужжат тузилишининг берилишига қараб фарқ қилади.

HTML ва бошқа программа воситалари ёрдамида тайёрланган Web саҳифаларда фойдаланувчига тушунарли кўринишда тасвирлаш учун махсус программалар ишлаб чиқилган бўлиб, бундай программалар браузер программалар деб аталади. Хозирда бир қанча шундай программалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар табиий равишда хужжатларни кўришни турлича таҳрир қиладилар. Булар орасида кенг тарқалган Microsoft Internet Explorer Navigator программаларидир.

*Internet virtual muxim sifatida.* Интернет яна World Wide Web (WWW) – “жахон миқёсидаги ахборотлар тури” деб ҳам аталади. Бу оддий тур эмас, балки кўплаб маълумотлар ва матнлардан иборат кўплаб турли ахборот тўпламлари (ахборот ресурслари, маълумотлар ёки билим баъзалари)ни ўз ичига олган, ҳудудлар аро ахборот тури ёки тизими билан ўзаро боғланган жаҳон миқёсидаги таўсимланган билим баъзасидир.

Бу жаҳон миқёсидаги ахборотлар тури ҳар хил тур ва йўналишдаги сон-саноксиз компьютерлар (хисоблаш техникаси воситалари) дастурий воситалар, ахборот ресурслари, алоқа ва телекоммуникация воситалари негизда ташкил этилган бўлиб, ахборотлар улар орқали узатилади ва олинади.

Жами World Wide Web ахборотлар тўпламлари кўп сонли “гиперматн” алоқалар билан боғлангандир. Ҳар бир шундай алоқа WWW матнли ёки график ҳужжатлардаги элементларнинг исталган нукталарини ўзаро боғлайди. Улар HTML (Hiper Text Markup Languge) форматида тақдим этилади ҳамда матнли ва график парчалар, безак элементлари, алоҳида маълумотлар ва бошқа унга ўхшаш тузилмалардан ташкил топиши мумкин.

90-йилларнинг бошларида Apple фирмасининг собиқ президенти Д.Скалли ва бошқа мутахасислар ягона ахборот маконидаги навигация - “билимдаги навигация” ғоясини илгари сурган эдилар. Шундай очик ахборот макони Интернет бўлди.

Шундай қилиб, Интернет – бу автоматлаштирилган ахборот тизими, бироқ оддий ААТдан фарқли ўлароқ, ўзига хос тизимдир. Бу информацион жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши негизини ташкил этадиган Дунё миқёсидаги тармоқли ААТдир. Моҳият эътибор билан, Интернет дунё миқёсидаги ААТ сифатида информацион жамиятнинг информацион инфратузилмасини ташкил этади. Бу инфратузилма ҳудудлараро ахборот телекоммуникация тизилмалари ва уларда билим захиралари тарзида тақсимланган, биргаликда интеграл билим манбаини ҳамда информацион жамият субъектларнинг коммуникация воситаларни ташкил этадиган ахборотлажан, ахборот ресурсларидан ташкил топади. Ушбу инфратузилма информацион жамиятнинг талабларидан бири – ҳудудлараро ахборот телекоммуникация тизимлари (ХАТТ) га уланган шахсий компьютерлардан оммавий фойдаланиш талаби амалга ошади.

Дунё миқёсидаги ахборотлар маконинг муҳим хусусиятлардан бири Интернетда ХАТ иштирокчиси бўлган давлатларнинг жуғрофий ва жуғрофий сиёсий чегаралари бўлмайди, бу тизимларда мамлакатлар миллий қонунчиликларнинг тўқнашуви ва ўзгариши содир бўлади. Бунинг натижасида Янги халқаро ахборот қонунчилигини шакллантириш муаммоси туғилади.

Шундай қилиб, Интернет, мохият эътибори билан, инсон яшайдиган янги муҳитни, шахс, жамият ва давлат фаолиятининг янги муҳитини вужудга келтиради. Бу муҳит кўпинча виртуал муҳит деб аталади. Бунда мазкур муҳитнинг асосий объекти ҳисобланган ахборотни жисмонан ҳис этиб, қўлда ушлаб бўлмаслиги назарда тутилади.

“Виртуал” сўзи лотина сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бўлиши мумкин бўлган” деган маънони англатади. Луғатида “виртуал” тушунчасининг икки хил маъноси берилган: 1) бўлиши мумкин бўлган, маълум шароитларда бўлиши мумкин бўлган ёки намоён бўлиши кутилган; 2) шартли, ботиний.

“Виртуал” тушунчасини АТга нисбатан умуман Интернетга нисбатан қисман қўллашда унинг иккала маъноси ҳам бу тушунчанинг тўла ифодалолмайди. Бир томондан ахборот раизлари, белгилар ва талқинлар кўринишида, яъни компьютерда ёки алоқа йўллари орқали узатишда тақдим этилган маълум шароитларда, масалан, компьютер экранига чиқарганда ёки принтерда қоғозга чиқарганда чиндан ҳам намоён бўлади. Аммо бу ботиний эмас, балки моддий шаклда (масалан қоғозда) ифодаланиши мумкин бўлган реал мавжуд воқелиқдир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ахборотни факсимиль узатиш нима?.
2. Электрон почта нима?
3. Internet нима?

## **4. ГИДРОГЕОЛОГИК ВА ИНЖЕНЕР-ГЕОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ МОДЕЛЛАШ**

### **4.1. Моделлаш усуллари ва умумий тушунчалари**

Ҳозирда республикамизнинг геология ва минерал ресурслар тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, ишлаб чиқариш фаолиятини ва қазилма бойликларини, захира тизимини баҳолашга нисбатан ёндашув ва услубларни тубдан ўзгартириш, унинг умумқабул қилинган халқаро принциплари, стандартлари ва меъёрларига ҳамоҳанг тарзда ривожланишини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ушбу устувор вазифани бажаришда юқори билимли, илмий, педагогик фаолиятларни бажара оладиган мутахассисларни таёрлаш, уларни халқ хўжалигининг турли тармоқларига кенг сафарбар этиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланади.

Гидрогеологик ва инженер геологик жараёнларни ўрганишни математик моделлаштириш ва сонли усуллар асосида амалга ошириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва ахборот коммуникация тизимлари фаолиятини ривожлантириш зарурати, соҳада етук мутахассисларни тайёрлашга бўлган талабни янада оширмоқда.

Моделлаш усуллари билан ечиладиган вазифаларнинг асосий турлари.

*Моделлаш усулларининг умумий тушунчалари.* Узоқ даврлар мобайнида инсоният ўз фаолияти учун фақат аниқ - детерминирланган деб аталмиш қонуниятларни ўрганар ва улардан фойдаланар эди. Бироқ ер қаъридаги табиий геологик жараёнлар ёки самодаги ҳодисалар ва бизнинг ҳаётимизга хоҳиш-иродамиздан қатъий назар кириб келгани ва бизни доимо ўраб тургани учун ҳамда, устига-устак, табиатнинг барча ҳодисалари тасодифий бўлгани учун уларни тадқиқ қилишни билиш мақсадида моделлаш тадқиқот усулларини ўрганишни тақазо этади.

Тадқиқотчилар ва муҳандисларнинг иш унумдорлигини оширишнинг замонавий манбаларидан бири унинг меҳнатини тизимлаштириш ёки автоматлаштиришдир. Кўпчилик ҳолларда бирор соҳа ёки жараённинг автоматлаштириш, яъни моделини тузиш, -бу уни унча мураккаб бўлмаган, аммо айнан ўхшаш тизимли масалани ечишга олиб келиш ҳисобланади.

Модель (лат. модурус- ўлчов, меъёр ёки айнан ўхшаши) бирор объект ёки объектлар тизимининг образи, акси ёки намунасидир. Масалан, ернинг модели глобус, осмон ва ундаги юлдузлар модели планетарий экрани; одам суратини шу сурат эгасининг модели дейиш мумкин.



Қадимдан инсониятни яхши шароитда турмуш кечириш, табиий офатларни олдиндан аниқлаш муаммолари қизиқтириб келган. Шунинг учун инсония дунёнинг турли ҳодисаларини ўрганиб келиши табиий ҳолдир.

Аниқ фанлар мутахассислари у ёки бу жараённинг фақат уларни қизиқтириш хоссаларинигина ўрганадилар. Масалан геологлар Ернинг ривожланиш тарихини, яъни қачон, қаерда ва қандай ҳайвонлар яшаган, ўсимликлар ўсган, иқлим қандай ўзгарганлигини ўрганадилар. Бу уларга фойдали қазилмалар тўпланган жойларни аниқлашга имкон беради. Лекин улар ерда кишилиқ жамиятининг ривожланиш тарихини ўрганмайдилар -бу билан тарихчилар шуғулланадилар. Шу ернинг ўзида биз сайёрамиздаги дунё, сайёрамиз тарихий ривожланишнинг таркибий тафсифига эга бўламиз. Умуман, сайёрамиздаги дунёнинг барча тадқиқотлари бизга тўла бўлмаган ва жуда аниқ бўлмаган маълумот беради. Лекин бу коинотга учиб, атом ядроси сирини билиш, жамият ривожланиш қонунларини эгаллаш ва бошқаларга ҳалақит этмайди. Тузилиши, модели ўрганилаётган ҳодиса ва жараёни иложи борича тўла акс эттириши зарур.

Масалан, осмон жисимлари қонунларига асосан Қуёш системасидаги сайёраларнинг ҳозир маълум бўлган вазияти бўйича уларнинг ихтиёрий пайтдаги вазиятини моделлаштириш ва амалда бир қийматли олдиндан айтиб берилиши мумкин, шу жумладан, Қуёш ва Ой тутилишлари жуда аниқ башорат қилиниши мумкин. Бу детерминирланган қонунларга мисол. Шу билан бирга ҳамма ҳодисаларни ҳам олдиндан аниқ айтиб бўлмайди. Масалан, иқлимнинг узок муддат давомида ўзгаришлари, об-ҳавонинг қисқа муддатли ўзгаришлари, ер ости сувлари ҳолати ва таркибий тузилишларини, маъданларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш жараёнларини муваффақиятли башорат қилишнинг имконини бера олмайди, яъни кўпгина қонунлар ва қонуниятлар детерминирланган доирага анча кам даражада бўйсунди. Бундай турдаги қонунлар ўзгарувчи - статистик қонунлар деб аталади. Бундай қонунларга асосан, бирор-бир тизимнинг келажакдаги ҳолати бир қийматли эмас, балки фақат маълум бир моделлаш таснифлари ва эҳтимолликлари билан аниқланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, математикни табиий жараёнларга тадбиқи, амалиёт эҳтиёжлари моделлаштириш назариясининг пайдо бўлишига кўмаклашган, унинг фан сифатида ривожланишини таъминлайди, янги тармоқлар ва бўлимларнинг пайдо бўлишига хусусан гидрогеология ва муҳандислик геологиясида табиий жараёнларни моделлаш асосида ўрганишга олиб келади. Моделлаш асосан, маълумотларни ўлчаш, йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, ҳамда бошқариш ва қарор қабул қилишга кўмаклашиш каби бош вазифаси бўлган тавсифларни маълум усул ва услубият бўйича, маълум бир ишончлилиқ даражасида ечишдан иборат

бўлган математик аппаратга таянади. Математик таҳлиллар назариясидан, жараёнлар назарияси, ахборотни қайта ишалаш назарияси, моделлаштириш ва автоматлаштиришни лойиҳалаштириш, ҳамда мукамал бошқариш каби фан тармоқлари ажралиб чиқди.

Моделнинг тақрибийлик характери турли кўринишда намаён бўлиши мумкин. Масалан, тажриба ўтказиш мабойнида фойдаланиладиган асбобларнинг аниқлиги олинаётган натижанинг аниқлигига таъсир этади. Моделлаштириш объектлари билан (физик ҳодиса ва жараёнлар) ни уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш, мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг моделларни ясаш ва ўрганишдан иборатдир.

Моделлаш назариясини татбиқ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан геология ва муҳандислик геологияси, гидрология ва гидрогеология, география саноат ва қишлоқ хўжалиги, иқтисодиётнинг бир қатор секторларидир. Ҳозирги пайтда эконометрик моделлаштириш, регрессион таҳлил, тренд ва силлиқловчи моделлар, ҳамда минтақавий геоахборотларнинг муфассал моделларини яратиш услублардан фойдаланмасдан тиббий -иқтисодий ҳодисаларни тадқиқ ва башорат қилишни тасаввур қилиш қийин.

Моделларни тузишда, одатда, иккита тамойилдан фойдаланилади:

- дедуктив (умумийдан хусусийга);
- индуктив (хусусийдан умумийга).


Дедуктив усулда маълум фундаментал моделнинг хусусий ҳоли кўриб чиқилади (4.1-расм). Бу ерда, берилган фаразлар асосида маълум модель моделлаштирилаётган объект шарт-шароитларига мослаштирилади.

Индуктив усулда (4.2-расм) фаразни таклиф қилиш, гипотеза, мураккаб объектни декомпозиция, таҳлил, сўнгра синтез қилишдан иборатдир. Бунда система хатти -ҳаракатларидаги қонуниятларни аниқлаш мақсадида моделлаштириш ва хулоса чиқариш усуллари кенг фойдаланилади.

Гипотеза – грекча **hypothesis** сўзидан олинган бўлиб, маъноси асос, фараз, илмий фараздир. Синтез –



Расм. 4.1. Дедуктив модель схемаси



Расм. 4.2. Индуктив модель

грекча **synthesis** сызидан олинган былиб, маъноси бирлаштириш, умумлаштиришдир.

Моделлаштиришда тажриба орттириш учун иложи борича кўп, маълум (машхур) ва муваффақиятли чиққан моделларни ўрганиш лозим.

Моделлаштириш услубидан hozirgi замон фанлари кенг фойдаланилмоқда. У илмий-тадқиқот жараёнини осонлаштиради ва иқтисодий самара беради, баъзи ҳолларда эса мураккаб объектларини ўрганишнинг ягона воситасига айланади. Моделлаштириш, айниқса мавҳум объектларни, ер ости ва тоғ жинсларини, олис-олисларда жойлашган объектларни, кўлами жиҳатидан жуда катта ёки жуда кичик ҳажмли объектларни ўрганишда аҳамияти каттадир.

Умуман, моделларни уларни танлаш воситаларига қараб, ушбу гуруҳларга ажратиш мумкин: абстракт, физик ва биологик гуруҳлар, 4.1 жадвал.

1. Абстракт моделлар қаторига математик, математик-мантиқий, статистик моделлар киради.

2. Физик моделлар. Текширилаётган жараённинг табиати, кўлами ва геометрик тузилиши асл нусхадагидек, аммо ундан миқдор (ўлчами, тезлиги, ҳажми) жиҳатидан фарқ қиладиган моделлардир. Масалан, самолёт, кема, автомобил, поезд, харита ва схемалар, ҳамда бошқа нарсаларнинг моделлари. Физик моделлар қаторига кичиклаштирилган макетлар, турли асбоб ва қурилмалар, тренажёрлар кириши мумкин.

Жадвал 4.1

Модель		
Абстракт	Физик	Биологик
Математик	Иқтисодий математик	Тирик жонзотлар
Сонли	Тузилиш ва объектлари вазифаларининг чуқурлигига қараб	Кичиклаштирилган макетлар
Мантиқий	Расмийлаштиришнинг тўлалигича қараб	Турли асбоб ва қурилмаларда ишлайдиган моделлар
График	Объектларнинг боғланишининг расмийлаштириш даражасига қараб	Тренажёрлар
Электрон	Объект тузилишининг шакллари даражасига қараб	

3. Математик моделлар тирик тизимларнинг тузилиши, табиий жараёнларнинг бориши, ўзаро алоқалари ва функцияси қонуниятларининг математик-мантиқий, математик тавсифидан иборат бўлиб, тажриба маълумотларига кўра ёки мантиқий асосда тузилади, сўнгра улар тажриба йўли билан текшириб қурилади. Геологик, гидрогеологик, гидрогеохимик ва

биологик ёки ходисаларнинг математик моделларини компьютерларда ҳисоблаш кўпинча текширилаётган табиий жараённинг ўзгириш хусусияти аввалдан билиш имконини беради. Шунини таъкидлаш ўринлики, тажриба йўли билан бундай жараённи ўтказиш баъзан жуда қийин бўлади. Математик ва математик-мантқиқий моделлар яратилиши такомиллаштирилиши ва ундан фойдаланиш математик ҳамда назарий геологиянинг ривожланишига қулай шароит яратади.

4. Биологик модель турли тирик объектлар ва уларнинг қисмлари-молекула, сув-ҳужайра орган-система организм ва шу кабиларга хос биологик тузилиш, функция ва жараёнларни моделлаштиришда қўлланилади. Биологияда асосан уч хил моделдан фойдаланилади, улар биологик, физик ва кимёвий моделлардир. Биологик моделда ҳар бир усуллари генетикага таъсир қилиш, микроблар юктириш, баъзи органларни олиб ташлаш ёки улар фаолияти маҳсули бўлган гармонларни киритиш ва бошқа усуллар қўлланилади. Бундай моделлардан генетика, физиология, фармокологияда фойдаланилади.

Математик моделлаштириш аниқ фанларга турли амалий масалаларни ечишда муваффақият билан қўлланиб келинмоқда. Математик моделлаштириш усули масалани тасвирлайдиган у ёки бу катталикларни миқдор жиҳатдан ифодалаш, сўнгра эса уларнинг боғлиқлигини ўрганиш имкониятини беради.

Бу усул асосида математик модель тушунчаси ётади. Математик модель деб, ўрганилаётган объектнинг математик формула ёки алгоритм кўринишида ифодаланган характеристикалари орасидаги функционал боғланишга айтилади.

Масалан, ер ости сувларининг фильтрация жараёнининг математик модели ер ости суви сатҳи  $-H$ , ер ости суви ҳарорати  $-T$  ёки ер ости сувининг босими  $-P$ , эгалланган ҳажм ва ер усти сувлари орасидаги функционал боғланиши ифодайдиган формуласидан иборат.

Математик моделлаштиришда ўрганилаётган физик жараёнларининг математик ифодалари моделланади. Математик модель оламнинг маълум ходисалари синфининг математик белгилари билан ифодаланган таркибий ифодасидир. Математик модель оламини билиш, шунингдек олдиндан айтиб бериш ва бошқаришнинг кучли усулидир.

Математик моделни таҳлил қилиш ўрганилаётган ходисанинг ичида кириш имконини беради. Ҳодисаларнинг математик модель ёрдамида ўрганиш тўрт босқични амалга оширилади.

Биринчи босқич моделнинг асосий объектларини боғловчи конунларини ифодалашдан иборат – схемалаштириш масаласи.

Иккинчи босқич математик моделдаги тузилиш айнан физик жараёни акс этириши ва натижаларни текширишдан иборат – идентификация масаласи.

Учунчи босқичда қабул қилинган моделнинг амалий мезонларини қаноатлантириши аниқланади, бошқача айтганда, кузатишлар натижаси моделнинг назарий натижалари билан кузатиш аниқлиги чегарасида мос келиши масаласи аниқланди – чегаравий масалалар.

Тўртинчи босқичда ўрганилаётган ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг йиғилиши муносабати билан моделнинг навбатдаги таҳлили амалга оширилади, такомиллаштирилади ва аниқлаштирилади.

Шундай қилиб, моделлаштириш усулининг асосий мазмунини объектни дастлабки ўрганиш асосида моделни тажриба юли билан ёки назарий таҳлил қилиш, натижалари ҳақидаги маълумотлар билан таққослаш, моделни тузатиш (такомиллаштириш) ташкил этади ва ҳоказо.

#### **4.2. Математик моделлаштириш усуллари ва ечиш босқичлари.**

Математик моделлардан фойдаланиш усуллари тўрт қисмга бўлинади:

1. Гидравлик моделлар. Бундай моделлаштириш асосан суюқлик кучи билан ишлайдиган аппарат (идишлар) орқали ҳисобланади. Моделлаштиришнинг бундай усули суюқликларни ўлчашда қўлланилади.

2. Электр тасвирлаш моделлари. Физика соҳасида қўлланилиб, электр тармоғи характеристикаси тарзида тасвирланади.

3. Қурилишларда бажариладиган ишларнинг бажарилиш муддатини аниқлашга йўналтирилган математик моделлар деб аталади.

4. Халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги бажарилаётган ишлар тенгсизлик ва тенгламалар системасига мос математик модел олиб келиниб, улар иқтисодий-математик моделлар деб юритилади.

Математик моделлар ўз навбатида қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Статистик таҳлил.
2. Имитацион моделлаштириш.
3. Тармоқли дастурлаш.
4. Чизиқли дастурлаш.
5. Кетма-кетлик назарияси.
6. Чизиқли бўлмаган дастурлаш.
7. Динамик дастурлаш.
8. Ўйинлар назарияси.

Математик моделлаштиришнинг назарий асослари беш босқичга бўлиниб, амалга оширилади.

**Биринчи босқичда** – жараён сифат жиҳатдан таҳлил қилиниб, масала мақсади ўрганилиб, унга мос ахборотлар тўпланади. Жараённинг моҳиятини назарий асосда ўрганиб, унинг зарур кўрсаткичлари аниқланиб, бу моделлаштириш негизини ташкил этади.

**Иккинчи босқич** – жараённинг оптималлик мезони ҳисобланиб, унда ҳамма ишлар бир хил ўлчов бирлигига келтирилади, ҳамда мезон математик функция кўринишида ифодаланиб, аргументнинг маълум қийматларида ягона ечимга эга бўлади.

**Учинчи босқичда** – математик модел математик ифодалар кўринишида (тенглама ва тенгсизликлар системаси) тасвирланиб, улар чизиқли, квадрат, чизиқли бўлмаган, гиперболик ва бошқа математик ифодаларда ёзилиши мумкин.

**Тўртинчи босқичда** – шакллантирилган моделнинг миқдорий ечимини аниқлайдиган усул танланади. Математик ифода ёрдамида модел билан ифодаланган масалани ечишда математик моделлаштириш методлари қўлланилади (Иқтисодий масалаларни ечишда симплекс), эҳтимолларда (Ўйинлар назарияси). Масаланинг мақбул ечимини аниқлашда математик дастурлаш ёки бошқа усуллардан фойдаланиш мумкин бўлади.

Математик моделлаштиришнинг **бешинчи босқичида** масаланинг ягона (мақбул) ечими миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги нисбий ҳолат олинади.


Масалаларни замонавий ахборот технологиялари ёрдамида ечиш яхши натижаларни беради, бунинг учун:

- 1) математик моделни ечиш учун махсус дастур ишлаб чиқилади;
- 2) асосан замонавий ахборот технологияларида мураккаб масалалар ечилади.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, масалаларнинг ечимини аниқлашда қуйидаги босқичлардан фойдаланишни таклиф этамиз.

**1-босқич** – масала мақсадини аниқлаш (4.3-расм);


Бу босқичда масала мақсадини аниқ ва тўғрилигини кўрсатган ҳолда вақт, тушунча, ёзувлар орқали аниқлашга ҳаракат қилинади.



Расм -4.3 Моделлеш мақсадини аниқлаш

**2-босқич** – масалани ечиш учун математик модель танлаш; бундай ҳолда масала аниқ кўрсатилса, унда тайёр модель танланади, агарда аниқ

модель мавжуд бўлмаса, у ҳолда ушбу масалани ечишга мос модель ишлаб чиқилади.



Расм-4.4. Моделлаштириш жараёни

Моделлар ҳар хил бўлиши мумкин физик, анологик, математиклар бўлиб, математик моделлар 3 гуруҳга бўлинади, детерминловчи (аниқловчи), стахостик ва ўйинлар.

Детерминловчи (аниқловчи) моделлар асосий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда аниқлайди. Масалан: оптималлаштириш масалаларида айрим миқдорлар бўйича (ҳаражатни камаййтириш ёки даромадни юксалтириш).

Стахостик моделлар аниқ бўлмаган ёки эҳтимолли ҳолатларда ишлатилган.

Ўз фойдаси учун назарий ўйин моделларидан фойдаланилади.

3-босқич ечимни аниқлашда керакли бошланғич ахборотлар изланади ва тайёрланиб, аниқ ўзгарувчилар танланади ва оғзаки модел асосида мослашади.

4-босқич – ечимни тестлаштириш – бунда ечимни тестлаштириб, тестдан яқинроқ ечим ўрганилаётган мос келиш ўрганилади.

### 4.3. Геофилтрация жараёнларининг математик модели

Ҳозирги кунда жаҳонда аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабларини кондиритиш учун ер ости сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. «Жаҳондаги мавжуд сув захирасидан 97% шўрланган сувлар бўлиб, 3% чучук сув ҳисобланади. Ичимлик сув манбаининг 68% музликларда жамланган, дарё ва кўллар чучук сув манбаларининг фақатгина 2%ни, яъни 93 минг км<sup>3</sup> ташкил қилади. Ичимлик сув манбаининг 30% ер ости гидросферасида жойлашгандир». Шу сабабли ер ости гидросфераси ҳолатини ўрганишда ва ер ости сувларидан самарали фойдаланишда геоахборот тизимлари (ГАТ) асосида харитавий маълумотлар базасини шакллантириш, автоматлашган ўлчов мониторинги, геофилтрация

жараёнларни математик моделлаш усулларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Канада, Дания, Япония, Франция, Россияда мураккаб гидрогеологик шароитларда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни бошқаришда компьютерлашган ўлчов қурилмалари, ГАТ-технологиялари ва математик моделлаш усуллари кенг фойдаланилмоқда.

Републикамиз мустақилликка эришгандан буён ер ости сув ресурсларини баҳолаш ва самарали мониторингини юритиш, мураккаб гидрогеологик шароитларда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни компьютерлашган автоматик ўлчов қурилмалар асосида кузатиш усуллари, ГАТ-технологиялари билан математик моделлаш усуллари интеграцияси асосида ривожлантириш ва жорий этишга оид кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада, минтақавий гидрогеологик ҳудудларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделининг ахборот таъминоти, гидрогеологик ҳудуднинг ҳолатини тезкор аниқлаш имкониятини берувчи, ер ости гидросфераси параметрларини аниқлашни автоматлашган ўлчов қурилмалари асосида такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Жаҳонда минтақавий гидрогеологик ҳудудларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлаш тизимини ГАТ-технологиялари асосида ишлаб чиқиш ва сизот сувлари сатҳи ўзгаришларини тезкор таҳлил қилиш, зарур ҳолатларда сув ресурсларини самарали бошқариш тизимларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, сув танқислик йилларида ер ости сувларининг умумий сув ресурсларидаги ўрни ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисоблаш, ер ости сувларининг гидрогеологик тавсифларини ўрганиш, гидротехник иншоотларни ва мелиоратив сув таъминоти тартибини асослаш, ер ости сувлари ифлосланишини олдини олиш ва қишлоқ хўжалик майдонлари шўрланишини бартараф этишда математик моделлашни, автоматлашган усуллар ва комплекс қурилма-дастурий воситалар билан гидрогеологик объектларнинг ҳолатини кузатиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилишни асословчи интеллектуал тизимларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Минтақавий гидрогеологик тизимларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлаш, ер ости сувлари ҳосил бўлишининг турли мураккаб шароитларидаги, бир ва кўп қаватли қатламларини замонавий геоахборот технологиялари асосида комплекс таҳлили, ер ости гидросфераси автоматлашган мониторингни юритиш усуллари ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан: United States Geology Survey, ESRI inc., (АҚШ), Geological Survey



of Denmark and Greenland, Danish Hydraulic Institute (Дания), Federal Institute for Geosciences and Natural Resources, German Research Centre for Geosciences (Германия), Advanced Industrial Science and Technology (Япония), Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой), Schlumberger Water Services, GIS and Geomatics Resources (Канада), Institute of Environmental Engineering System (Польша), Institute of Geology and Mineral Exploration (Греция), Indian Institute of Remote Sensing (Хиндистон), Geological Survey of the Netherlands- (Нидерландия), Korea Institute of Geoscience and Mineral Resources (Жанубий Корея), General Directorate of Minerals Research and Exploration Institute Turkey (Туркия), Бутунроссия гидрогеология ва инженерлик геологияси институти (Россия), Тошкент ахборот технологиялари университети, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида (Ўзбекистон) кенг камровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ер ости сувлари ҳолатини аниқловчи автоматлашган мониторинг олиб бориш ва уларнинг шаклланиши жараёнларини математик моделлаш усуллари ёрдамида баҳолаш, геоахборот технологиялар ёрдамида маълумотлар базасини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ер ости сувлари геофилтрация жараёнларини моделлаш усуллари ишлаб чиқилган (Brigham Young University, АҚШ); сув ресурсларни бошқариш жараёнларини моделлаш дастурлар мажмуи ишлаб чиқилган (Danish Hydrological Institute, Дания); рақамли хариталаш, яъни геоахборот ресурслари базасини яратиш, қайта ишлаш, уларни акс эттириш усуллари ва дастурий мажмуаси яратилган (GIS & Geomatics, Schlumberger Water Services, Канада); ер ости гидросферасининг автоматлашган мониторингини юритиш усуллари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган (Eijkelpark agriseach equipment, Нидерландия); геофилтрация ва геомиграция жараёнларини моделлашда дифференциал тенгламаларни ечишнинг чекли айирмалар ва сонли усуллари дастурий таъминоти ишлаб чиқилган (ВСЕГИНГЕО, Геолинк Консалтинг, Россия).

Дунёда ер ости сувларининг геофилтрация жараёнларини ифодаловчи тенгламаларни ечишнинг чекли айирмалар ва математик моделлаш усуллари такомиллаштириш бўйича қатор, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, параболик турдаги дифференциал тенгламаларни сонли ечиш асосида геофилтрация ва геомиграция жараёнларини моделлаш усуллари такомиллаштириш; гидрогеологик ҳудудларни математик моделлашда интеграциялаш имкониятини берувчи ягона ҳисоблаш тизимларини ривожлантириш; гидрогеологик шароити мураккаб ҳудудларни, ер ости суви ҳосил бўлиши ҳаракати ва сизилиб чиқиб сарфланиш ҳудудлари ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнларини моделлаш усуллари ишлаб чиқиш; ер ости суви конларнинг чегарасида филтрация

жараёнлари бир қаватли қатламдан тузилиши бўйича кўп қаватли қатламларига ўтиши ва сув оқими тик йўналиши чизмаси бўйича ҳудудлар ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнларини математик моделлаш.

Суғориш ва мелиоратив қарорларни асослаш, ер ости сувлари захираси ва ресурсларини баҳолаш каби масалаларни ечишда гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш услубини яратиш ва такомиллаштириш, шунингдек, ер ости сувларини химоялаш масалалари бир қатор олимлар: Н.Н.Веригин, А.А.Самарский, Ф.Б.Абуталиев, Я.Бэр, И.К.Гавич, Ж.Фрид, С.Ф.Аверьянов, И.И.Крашин, Л.Лукнер, В.М.Шестаков, В.М.Мироненко, П.Я.Полубаринова-Кочина, Н.С.Огняник, У.У.Умаров, J.C.Refsgaard, Д.Виста, L.M.Milne-Thomson, В.В.Веселов, В.М.Годьберг, И.Н.Тихонов, W.Kinzelbach, И.Хабибуллаев, Р.Н.Усманов, М.Б.Баклушин, П.П.Нагевич, И.Н.Грачева ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Илмий тадқиқотларда ер ости гидросферасида фильтрация жараёнлари билан биргаликда тузлар миграцияси, босимсиз ва босимли, икки ва кўп қаватли ер ости сувлари ҳамда бошланғич ва чегаравий шартларида ер ости суви қатламларининг ҳолати, башоратлаш ва баҳолаш каби масалаларга қаралган. Ҳозирги пайтда гидрогеологик жараёнларни ҳудудлар бўйича тақсимланганлик хусусиятларини ва ер ости сувлари ҳолатини ўлчаш тартиби элементларини ҳисобга олиниши билан гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш, ҳамда геоахборот технологиялари асосида ҳар томонлама таҳлил қилиш, ер ости гидросферасини автоматлашган мониторингини юритиш, замонавий ГАТ технологиялари ва моделлаш усуллариини интеграцияси услубларида муаммолар намоён бўлмоқда.

Йирик гидрогеологик ҳудудларни математик моделининг ахборот таъминоти, яъни гидрогеологик ҳудуднинг ҳолатини тезкор аниқлаш имконияти, ер ости гидросферасининг таснифлаш хусусиятлари автоматлашган ўлчов қурилмалар ишлаши даражасига боғлиқдир. Шу муносабат билан ер ости суви сатҳи ва ҳароратини автоматлашган ўлчов қурилмаларини ишлаб чиқиш, бошланғич маълумотлар асосида геоахборот базасини яратиш, ҳудудга географик боғланган маълумотлар асосида жараёнларни математик моделлаш ва натижаларни муфассал таҳлили, тезкор харитавий тасаввурини яратиш, қарор қабул қилиш учун тавсия ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш усулларига бағишланган илмий-тадқиқотлар етарли даражада кўрилмаган.

Ер ости ва ер усти сувлари билан гидравлик ўзаро боғланишларининг геофильтрация ва геомиграция жараёнларини математик моделлаш ва сонли ечимлари, шунингдек сизот сувларининг текисликдаги оқимини ўрганиш учун қатор дастурий комплекслар ишлаб чиқилган.

Гидрогеологик масалаларни ечишни асосий ҳолатлари, бир жинсли бўлмаган ер ости сув тутувчи қатламларини бир ва кўп қатламли

тузилишдаги ер ости ва ер усти сувлари билан ўзаро боғланишларини ҳисобга олган ҳолда, босим ости ва босимсиз сизот сувларини текис-муфассал оқимлари ностационар фильтрация жараёнларни математик моделлаштириш усуллари асосида, вақт ўзгариши мобайнида чегаравий шартлар ва сув ўтказувчанлик хусусиятлари келтирилган.

Гидродинамик моделлаштиришда тадқиқот олиб борилаётган ҳудудни схемалаштириш лозим. Фильтрация ҳудудини схемалаштиришда «бир қийматли ечимлар шарти» масалаларининг зарурлиги кўзда тутилади. Бу шартлар қуйидагилардан иборат:

–фильтрация ҳудудининг геометрик хусусиятлари (ер ости сув тутувчи қатлам қалинлиги, ер ости сувини ўтказмайдиган қатлам ўлчамлари, кенлиги ва узунлиги бўйича масофа);

–фильтрация кўрсаткичларининг хусусиятларини ҳисоблаш (фильтрация коэффиценти, босим ўтказувчанлик ва сув ўтказувчанлик);

–чегаравий ва бошланғич шартлар (чегарадаги сув ҳаракатининг башланғич вақтдаги сув сатҳи, босим ва тузларнинг дастлабки қиймати);

Моделлаштирилаётган ер ости сув тутувчи комплексида сувли қатламлар тарқалган майдон ҳудудида сув шимилишни таъминлашни ва икки ўзаро боғланган ва алоқада бўлган сув қатламларидан оқиб ўтиши, ёнма-ён ва чегарадош ер ости сув қатламларида ёки қатъий фильтрация режими остида ўзгаришсиз босим шартларини қўйиш масаласи кўзда тутилган. Фильтрация ҳудуднинг ташқи ва ички чегараларида турли хил: биринчи, иккинчи ва учунчи турлардаги чегаравий шартлар мавжуд.

ЭҲМда геофильтрация жараёнларини сонли моделлаштириш учун қуйидаги босқичлардан иборат услублар таклиф этилган:

- 1) масаланинг қўйилиши;
- 2) гидрогеологик–мелиоратив шароитларини схемалаштириш ва геофильтрация моделини тузиш;
- 3) математик моделини тузиш;
- 4) математик моделни ечишнинг сонли усулни ишлаб чиқиш;
- 5) масалани ечишнинг алгоритмларини ишлаб чиқиш;
- 6) дастурлар тузиш ва яратиш;
- 7) кўпвариантли ҳисоблашлар ўтказиш ва эпигноз масаласини ечиш, моделлаштириш ва амалий тадқиқотлар натижаларини таққослаш;
- 8) натижавий маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш масаласини ечиш.

ЭҲМда геофильтрация жараёнларини сонли моделлаштириш табиий жараёнларнинг геологик шарт шароитларининг хилма хиллигига ва гидрогеологик, гидрологик қолаверса геоэкологик шарт шароитларига боғлиқдир. Масалан: Ер ости сувлари эркин сатҳининг геофильтрация

жараёнлари; сув сатҳи (босимсиз) ва босим остидаги ўзаро муносабатдаги геофилтрация жараёнлари, сув тутувчи қатламларнинг кўплиги ва қатлам сувларининг ифлосланиши каби масалаларни математик модели қўйилган масалаларга ҳос яратилади.

#### 4.4. Ер ости сувлари сатҳининг босимсиз геофилтрация қатламининг математик модели

Фойдаланилаётган математик модель дифференциал тенгламалар тизимига асосланган бўлиб, сув тутувчи қатламларни ўзаро боғловчи ҳамда вақтга боғлиқ ҳудудий текисликдаги ер усти ва ер ости суви оқими динамикасини ифодалайди ва хусусий ҳосилалари параболик турда қуйидаги математик модель кўринишга эга бўлади:

$$\mu \frac{\partial h}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( kh \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( kh \frac{\partial h}{\partial y} \right) + f - \delta Q_{\text{скк}} \quad (1)$$

ва қуйидаги кўринишга эга бўлган бошланғич,

$$h(x, y, t_0) = \varphi_1(x, y); (x, y) \in G; t_0 = 0 \quad (2)$$

ҳамда чегаравий шартлар,

$$h(x, y, t) = \varphi_2(x, y); (x, y) \in \Gamma_1; t > t_0 \quad (3)$$

$$-kh \frac{\partial h}{\partial n} = \varphi_3(x, y) \quad (x, y) \in \Gamma_2; t > t_0; \quad (4)$$

$$-kh \frac{\partial h}{\partial n} = \gamma(h_e - h), \quad (x, y) \in \Gamma_3; t > t_0; \quad (5)$$

бу ерда  $\mu$  – сув қатламининг сув бериш коэффициент (ўлчовсиз катталиқ);

$h(x, y, t)$  – ер ости суви сатҳи, м;  $(x, y) \in G$ ;

$k(x, y)$  – филтрация коэффициентлари, м/кунига;

$f(x, y, t) = Q_e - Q_d - Q_{\text{исч}}$  – инфилтрацияланувчи оқимлар ва парланиши;

ер ости ва ер усти сувларининг ўзаро боғлиқлиги қуйидаги муносабатлар орқали ифодаланди  $Q_p = k(h_p - h/\Phi)$  – дарё ва канал сувлари сатҳи ер ости сувларини тўйинтирадиган ҳолатида;

$Q_d = k(h_d - h/\Phi)$ ; – ер ости сувларининг канал ёки завурга (дренаж) сизилиб чиқиши ҳолатида;

$Q_{\text{ске}}$  – ер ости сув олиш қудуғи сарфи;  $Q_{\text{ске}} = Q(t) \delta(x-x_0, y-y_0) t > t_0$ ;  $\delta$  – Дирак функцияси;  $\varphi_1(x, y)$  –  $\varphi_3(x, y)$  берилган функциялари;

$G$  – филтрация ҳудудини  $\Gamma_{1-3}$  – силлиқ чегараси;  $\gamma$  ер ости сувлари сатҳи ва ер усти сувларини гидрогеологик шароитларини характерлайди;

$Q_p$  – дарёдаги сув сарфи;

$Q_d$  – сизот сувлари сарфи;

$\Phi$  – сув оқимининг сизилиши қаршилиги ўлчови;

$h_p$  – дарё ва канал суви сатҳи,  $h_d$  – завур суви сатҳи.

(1) тенгламани (2)-(5) бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечиш Ф.Б.Абуталиев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган сонли усуллар ёрдамида, дифференциалдан чекли айирмага ўтиш А.А.Самарский ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган локал бир ўлчовли схемадан фойдаланиб, сонли-айирмали схемалар ва биргаликдаги ҳайдаш (прогонка) усуллари қўллаш асосида ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Ер ости суви қатламларидаги гидрогеологик жараёнларнинг математик моделларини тузишни оддий ҳоллардаги ер ости сув ҳавзалари учун кўриб чиқамиз. Бунинг учун бу жараёнларнинг умумий содир бўлиши, шунингдек, жараёнларга таъсир қилувчи асосий омиллар билан қанақа моддалар, қандай миқдордаги алмашинуви ва хусусиятларни билиш керак. Яъни масаланинг умумий қўйилиши ва кейинги вазифаларнинг моҳиятини ва хусусиятларини тушуниш, табиий физик жараён моделидан математик моделга ўтиш, шунингдек ўзгарувчан жараёнлар ва ҳодисаларнинг қонунларини билиш қобилиятини талаб қилади. Муайян гидрогеология объектлар учун ер ости сув ҳавзаларининг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган ва қўшимча шарт-шароитларни англаш ва модель учун ҳам қуйидаги хос хусусиятларни сақлаб қолиш зарур:

-объектнинг геометрик ўлчамлари (ўрганилаётган объектнинг ташқи контурлари, сув ўтказувчанлиги, сув ўтказмайдиган қатлам ва аэрация қатламининг ҳолати, сув қатламининг қалинлиги, сув қонларда жойлашган муҳандислик иншоотларининг контурлари);

-объектнинг таркибий тузилиши ва физик хусусиятлари (унинг филтрловчи хусусиятлари, ҳудуд ва участкаларда уларнинг ўзгариши қонуни);

-объектнинг ташқи чегаравий муҳит билан ўзаро алоқаси, ички шароит бузилиш манбаларини тақсимлаш ва ўзаро таъсирини белгилайдиган чегара шартлар (пиезометрик сатҳлардаги ўзгариш қонуни, оқим тезлиги, объектнинг ташқи ва ички чегараларида оқим тезлиги);

-объектнинг бошланғич ҳолатини ва ўрганилаётган жараённинг вақтга боғлиқ бўлмаган (стационар) ҳолатларини ўрганиш даврида олинган ер ости сув сатҳининг ҳолати (ёки пиезометрик сиртини босимини) тавсифловчи бошланғич шартлар;

Компьютерда геофилтратсия жараёнларини сонли моделлаш мураккаб ва вақт талаб қилувчи ҳисоблаш жараёнлардандир. Бу жараён мутахассисни табиий физик моделдан математик моделага, дастурий билимга ва экспериментлар сценарисига ўтишнинг моҳиятини ва қобилиятини тушунишни талаб қилади.

Бу ўрнда гидрогеологик моделлашни ривожлантиришда, сув айланишининг гидрогеологик цикли ичида сизилиши, намликнинг ўтиши, унинг ички чегаралари сув балансини сақлаши шартлари мажмуини бирлаштирилиши керак. Гидрогеологик моделнинг таснифий тузилиши куйидаги асосий блоклардан (модуллардан) иборат [171, п.56].

I. Сув балансини шакллантириш модели, яъни транспирация жараёнини, ундан буғланиш ва ер остига сув тўпланиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда ушбу блокни моделнинг юқори қисмидаги метеорологик шарт-шароитларни юзага келтирадиган модуль билан тўлдириш мумкин.

II. Моделлаштириш вақт бўйича доимий бўлмаган намлик ўтиши жараёнлари, яъни ер ости суви сатҳи ўзгарувчан ва сув оқими юқорига, ер ости сувларини олиш билан боғлиқ.

III. Ер ости сувлари ва босим суви қатламлари ўртасида вертикал сув алмашинувини ҳисобга олган ҳолда тоғ жинсларининг тўлиқ сув билан тўйинганлиги шароитида сув ҳаракатининг геофилтрация модели.

IV. Ер ости ва ер усти (дарёлар, кўллар) сувлари ўртасидаги сув алмашинувининг ўзаро таъсири ва уларнинг гидрологик режимини шакллантиришни ҳисоблаш бўлимини моделлаш.

V. Гидрогеологик циклдаги сув балансини ҳисоблаш модуллари ер ости ва ер усти сувларини сарфи, дренажи, суғорилиш, сув коммуникациялари тармоғидан сув оқиши, қайтган сувларни таъсир жараёнлари.

#### **4.5. Геофилтрация жараёнларини математик моделининг сонли ечимлари**

Фойдаланилаётган математик модель, шундай тенгламалар тизимига эга бўлиши керакки, унда ер ости сувларининг қатламлар аро боғлиқлигини ва текисликда вақтга боғлиқ равишда ер усти сувлари оқимидан сизилувчи қисмини ҳисобга олувчи, ер ости сувларидан сув олиш иншоатлари асосида сув олиниш жараёнларини таърифлаши лозим.

Демак, куйидаги шартлар асосида (1) - (5) чегаравий масалаларни ечиш учун [5, 6] да келтирилган услублардан фойдаланиб сонли ечимларини чекли айирмалар усулида топамиз.

Дифференциал тенгламалардан чекли айирмалар ёзувга ўтиш жараёни филтрация соҳасини оддий тенг блоклар тўрига, яъни тўғрибурчакли тўр ёки тугунлар тармоғига бўлиша билан, тенг томонли  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  тўрида филтрация соҳасидаги сув баланси тенгламасини ечишга алмаштирилади (Расм. 4.4.).

(1) тенгламада ва (2) - (5) бошланғич ҳамда чегаравий шартларда [4, 158] формулалар асосида ўлчамсиз ўзгарувчиларга ўтказамиз.

$$h^* = \frac{h}{h_0}, \quad k^* = \frac{k}{k_0}, \quad Q_{cкс}^* = \frac{2}{k_0 h_0^2} Q_{cкс}, \quad Q_{ucн}^* = \frac{2L}{k_0 h_0^2} Q_{ucн}, \quad Q_{ucн}^* = \frac{2L}{k_0 h_0^2} Q_{ucн},$$

$$Q_{урф}^* = \frac{2L}{k_0 h_0^2} Q_{урф}, \quad Q_p^* = \frac{2L}{k_0 h_0^2} Q_p, \quad Q_{dp}^* = \frac{2L}{k_0 h_0^2} Q_{dp}, \quad Q_{ucн}^* = \frac{2L}{k_0 h_0^2} Q_{ucн},$$

$$\xi = \frac{x}{L}, \quad \eta = \frac{y}{L}, \quad \tau = \frac{k_0 h_0}{\mu L^2} t, \quad W_n^* = \frac{\mu L^2}{k_0 h_0} W_n, \quad W_0^* = \frac{\mu L^2}{k_0 h_0} W_0.$$

Бу ерда,  $h_0, k_0, L$  сув сатҳи функциясининг характеристик (максимал) кийматлари, фильтрация коэффиценти, фильтрация соҳасининг вақт ва узунлик кийматлари.

(1) тенгламани ўлчамсиз ўзгарувчили шаклда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial h^*}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial \xi} \left( k^* h^* \frac{\partial h^*}{\partial \xi} \right) + \frac{\partial}{\partial \eta} \left( k^* h^* \frac{\partial h^*}{\partial \eta} \right) + Q^* \quad (6)$$

бу эрда  $Q^*$  -барча сув тўйиниши ва сарфи элементларининг алгебраик йиғиндиси.

Юқоридаги тенглама ўлчамсиз ўзгарувчили тенглама дейилади ва бундан буён ўлчамсиз ўзгарувчили тенгламани ечиш билан шуғулланамиз, ҳамда қулайлик учун биз юлдузчаларни ташлаб юбориб ёзамиз. Бундай тенгламани ечиш учун энг мос усуллардан линеаризация усулини қўллаймиз, дифференциал тенгламаларнинг чизикли бўлмаган қисмлари қуйидагича ифодаланади:

$$\theta(h) \approx \theta(\bar{h}) + (h^2 - \bar{h}^2) \frac{\partial \theta}{\partial h^2}(\bar{h}), \quad \text{бу ерда } h = h^{(s)}(\xi, \eta, \tau); \quad s \text{ -итерация рақами.}$$

Бунда (2.3.1) тенгламани линеаризациядан кейинги шаклда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{\partial h^2}{h \partial \tau} = \frac{\partial}{\partial \xi} \left( k \frac{\partial h^2}{\partial \xi} \right) + \frac{\partial}{\partial \eta} \left( k \frac{\partial h^2}{\partial \eta} \right) + Q \quad (7)$$

Юқоридаги тенглама ва чегаравий шартлар ўлчамсиз ўзгарувчили тенгламага ўтгандан кейин тўғри тўртбурчакли соҳада, чекли айирмалар аналогиси асосида яқинлаштирилади (аппроксимируются), ўлчамсиз аргументларни (итерацион) такрорлаб ҳисоблаш ва тегишли ўзгарувчи йўналиш бўйича “ҳайдаш” усуллари ёрдамида ва  $i, j$ . индекси ўсиши бўйича матрицасида, ўсиб бориш йўналишларини инобатга олувчи шакларни қўллаймиз.  $\Gamma$  силлиқ чегарали  $G$  фильтрация соҳасини бир хилдаги  $\Delta x$  ва  $\Delta y$  қадам билан (қадам оралиғи  $l$ )  $\omega$ ,  $OX$  ва  $OY$  ўқлари асосида қамраб олади [161]. Шундай қилиб, фильтрация соҳасини ўрнига, дискрет тўрли соҳага  $\omega_i = \omega_i^s + \omega_i^{\phi} + \omega_i^e$ , алмаштирилади бу ерда,  $\omega_i^s$  –  $G$  соҳадаги ички (мунтазам) нуқталар тўпламларига алмаштирилади,  $\omega_i^{\phi}$  –  $G$  соҳадаги тегишли бўлмаган (фиктив) нуқталар тўплами,  $\omega_i^e$  –  $G$  соҳанин чегаравий нуқталари

тўпламидир. Бунда  $l$  функциянинг қийматлари ва  $x$ ,  $y$  аргументлари қуйидагича тўрли соҳага алмаштирилади.

$$\omega_l = \{(\xi_i = i \times l, \eta = j \times l); \quad i = 1, \dots, n, \quad j = 1, \dots, m\}, \text{ яъни}$$

$$l_{i,j} = l(x_i, y_j); \quad x_i = \Delta x \cdot i; \quad y_j = \Delta y \cdot j; \quad i = \overline{1, N}; \quad j = \overline{1, M}$$

бу ерда  $N$ ,  $M$  тўрли дискрет соҳанинг сатр ва устунлар сонидир.  $\Delta x$ ,  $\Delta y$ , кадамларининг мезонлари ва пастки индекс  $i$ ,  $j$  нинг маъноси 4.4.расмда кўрсатилган.




Рис. 4. 4. Дискрет тўрли соҳа

Ҳар сафар вақтнинг momentiда, биз сув сатҳи ҳолатини, яъни  $h_{i,j}$  ҳолатини аниқлаймиз ва ундан кейин филтрланишини, яъни сизилиб ўтиш тезлигини қуйидаги формула билан ҳисоблаймиз:

$$V_{i,j} = k_{i,j} \frac{h_{i+1,j} - h_{i,j}}{\Delta x}$$

ва ҳаракатланиш йўллари узунлигини, яъни белгиланган нуқтада силжиш чегараси қанча масофага сизилиб ўтганлигини қуйидагича  $S = V_{i,j} \cdot T$  ҳисоблаймиз. Агар  $S/\Delta x \geq k$ , бўлса, у ҳолда силжиш чегараси  $x$  координатаси бўйлаб " $k$ " қадам илгарига ҳаракатланган ҳисобланади.

Шундай қилиб, силжиш чегаралар  $\Delta t$  вақт ичида ҳаракатланади.

Аслида (1) дифференциал тенглама  $x$  ва  $y$  координалари асосида қуйидаги кўринишда аппроксимация қилинади [73]:

$$\frac{\partial h}{\partial x} \approx \frac{h_{i,j} - h_{i,j-1}}{\Delta x_{i,j-1}} \approx \frac{h_{i,j+1} - h_{i,j}}{\Delta x_{i,j+1}}, \quad \text{худди шунингдек, вақт бўйича}$$

$\frac{\partial h}{\partial \tau} \approx \frac{h_{i,j}^k - h_{i,j}^{k-1}}{\Delta \tau^{k-1}} \approx \frac{h_{i,j}^{k+1} - h_{i,j}^k}{\Delta \tau^k}$ , бу ерда,  $\Delta \tau^{k-1}$  ва  $\Delta \tau^k$  вақтнинг  $k-1$  ва  $k$ ,  $k$  ва  $k+1$

моментлари интервали орасидир, у ҳолда (1) иккинчи тартибли дифференциал тенгламани қуйидагича ёзиб олиш мумкин

$$\frac{\partial^2 h}{\partial x^2} \approx \frac{h_{i+1,j} - 2h_{i,j} + h_{i-1,j}}{\Delta x_{i,j}^2}. \quad \text{Кoeffициент филтрацияни ҳам ўз навбатида}$$



куйидагича ҳисобга олсак  $T=kh$ , у ҳолда,  $k_{i+0.5}$  марказий айирма қисмида, ярим йиғинди сифатида, икки тугун нуқталарининг орасидаги сув ўтказувчанликни ўртача қиймати деб қабул қилиш мумкин.

У ҳолда (2) дифференциал тенгламани олтига нуқтали схемаси асосида чекли айирмалар билан сонли яқинлашамиз [73, 31 бет]:

$$\frac{1}{h_{i,j}} \frac{h_{i,j}^2 - \bar{h}_{i,j}^2}{\tau} = \frac{k_{i-0.5,j} h_{i-1,j}^2 - (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j}) h_{i,j}^2 + k_{i+0.5,j} h_{i+1,j}^2}{l^2} + \frac{k_{i,j-0.5} \bar{h}_{i,j-1}^2 - (k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5}) \bar{h}_{i,j}^2 + k_{i,j+0.5} \bar{h}_{i,j+0.5}^2}{l^2} + Q_{i,j} \quad (8)$$

бу ерда  $k_{i+0.5}$  - марказий фарқларнинг ярим қиймати, бу ерда тугунлар орасидаги ўртача сув ўтказувчанлиги

$$k_{i-0.5,j} = \frac{k_{i-1,j} - k_{i,j}}{2}, \quad k_{i+0.5,j} = \frac{k_{i,j} - k_{i+1,j}}{2},$$

$$h_{i,j} = h(il, jl, r\tau), \quad \bar{h}_{i,j} = h(il, jl, (r-1)\tau), \quad Q_{i,j} = Q(il, jl, r\tau),$$

(8) тенгламани ечиш учун биз итерациянинг бўйлама-кўлдаланг усулларини қўллаймиз. Аввал  $i$  бўйича бўйламасига ҳаракатни кўриб чиқамиз. (8) тенглама қуйидагича шаклда ифодаланади

$$a_{i,j} h_{i-1,j}^2 - b_{i,j} h_{i,j}^2 + c_{i,j} h_{i+1,j}^2 = -d_{i,j}, \quad (9)$$

$$\text{бу ерда } a_{i,j} = k_{i-0.5,j}, \quad c_{i,j} = k_{i+0.5,j}, \quad b_{i,j} = k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j} + \frac{\xi_{i,j}^2}{\tau h_{i,j}},$$

$$d_{i,j} = k_{i,j-0.5} h_{i,j-1}^2 - (k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5} - \frac{\xi_{i,j}^2}{\tau h_{i,j}}) \bar{h}_{i,j}^2 + k_{i,j+0.5} \bar{h}_{i,j+1}^2 - Q_{i,j}$$

(9) чекли айирмали тенгламалар тизимининг ечимини қуйидаги шаклда излашга тўғри келади

$$h_{i,j}^2 = A_{i,j} h_{i+1,j}^2 + B_{i,j}, \quad (10)$$

$$\text{бу ерда } A_{i,j} = \frac{a_{i,j}}{b_{i,j} - c_{i,j} A_{i-1,j}}; \quad B_{i,j} = \frac{d_{i,j} + c_{i,j} B_{i-1,j}}{b_{i,j} - c_{i,j} A_{i-1,j}}. \quad (11)$$

$A_{i,j}$ ,  $B_{i,j}$  коэффициентлари чегара шартлари асосида топилади.

Энди чегара шартларини яқинлаштириш масаласини қараймиз. Ўлчовсиз ўзгарувчи параметрларга ўтганда ва чизиксиз ҳадларини линеаризациялаштиригандан кейин II ва III турдаги чегаравий шартлар қуйидагича:

$$\frac{\partial h^2}{\partial \xi} = \bar{q}(t), \quad (12)$$

$$\frac{\partial h^2}{\partial \xi} = \bar{\gamma}(h_0^2 - h^2) \quad (13)$$

$$\text{бу ерда } \bar{q}(t) = \frac{2L}{k^*k_0h_0^2} q_\Gamma(t), \quad \bar{\gamma} = \frac{2L}{k^*k_0} \gamma$$

(10) ифода ва  $h_{i,j}$  функциянинг қийматлари чегаравий нуқталарда қуйидагича ҳисобланади.

$$\frac{3h_{1,j}^2 - 4h_{2,j}^2 + h_{3,j}^2}{2h} = \bar{q}_\Gamma \quad (14)$$

(9) тенглама чап чегаравий нуқталарда қуйидаги шаклда ёзилади.

$$a_{2,j}h_{1,j}^2 - b_{2,j}h_{2,j}^2 + c_{2,j}h_{3,j}^2 = -d_{2,j}, \quad (15)$$

(14) ва (15) тенгламаларни биргаликда ечиб, қуйидагиларни ҳисоблаб топамиз

$$h_{1,j}^3 = A_{1,j}h_{2,j}^2 + B_{1,j}, \quad (16)$$

$$\text{Бу ерда, } A_{1,j} = \frac{4c_{2,j} - b_{2,j}}{3c_{2,j} - a_{2,j}}; \quad B_{1,j} = \frac{c_{2,j}\bar{q}_\Gamma - d_{2,j}}{3c_{2,j} - a_{2,j}}. \quad (17)$$

Ўнг томондан иккинчи турдаги чегаравий ҳолларда (12) тенгламани қуйидагича тақсимлаймиз:

$$3h_{N_{j-1},j}^2 - 4h_{N_{j-2},j}^2 + h_{N_{j-3},j}^2 = \bar{q}_\Gamma, \quad (18)$$

(10) тенгламани  $N_{j-1},j$  ва  $N_{j-2},j$  нуқталар учун ёзиб, уларни (18) тенглама билан биргаликда ечиб, қуйидаги натижани оламиз:

$$h_{N_{j-1},j} = \sqrt{\frac{B_{N_{j-1},j}(4 - A_{N_{j-2},j}) + B_{N_{j-2},j} - \bar{q}_\Gamma}{A_{N_{j-1},j}(4 - A_{N_{j-2},j}) - 3}}, \quad (19)$$

Учинчи турдаги чегаравий шартларда чап томондаги ҳоллар бўлса, (13) тенгламани аппроксимацияси қуйидагича ифодаланади:

$$3h_{1,j}^2 - 4h_{2,j}^2 + h_{3,j}^2 = \gamma(h_e^2 - h^2), \quad (20)$$

(15) ва (20) тенгламаларни биргаликда ечиб, қуйидаги натижани оламиз:

$$h_{1,j}^2 = \frac{4c_{2,j} - b_{2,j}}{(3 - \bar{\gamma})c_{2,j} - a_{2,j}} h_{2,j}^2 + \frac{\bar{\gamma}h_e^2 c_{2,j} - d_{2,j}}{(3 - \bar{\gamma})c_{2,j} - a_{2,j}}; \quad (21)$$

$$\text{Бундан } A_{1,j} = \frac{4c_{2,j} - b_{2,j}}{(3 - \bar{\gamma})c_{2,j} - a_{2,j}}, \quad B_{1,j} = \frac{\bar{\gamma}h_e^2 c_{2,j} - d_{2,j}}{(3 - \bar{\gamma})c_{2,j} - a_{2,j}}; \quad (22)$$

Учинчи турдаги чегаравий шартларда (13) ифодаси қуйидаги тарзда аппроксимацияси қилинади:

$$3h_{N_{j-1},j}^2 - 4h_{N_{j-2},j}^2 + h_{N_{j-3},j}^2 = \bar{\gamma}(h_e^2 - h_{N_{j-3},j}^2), \quad (23)$$

ҳамда (10) ва (23) биргаликда ечиб, қуйидаги натижани оламиз:

$$h_{N_{j-1},j} = \sqrt{\frac{B_{N_{j-1},j}(4 - A_{N_{j-2},j}) + B_{N_{j-2},j} - \bar{\gamma}h_e^2}{A_{N_{j-1},j}(4 - A_{N_{j-2},j}) - 3 - \bar{\gamma}}}, \quad (24)$$

Шундай қилиб,  $A_{i,j}$ , ва  $B_{i,j}$ , коэффициентларнинг барча қийматлари, ҳамда  $h_{i,j}$  ҳисоблаб чиқилади. Шунингдек (8) тенглама чизиқли бўлмаганлиги сабабли, уни ечиш учун (итерация) такрорлаш усулидан фойдаланамиз. Дастлабки ёндашув сифатида чегаравий қийматининг бошланғич шартларид ҳолатини оламиз, (24) формуладан қуйидагини кетма-кет ҳисоблаймиз  $h_{N_{j-1},j,r+1}^{s+1}, h_{N_{j-2},j,j-2,r+1}^{s+1}, \dots, h_{1,j,r+1}^{s+1}$  ва ушбу шарни бажарилишини текширамиз,

$$\max |h_{i,j,r}^{s+1} - h_{i,j,r}^s| \leq \varepsilon, \quad \varepsilon > 0 \quad (25)$$

бу ерда  $\varepsilon$  - кичик қиматли миқдордир.

Агарда (25) шарт қаноатлантирилса, ҳисоблаш тўхтатилади, акс ҳолда кейинги ҳисоблаш жараёни учун такрорлаш жараёни яна қайтарилади. Худди шунга ўхшаш ҳисоблаш жараёни кўлдаланг “ҳайдаш” усули асосида такрорланади. Тўрли функциясининг қийматлари (25) шартларини қаноатлантирадиган қийматлари масаланинг ечими сифатида қабул қилинади.

Ушбу келтирилган алгоритмларга асосланиб, 1.5 бўлимларда келтирилган дастурлаш тиллари асосида ёки бошқа универсиал тилларда, дастурини яратиш мумкин, уни цикл ёки қайтарилувчи ва бир неча модулларга бўлган ҳолда яратиш таклиф этилади. Дастур кодларини ёзиш ва уни ишлашни, созлаш ва тўғирлаш (колибровка) ҳолати бўйича вазифаларни, маълум соҳани маълумотларини ахборот массиви сифатида киритиш, моделлаштириш экспериментларини ўтказиш ва олинган натижалар таҳлилин китобхонга лаборатория ва мустақил тайёргалик сифатида қолдирилди.

#### 4.6. Геофилтрация ва геомиграция жараёнларининг математик модели

Ер ости чучук сувларининг геофилтрация ва геомиграция жараёнлари ва уларнинг ифлосланишини, шунингдек ер ости суви қатламларининг ифлосланган ёки шўрланган сувли қатламлар билан ўзаро боғлиқлигида молекуляр диффузия ва дисперсия жараёнларини ҳисобга олиш лозим. Ер ости сувларнинг ифлосланиш ҳолатларини моделлаштириш масаласи қуйидаги тенгламалар тизими орқали ифодаланади:

$$\mu \frac{\partial h}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( kh \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( kh \frac{\partial h}{\partial y} \right) + f - w \quad (26)$$

$$n_0 \frac{\partial (hc)}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( D_x \frac{\partial c}{\partial x} - v_{x,c} \right) h + \frac{\partial}{\partial y} \left( D_y \frac{\partial c}{\partial y} - v_{y,c} \right) h + \varepsilon_c (f, c_f, w, c) - \frac{\partial (wh)}{\partial t} \quad (27)$$

$$\frac{\partial N}{\partial t} = \varphi(c, N, c^*, N^*, \gamma_*, \gamma_{**})F, \quad F(c^*, N^*, \gamma_0) = 0, \quad v_x = k \frac{\partial h}{\partial x}, \quad v_y = k \frac{\partial h}{\partial y}; \quad (28)$$

бу ерда  $h(x, y, t)$  – ер ости суви сатҳи, м;

$c(x, y, t)$  – ер ости суви минераллашуви қиймати;

$x, y$ -горизантал координаталари;

$k(x, y)$  – фильтрация коэффициентлари;

$D = \lambda v, \quad v(v_x, v_y), \quad D = (D_x, D_x), \quad f, \quad w$  – инфильтрацияланувчи оқимлар ва парланиши,  $c_f$  – инфильтрацияланувчи сув концентрацияси;

$N(x, y, t)$  – қаттиқ турдаги тузлар;

$\lambda$  – гидродинамик дисперсия параметри;

$\gamma^*, \quad \gamma^{**}$  – туз алмашилиш дифузияси ва химик жараёнларни характерловчи параметрлар;

$\gamma_0$  – константалар ва изотермалер;  $\varepsilon_0$  – кировчи туз манбайи.

Ушбу (6) – (8) дифференциал тенгламалар тизими табиий ва гидрогеологик шароитларини ифодаловчи қуйидаги бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечилади

$$\left. \begin{aligned} h(x, y, 0) &= h_0(x, y); \quad c(x, y, 0) = c_0(x, y); \\ N(x, y, 0) &= N_0(x, y), \quad (x, y) \in G \end{aligned} \right\} \quad (29)$$

$$\left. \begin{aligned} \alpha_1 \left( kh \frac{\partial h}{\partial n} \right) + \beta_1 h &= \gamma(x, y, t) \\ \alpha_2 \left( vc - D \frac{\partial c}{\partial n} \right) h + \beta_2 c &= \delta(x, y, t) \\ \alpha_1^2 + \beta_1^2 > 0, \quad \alpha_2^2 + \beta_2^2 > 0, \quad (x, y) \in \Gamma, \quad t > 0 \end{aligned} \right\} \quad (30)$$

бу ерда  $h_0(x, y), \quad c_0(x, y), \quad N_0(x, y), \quad \gamma(x, y, t), \quad \delta(x, y, t)$  – берилган функциялар;  $G$  – фильтрация области,  $\Gamma$  – унинг чегараси.

(26) – (28) тенгламалар тизимини (29) – (30) бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечишда Ф.Б.Абуталиев, Р.Н.Усмонов, И.Хабибуллаев, Ж.Х.Джуманов, И.Н.Грачева ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган чекли – ва векторли айирмалар усулларида фойдаланилди, ҳисоблаш жараёнлари эса, А.А.Самарский томонидан ишлаб чиқилган локал бир ўлчовли схемалар асосида амалга оширилди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган моделлар ва уларни амалга оширувчи услублардан фойдаланиб, ер ости сувлари ҳолати ўзгариши, уларнинг ер усти сувлари билан боғлиқлиги ва чучук сувларнинг сифати ўзгариши, концентрацияси ёки ифлосланиши масалаларини текисликда ва вақт ўзгариши бўйича тадқиқ қилиш мумкин.

Муфассал миқёсдаги ҳудудлар минтақавий ер ости сув оқими ўнлаб ва юзлаб километра чўзилади. Минтақавий ер ости суви шаклланишининг

конуниятлари геологик тузилиши, сув тутувчи қатламларнинг таркибий тузилиши хусусиятлари, ер ости суви оқимининг сув таъминоти ва сувни сарфланиб бўшаши шарт шароитлари билан аниқланади. Моделлашнинг сифатли бажарилишида ҳисоб жараёнларининг хусусиятлари ва омилларнинг йўналиши табиий ҳолатга мослиги (адекватность), дастурлаш билимини ҳамда мураккаб гидрогеологик шароитлар ҳисобга олинган.

Ушбу ёндашувларни амалга оширувчи дастурий восита яратилган, худудий текисликдаги ер ости суви оқимини фильтрацияси қирқимдаги (бир, икки ўлчовли) ҳолатларни ўз ичига олувчи, сизот сувлари оқимининг чегаравий масалаларини ечишда амалга оширувчи алгоритмлари; бошланғич маълумотларни киритишда графикли интерфейсларидан ва уларни махсус тузилишда сақлашга мўлжалланган дастурлар 4.3 ва 4.5 бўлимларда келтирилган алгоритм ва услублар асосида ишлаб чиқилган.

#### 4.7. Ер ости босимсиз ва босимли қатлам сувлари геофильтрация жараёнларининг математик модели

Икки қатламдан ташкил топган сув қатламларидаги ер ости сувлари геофильтрация ҳаракатини кўриб чиқамиз. Пастки қисмида эр ости сувлари босими юқори, устки қатламда босимга эга бўлмаган, яъни эркин сув сатҳи. Бундай ҳолларда умумий ер ости суви оқими ҳаракати қуйидаги дифференциал тенгламалар тизими билан тавсифланади [13, 15]:

$$\left\{ \begin{array}{l} \mu \frac{\partial h}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left( kh \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( kh \frac{\partial h}{\partial y} \right) - k_0 \frac{H-h}{H} \pm f \\ \mu^* \frac{\partial H}{\partial n} = \frac{\partial}{\partial x} \left( T \frac{\partial H}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( T \frac{\partial H}{\partial y} \right) + k_0 \frac{H-h}{H} - Q_{\text{скв}} \end{array} \right. \quad (31)$$

Ер ости сувларининг босимли қисми, асосан, ер ости оқими орқали, юқорида кўрсатилган сатҳдаги сизилиш (фильтрлаш) йўли билан туширилади ва ер ости оқимлари дарё водийсининг пролювиал текислиги ва алювий чўкинди жинсларидан ташкил топган қатламлар орасига тарқалади.

Бошланғич ҳолат яъни башланғич шарт –шароитлар ер ости сувлари ва босимдаги сувнинг қийматларини маълум бир "бошланғич" вақтга тенглаштиради:  $t_0=0$ .

Бошланғич шартлар қуйидагича ифодаланади:

$$\left. \begin{array}{l} h(x,y,t) = \varphi(x,y); \quad (x,y) \in G, \quad t = t_0 \\ H(x,y,t) = \varphi_1(x,y); \quad (x,y) \in G, \quad t = t_0 \end{array} \right\} \quad (32)$$

бу ерда  $\varphi(x,y)$ ,  $\varphi_1(x,y)$  - G соҳанинг берилган ва этарли даражада силлиқ функцияси.

Табиий шароитлар табиий гидрогеологик ҳолат ва сув ости сувларининг литоложик тузилиши билан аниқланади.

Агар  $G$  соҳанинг чегараси гидроизогипслардан ёки ер ости сувлари билан яхши гидравлик алоқага эга сув оқимидан ўтган бўлса, яъни, ҳар қандай вақтда, ер ости сувларининг миқдори ва босими маълум бўлса, бундай ҳолларда ҳар иккала қатламлар учун ҳам қуйидагича биринчи чегаравий шартлар берилган:

$$\left. \begin{aligned} h(x,y,t) &= \psi(x,y); & (x,y) \in \Gamma, & t > t_0 \\ H(x,y,t) &= \psi_1(x,y); & (x,y) \in \Gamma_1, & t > t_0 \end{aligned} \right\} \quad (33)$$

бу ерда  $\psi(x,y)$ ,  $\psi_1(x,y)$  -  $\Gamma$  ва  $\Gamma_1$  да берилган функциялар

Агар  $\Gamma$ ,  $\Gamma_1$  чегараларида ер ости суви конига кириш ёки оқиб чиқиши мавжуд бўлса, унда юқоридаги қатламлар учун иккинчи турдаги чегара шarti қуйидагича берилади:

$$-kh \frac{\partial h}{\partial n} = q_r(t), \quad (x,y) \in \Gamma_2, \quad t > t_0 \quad (34)$$

$q_r(t)$  - маълум функциялар. Агар чегаранинг маълум бир бўлими инобатга олинмаса ёки мавжуд чизиқлар бўйлаб ўтиб кетса, унда  $q_r(t) = \text{const}$  комбинациясидан фойдаланиш мумкин.

Ер ости сувининг тўйиниш оқими ва ер ости чиқиши мавжуд бўлса иккинчи турдаги чегаравий шартлари қуйидаги шаклида ифодаланади:

$$-k_r \frac{h^2 - H^2}{2\Phi_n} = q|_{\Gamma} \quad (35)$$

Агар ер ости суви кони чегараси сув оқимидан ёки сув омборидан ўтиб кетган бўлса, сув оқими ўзгариши ер ости сувлари сатҳи ўзгаришга олиб келади. Ер усти сувларининг суғориш тармоғидан филтрланиб сарфланиши ёки йўқолиши юқори сув қатлами учун учинчи турдаги чегара шартлари шаклида белгиланади:

$$-kh \frac{\partial h}{\partial n} = \gamma(h_g - h), \quad (x,y) \in \Gamma_3, \quad t > t_0 \quad (36)$$

пастки босимли сув қатламларига эса, қуйидагича

$$-H \frac{\partial H}{\partial n} = \gamma(h_g - H), \quad (x,y) \in \Gamma'_3, \quad t > t_0 \quad (37)$$

шартлар қўйилади, суғориладиган майдонлардан буғланиш ва турли хил ўсимликлардан транспирацияланиши ҳамда минтақавий ҳудудлардан умумий парланиш каби тамоиллар шакли қайд этилади.

Коллектор - завур тармоғига сув сизиб чиқиши (35) формула билан ифодаланади. Тенгламалар тизимида қатламлар орасидаги оқим (31) тизим асосида ҳисобга олинади

Шундай қилиб, (31) - (37) ифодалар ер ости сувлари конини филтрация жараёнларини математик моделини ва тоғлараро (воҳада) минтақавий ҳудудларни моделлашни ўз ичига олади. Албатта Марказий Осиё ҳудудларида турли хил кўринишдаги, ҳар хил шароитли ер ости сув конлари

мажуд, бу соҳаларда моделлаш барча турдаги ер ости суви шакилланиши ва ҳаракатлаш жараёни ўз ичига ололмайди, қолган қисмлари турли хил схемалаштириш асосида шу турдаги моделлаш усуллари каби амалга оширлади. Сонли ечиш, алгоритмлари ва дастурлаштириш 4.3-4.5 бўлимларда келтириган усулларга кўра, кўриб чиқилади, схемалаштирилади ва ижобий ҳал қилиниши мумкин.

Турли хил гидрогеологик объектларини математик моделини тузишнинг иккинчи қисми геологик муҳитни моделлаштириш жараёнидир (сувли қатламларнинг сонли модели) фильтрация содир бўлаётган гидротехник иншоотли ҳудудларни назарда тутлмоқда. Моделлаштиришнинг бу қисми математик модель тизимни статик ҳолатини ифодалайди, яъни шароитлари ўзгармасдан сув сатҳи ўзгариши ҳисобланади. Сув тутувчи қатламларнинг филтрлаш хусусиятлари, қатламлар аро сувлар оқимлари хусусиятлари, сув омборлари, кудуқлар ва бошқа даражадаги объектларнинг бир вақтдаги ўзаро таъсирини геометрик тавсилотлари моделлаштирилади.

Детерминистик ёндашувда, яъни моделлаштириладиган жараёнлар ва маълумотларнинг аниқлик даражаси юқори бўлган тақдирда сонли модель қийматлари бир ва икки қатламли сув тутувчи тоғ жинсларининг параметрлари рақамли массив каби ифодаланади. Уларни моделлаш жараёнига тайёрлаш учун қуйидаги гидрогеологик материаллар мажуд бўлиши керак: қатламларнинг далил-ашёвий харитаси, ер усти, яъни замин юзаси контури чизилган ҳарита, сув тутувчи қатламлар қалинлиги, ер ости сувлари гидроизогипсаси чизилган ҳарита, фильтрация коэффициентлари ёки сув ўтказмайдиган қатлам чегараси изогипсаси ва уларнинг қийматлари вертикал ўзгартириш, дарё туби колматация қатлами қаршилиги ва дарёдан филтрланиш қийматлари каби ер ости суви сатҳига боғлиқ маълумотлар. Шундан сўнг биз моделлаштириш учун схемалаштириш ва модель массивига дастлабки маълумотларни тайёрлашни бошлаймиз.

## 5 БОБ. ГЕОГРАФИК АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Географик ахборот тизими (ГАТ), (**географическая информационная система, ГИС**) - фазовий характердаги малумотлар ва улар билан боғланган фазовий бўлмаган малумотларни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва акслантириш асосида географик фазо ҳақида малумот ва билим олиш имконини берувчи тизимдир [22].

### 5.1. Географик ахборот тизими ҳақида

Биринчи марта геоахборот тизими тушунчаси 1960-йиллар ўртасида Канада давлати мутахассислари томонидан киритилган бўлиб, Канада Географик Информастия Тизими (КГИС) деб аталган. Р. Томлинсон раҳбарлигида Канадалик мутахассислар комплекс геоахборот тизими (GIS) деб номланган миллий даражадаги минтақавий дастурларини амалга оширди. Бу географик нуқтайи назардан ер, ўрмон ва сув хўжалиklarини ўрганиш тизими эди [18, 21, 54]. Геоахборот тизими бошқа адабиётларда тўлиқ ном билан географик ахборот тизими ёки қисқача ГАТ деб ҳам юритилади. Тизимнинг асосий мақсади ер ресурсларининг инвентаризациясини ўтказиш ва шу асосида ер ресурсларини мавжуд ҳолати ва келажакдаги потенциалини аниқлашдан иборат эди. Шу муносабат билан ГАТ ларни турли нуқтаи – назардан қараш мумкин.

❖ Ер – сув ресурсларини, шаҳар хўжалигини, транспорт ва телекоммуникация тармоқларини ва бошқа ҳудудий объектларнинг бошқаруви муаммоларини ечишда ГАТ бошқарув тизимини бажаради. Бунда ечимлар қабул қилишда турли хил малумотлардан, жумладан, картографик малумотлардан фойдаланилади.

❖ ГАТ лар автоматлаштирилган ахборот тизимлари сифатида ўз ичида турли кўп ишлатиладиган ахборот технологиялари ва тизимлари, жумладан, илмий тадқиқотларнинг автоматлаштирилган тизимлари, автоматлашган лойиҳалаштириш тизимлари, автоматлаштирилган ахборот-қидирув тизимлари га хос технологиялар ва технологик жараёнларни умумлаштиради.

❖ Геоахборот тизими сифатида ГАТ ўз ичига автоматлаштирилган картография тизимлари, автоматик фотограмметрик тизимлар, ер ахборот тизимлари, автоматлаштирилган кадастрловчи тизимлар ва ҳ.к. ларга хос технологияларни ўз ичига олади.

❖ Моделлаштирувчи тизим сифатида ГАТ бошқа автоматлаштирилган тизимларда қўлланиладиган математик моделлаштириш усуллари ва воситаларига эга.

❖ Ахборотни тақдим қилиш тизими сифатида ГАТ замонавий мултимедиа технологияларидан фойдаланишга асосланган.



Амалий тизим сифатида ГАТ қўлланиш соҳасининг кенглиги билан характерланади. Ҳозирда ГАТлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида, жумладан геология, гидрогеология, гидрология, экология, иқтисод, транспортни ташкил қилиш, медитсина, телекоммуникатсия ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлланилади.

ГАТнинг таърифига кўра унинг асосий вазифаси фазовий малумотларни таҳлил қилиш ёки фазовий таҳлил ётади. ГАТ нинг асосида қуйидаги саволларга жавоб олиш мумкин:

- Берилган соҳада нима жойлашган ёки бор?
- Берилган шартларни қаноатлантирувчи соҳа қаерда жойлашган?

Замонавий ГАТлар хариталарда график малумотларни алоҳида тематик катламлар, хариталардаги объектларнинг сифат ва сон характеристикаларини малумотлар базаси кўринишида сақлаш асосида хариталардан фойдаланиш имкониятларини оширдилар. Малумотларнинг бундай таҳлитда ташкил этилиши ва компьютерлашган технологиялар асосида уларни бошқаришнинг самарали механизмлари янада мукаммал имкониятлар яратади.

Компьютер технологиялар асосида билимларнинг интеграциялаш жараёни янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Булардан бири “Геоматика” тушунчасидир. Бу термин геофанларни, математика ва информатика фанларини ўзида бирлаштиради. Геоматика сўзи франсузча сўздан олинган бўлиб “Информатикани қўллаш орқали географик маълумотларнинг харитографик таҳлили” деган маънони билдиради. Кўп ҳолларда геоматика ва геоинформатика тушунчалари бир бирига мос тушади. Геоматика бу геоинформатикага асосланиб масалаларни ҳал қилишга мўлжалланган илмий техник фандир.

Геоматика ўз ичига фотограмметрия, математика, геометрия, физика, информатика, харитография, геодезия, ва масофадан зондлаш фанларини олади. Геоматика – илм-фан ва техникадаги шундай фаолият сферасики, баҳолаш, қарор қабул қилиш ва хулосалар чиқаришни таъминлашда қўлланиладиган фазовий-координаталашган ахборотларни йиғиш, бошқариш, сақлаш ҳамда тарқатишда ишлатилади.

Геоматика бу информатион технологиялар, мултимедиа ва телекоммуникация воситаларини маълумотлар қайта ишловида, геотизим таҳлилида, автоматлашган харитографияда қўлланилишининг йиғиндиси ҳисобланади ва бу термин геоинформатика ёки геоинформатион хартографиялаш сифатида ҳам қўлланилади.

Қадимдан кишилар географик маълумотларни турли хил усуллар билан кўрсатиб келишган ва замон ўтиши билан географик маълумотларни тасвирлаш усуллари ҳам такомиллашиб борган. Бундай географик маълумотларни тасвирлаш усулларида биринчилари бу жой тўғрисидаги

маълумотларни харитада тасвирлаш бўлган. Кейинчалик эса кишилар бундай хариталарга шартли белгилар ва координаталар кирита бошлашган. Агар дастлабки хариталар қўл ёрдамида чизилган ва киритилган шартли белгилар ўша ўзлари яшаб турган жамият миқёсида фойдаланишга мўлжалланган бўлса, кейинчалик қўлда эмас балки босма машиналарда ва шартли белгилар ҳам ўзаро келишилган ҳолда умумжаҳон миқёсида қўлланила бошланган.

Ҳозирги анъанавий қоғоз кўринишдаги хариталарда ҳам жойнинг релефи, жойлашган ўрни ва юзаси каби маълумотлар билан биргаликда қўшимча диаграммалар, жадваллар киритилган. Лекин қоғоз харитага кўп миқдор ва ўлчамда жадваллар, диаграммалар ва бошқа маълумотларни киритиб бўлмайди сабаби бундай улкан миқёсдаги маълумотлар англашилмовчиликка олиб келиши мумкин.

Ҳозирда ривожланган давлатларда ГАТ кўпгина ижтимоий соҳаларда, иқтисодда, сиёсатда, экологияда, табиий ресурсларни бошқариш ва табиатни муҳофаза қилишда, кадастрда, илм-фан ва бошқа соҳаларда қўлланилиб келмоқда. ГАТ бизнинг саёрамизга тегишли глобал, ҳудудий, миллий, локал-ахборот турлари: картография, дистансион зондлаш, статистика, кадастр маълумотлари, гидрометеорологик маълумотлар, дала экспедицион материалларини кузатиш, бурғулаш натижалари, сув остини зондлаш ва ҳоказоларни интеграллаштирган ҳолда барча жабҳаларни эгаллаб келмоқда. ГАТни кенгрок ривожлантиришда халқаро асосастиялар, катта-катта давлат уюшмалари, вазирликлар, картография, геологик ва ер тузиш хизматлари, шахсий фирмалар ва илмий институтлар қатнашмоқдалар.

Кўплаб давлатларда махсус миллий ва вилоят миқёсидаги органлар тузилган бўлиб, уларнинг вазифаларига: Геоахборот тизими ва автоматлаштирилган картография, давлат ҳарбий сиёсатини геоинформатикада формаллаштириш, миллий режалаштириш, ҳуқуқий муаммоларни ўз ичига олган географик ахборотларни сир сақлаган ҳолда йиғиш ва тарқатиш ва бошқа вазифалар киради.

Шведцияда бундай дастурларни ер майдонларини ўлчаш ва ҳисобга олиш, ер кадастри тузиш, ер майдонларини маълумотлар базасини яратиш каби масалаларни ечиш мақсадида амалга оширилди.

АҚШ да (Environmental Systems Research Institute, ESRI) ташкилоти, дастлаб ҳарбий соҳаларда кейинчалик, табиий ресурслар ва мини компьютерларининг жадал равишда риволаниши муносабити билан ГАТ дастурларининг (оммавий) комерция вариантини жорий қилди [77, 88]. ГАТда соҳа ҳақидаги билимлар ўлчовини аниқловчи маълумотлар тўплами тушинилди ва географик билимлар олишнинг самарали воситаси деб қарала бошлади.

Ўтган асрнинг охирида ГАТ дастурларининг (оммавий) комерция варианты Европадаги иқтисоди ривожланган кўпгина мамлакатларга, шу жумладан Россияга, Осиёда Япония, Хитой ва бошқа кўпгина мамлакатларга кириб келди [94, 95.].

Ўзбекистонда 1991-92 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар кўмитасининг “Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти” Давлат корхонаси (“ГИДРОИНГЕО Институти” ДК) илмий тадқиқот институтини «Геоахборот технологиялари, математик усуллар ва моделлаштириш» лабораториясида харитаграфик ва фазовий маълумотларни тасвирлаш, рақамли хариталар тузиш ва ўрганиш, маълумотларни турлари билан аниқлаш, математик моделлаштириш, геометрик талқин ва статистик таҳлил каби ишлар орқали амалга оширила бошлади [38, 40]. Ҳозирги кунга келиб ГАТ-технологиялари асосида Ўзбекистон Республикаси барча ҳудудлари 1:200000 масштабда рақамли хариталари уч йўналишда: геологик тузилиши, гидрогеологияси ва мониторинг юритиш тармоқларини жойлашиши бўйича “Ўзбекистон Республикаси ГИДРОИНГЕО Институти” Давлат корхонаси томонидан тўлиқ тузилиб бўлинди. Б.И.Пинхасов, Ж.Х.Джуманов, Т.Э.Мавлянов ва В.А.Борисовлар томонидан Ўзбекистон Республикаси электрон атласи яратилди [].

*Геоахборот технологияларининг тузилиши.* ArcINFO дастури шахсий компютерларнинг (Windows 95, 98, NT, XP ва Vista), Macintosh, HP UNIX ва бошқа тизимлари билан ҳам ишлайди. Барча тизимларда фойдаланувчи интерфейси бир хил кўринишда. ArcINFO форматидаги маълумотлар юқорида кўрсатиб ўтилган тизимлар орқали ҳам қабул қилинади.

ArcINFO ни таърифлашнинг яна бир усули тўғрисида Марбл ва Пюке [94] (1983) томонидан берилган. Унга кўра ГАТнинг ўзи ҳам тизимларга бўлинади ва улар қуйидагилар:


1. Маълумотларни тўплаш тизими. Бу тизимда маълумотлар турли хил манбаалардан олинади ва бошланғич қайта ишлов амалга оширилади. Бу тизимнинг асосий вазифаси турли хил фазовий маълумотларни ўзгартириш (растр кўринишдан вектор кўринишига келтириш)дан иборатдир

2. Маълумотларни сақлаш ва ажратиш тизими. Тизимнинг асосий вазифаси бу фазовий маълумотларни ажратиш, янгилаш ва таҳрир қилишдан иборат.

3. Маълумотларни бошқариш ва таҳлил қилиш тизими. Бунда турли масалаларни ҳал қилиш учун маълумотлар гуруҳланади, ажратилади ва моделлаштирилади

4. Маълумотни чиқариш тизими. Барча ёки қисман маълумотлар базаси жадвал, диаграмма ёки харита кўринишида тасвирланиб босмага чиқарилади,

ёки фойдаланувчининг талабига кўра электрон ёки қоғоз маълумот кўринишида берилади (2-расм). Юқоридаги тўртта тизим бу ГАТнинг ажралмас ва амалга оширилиши шарт бўлган муҳим тизимларидир. Барча жараёнлар мана шу тизим ичида амалга оширилади ва бунда ҳам албатта инсон омили жуда муҳим рол ўйнайди.



5.1.1 – расм. ГАТнинг асосий тизимлари

ГАТнинг муҳим 5 та компоненти мавжуд. Улар инсон фаолияти, дастурий таъминот, маълумот, таҳлилий жараёнлар ва албатта технологиялардир (5.2.2 –расм).



### 5.1.2-расм. ГАТнинг муҳим тизимлари

Технологиялар деганда биз ҳар хил турдаги геодезик асбоблар, компютер технологиялари ва рақамли асбоблар, жумладан электрон тахеометрлар, ГПСлар, нотебоок туркумидаги компютерларни назарда тутамиз.

Дастурлар ГАТда турличадир ва улар ўз мақсади ва тизимига қараб турли вазифаларни амалга оширади ва юқорида келтирилган 4 та тизимни ичида ҳам турли дастурларни қўллаш мумкин.

ГАТнинг геодезия, топология ва топография, компьютер тизимлари ва тармоқлари ва айниқса картография соҳаларида қўлланилишидан бир қанча энгилликлар келиб чиқади. Бунда иш ҳажми кескин ортиб, маълумотларни қайта ишлаш, мантиқий таҳлил қилиш ва босмага чиқариш каби ишларга сарфланадиган вақт ҳам ўз навбатида кескин камаяди, натижада самарадорлик ортади. ГАТнинг фанлараро ўзаро узвий боғликлиги қуйидаги чизмада кўрсатилган (расм 5.1.3).



Расм 5.1.3. ГАТнинг фанлараро ўзаро узвий боғликлиги

Маълумотлардан фойдаланиш. Масофавий база маълумотларидан бириктирилган жадваллар ёрдамида фойдаланиш мумкин. ArcINFO дастуридан чиқмасдан туриб бириктирилган жадвалларни таҳрирлаш ва ўзгартиришларни сақлаш мумкин. Менюлар ёрдамида Access ва Excel жадвалларини туғридан туғри очиш мумкин.

ArcINFO дастурда турли курилишдаги принтер курилмаларидан харита парчаси, жадвали, график кўриниши ва ёзувлари ҳисоботлар ҳосил қилиш ва нашрга бериш мумкин. Стандарт драйверлари орқали ҳулоса нашрга берилади. Ахборотлар вектор-графикали тасвир кўринишда бўлади ва сақланадиган ахборот ва амаллар ҳажмини камайтириш имкониятини беради. График ахборотлар билан бирга матнли, жадвалли, ҳисобланадиган ахборотлар ҳам бирга келади. Геометрик ўлчовли соҳаларни, ва муракаб тузилишли объектларни ҳисоблаш жараёнларида геоахборотлардан фойдаланиш глобал, минтақавий ва ҳудудий синфларга бўлиб (расм 5.1.4), ҳисоботлар тайёрлаш жараёни ўз навбатида миқёсий жиҳатидан мос равишда тақдим қилиш имконияти пайдо бўлади.

Географик ахборот тизимининг асосий вазифалари бу фазовий-географик маълумотларни тўплаш, сақлаш, бошқариш, таҳлил қилиш, моделлаштириш ва тасвирлашдан иборат бўлган мутахассис таҳлилчилар бошқаруви остидаги умумлашган компютер тизимидир (5.1.4-расм).



Расм. 5.1.4. ГАТни миқёсий ишлатилиш тамоиллари

*Географик ахборот тизимининг қўлланиш соҳалари.* ГАТнинг қўлланилиш соҳалари турлича бўлиб у турли ҳолатларда, жумладан:

- географик координаталар билан ишлаш соҳаларида, ер юзаси ва коинот билан боғлиқ яъни ер ўлчаш, геодезия ва кадастр, ер, сув ва газ ресурслари а тармоқларини тасвирлаш ва таҳлил қилиш соҳаси;
- телекоммуникация, алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини режалаштириш, лойиҳалаштириш ҳамда шакиллантириш босқичларида;
- соғлиқни сақлаш ходимларига янги клиника ва шифохоналарни аҳолига географик жиҳатдан мос ва қулай қилиб жойлаштириш жараёнида;

- юк транспортида юк ташиш билан шуғулланадиган корхоналар учун йўл маршрутлари ва жадвалларини тузиш, шакиллантириш ҳамда аниқлашда;

- автомобил йўлларини қурувчи корхоналарга янги трасса ва йўлларни лойиҳалаш босқичидаги энг мақбул вариантни танлаш пайтида;

- геодемографлар учун эса янги савдо мажмуаларини барпо этиш ва уларга жой танлашда;

- ўрмончилик корхоналари эса, мониторинг ва ўрмонлар ҳолатини янгилаш ҳамда рекреация паркларини барпо қилишда;

- давлат фондидаги ерларни ҳолати мониторинги, тўғри ва оқилона фойдаланиш ҳамда ҳисоблашда;

- саёҳатчилар учун ўзларига мақбул меҳмонхона, айланиш жойлари ва албатта тўғри йўналиш топишда;

- гидрогеологик, гидрологик ва геоморфологик мониторинг ва автоматлашган тимзим жорий этишда;

- фермерлар учун янги ерларни ўзлаштиришда, ерларнинг ҳолатини аниқлашда ва улар тўғрисида етарли маълумот олишда жуда қўл келади.

ГАТ экология ва атроф-муҳитдан фойдаланиш, денгиз, авиация ва автомобил навигация тизимида, бундан ташқари шаҳарсозликда, маркетингда, фавқулодда вазиятларни бошқариш ва режалашда, сотсиология ва политологияда ҳамда бошқа кўпгина соҳаларда қўлланилади.

ГАТда геокодлаш атамаси кўча манзилларини кенглик ва узоклик ёки бошқа ўхшаш координата тизимига ўзгартириш жараёнида қўлланилади. Геокодлашнинг яна бир номи бу геореферентслашдир. Геокодлашнинг муҳим талабларидан бири бу объект ва жадвал орқали боғланган маълумотлар ягона бўлиши зарур ва шу орқали харитада берилган маълумотлар бошқа ерда такрорланмасдан чалкашликка олиб келмаслиги зарур. Масалан харитадаги объектни маълумотлар базаси киритганда “Олимлар кўчаси -64, Тошкент 700000, Ўзбекистон” манзили бошқа дунёнинг ҳеч қайси жойда такрорланмаслиги зарур. Бундан ташқари иложи борича геокодланаётган объект ҳар доим ўзгармас ва барқарор бўлиши керак. Акс ҳолда тез-тез ўзгариб турадиган объектлар келажакда ҳар хил чалкашлик ва тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин.

Геокодлаш бу атрибут маълумотлар асосида харитадаги объектларини автоматлашган ҳолда яратиш жараёнидир. Қўлланилиш мақсадига қараб координатали геокодлаш, объектлар бўйича геокодлаш ва адреслар бўйича геокодлаш турларига бўлинади.

ГАТ ёрдамида турли хил амалий масаларни ҳал қилишда жадвал кўринишда берилган ахборот асосида харитада объектларни жойлаштириш вазифаси қўйилади. Бундай жадвалларнинг баъзиларида нукталарнинг

координаталари каби маълумотлар сақланиши мумкин ва уларни харитада тасвирлаш масаласи қўйилади.

Мана шундай рақамли харита остидаги жадваллардаги маълумотларни харитада тасвирлаш жараёни геокодлашга яққол мисол бўла олади.

Геокодлаш бу жадваллардаги атрибут маълумотлар асосида объектнинг манзили, координатаси бошқа географик маълумотларни тимсоллар орқали рақамли харитада тасвирлаш жараёни.

Геокодлаш ГАТда қўлланилиб у рамз (символ), жой тўғрисидаги суръат, манзил кўринишда ҳам бўлиши мумкин. Геокодлашнинг асосий мақсади бу харитада жадвалдаги маълумотларни кўринарли қилиб тасвирлаш ва шу рамз (символ)лар орқали керак маълумотни олишдан иборатдир. Ҳар бир ГАТдаги дастурлар геокодлаш опциясига эга ва ахборот тугмаси орқали символга боғланган жадвалдаги атрибут маълумотларни олиш мумкин. Масалан:

Геоахборот тизимидаги геокодлаш жараёнида маълумотлар базасининг энг камида иккита таркибий қисми иштирок этади. Улар қуйидагилардир:

- геокодлаш учун керакли бўлган маълумотларни ўз ичига олган жадвал (геокодланадиган жадвал);

- хариталарнинг алоҳида бир қатламида жойлаштириладиган объектларнинг нуқтали тури.

Бундан ташқари уч хил услубли геокодлаш ҳам мавжуд. Мана шу учта усуллардан бири танланиб геокодлаш қандай масалаларни ҳал қилиши, қандай аниқликда харитада жойлаштирилиши ва қандай турдаги маълумотлар қўйилиш кераклиги аниқлаб олинади:

Координатали геокодлаш услуби танланганида геокодланаётган жадвалнинг икки майдонида  $x$  ва  $y$  нинг қийматлари мос равишда белгиланиши зарур. Ҳар бир жадвал учун геокодлашни бажараётганда координатани кўрсатган ҳолда нуқтали объект яратилади. Координатали геокодлашни амалга ошираётганда яратилаётган объектларнинг координатларини трансформастия қилиш ҳам мумкин. Агар жадвалдаги координата тизими харитадаги координата тизимидан фарқ қилса, бу жараённинг аҳамияти янада ортади.

Координатали геокодлаш -бу геокодлаш услублари ичида энг оддийси ҳисобланади ва шу билан бирга яратилаётган объектларнинг жойлашувини харитада аниқ кўрсатиб беради.

Объектлар бўйича геокодлаш яратилаётган объектларнинг мавжуд бошқа объектларга боғлаш усулига асосланган. Бундай услуб агар геокодланаётган жадвалда фойдаланувчига қизиқ бўлган объектлар (дўкон, хизмат кўрсатиш шаҳобчалари). Бундай геокодлашда услубида шаҳарнинг батафсил плани этарли бўлади ва бу планда барча бино ва иншоотлар



манзиллари билан бирга кўрсатилган бўлиши керак. Ўшандагина изланаётган объектни топиш аниқлиги юқори бўлади.

*Объектлар бўйича геокодлаш.* Координатали геокодлашга қараганда аниқлиги камроқ лекин яратилаётган объектнинг аниқ координатасини кўрсатишини талаб қилмайди.

Манзилли (адресли) геокодлаш услуги яратилаётган объектнинг жойлашувини берилган чизикли объектга нисбатан тахминий ҳисоблашга асосланган. Мисоллар билан тушунтирадиган бўлсак ҳар бир шаҳар плани албатта туманларга бўлинган, масалан Тошкент шаҳри мисолида даҳаларга бўлинган ва ҳар бир даҳани ичида бино иншоотларга бўлинган. Мана шу бино ва иншоотларга рақам берилган. Геокодлаш жараёнида осон бўлиши учун албатта рақамларни белгилашда кетма-кетликка аҳамият берилади ва бу бизга мантиқий жиҳатдан қайси бино даҳа (квартал) нинг қайси тарафида жойлашганлигини аниқлаш имконини беради. Яъни ўз ўзидан маълум бўладиги 1-70 гача рақамга эга бўлган даҳада 5-рақамли бино даҳанинг бошроғида жойлашган бўлса 64-бино охирида жойлашади. Жойлаштирилган ёки яратилаётган объектлар координаталарининг аниқлиги бу услубда объектларнинг ўлчамига боғлиқ бўлади. Масалан юқоридаги 5-рақамли бинонинг харитадаги ўлчами даҳа (раён)нинг учдан бир қисмини эгалласа, 64-рақамли бинонинг ўлчами кичик бўлгани учун аниқ эмас.

Юқоридаги геокодлаш услубларининг барчаси бир мақсадни кўзлаб амалга оширилади яъни жадвалдаги маълумотларни рақамли харитада тартибли ҳолда жойлаштириб ва кетма кетлик, ягоналикни сақлаган ҳолда инсонга тушуниш ва албатта излаб топишга осон бўлиши учун уларни тўғри жойлаштириш лозим.

«ГАТ -технологиялари» географик ёки фазовий маълумотларни тасвирлаш, ўрганиш, маълумотларни аниқлаш, математик моделлаштириш, геометрик талқин ва статистик таҳлил ҳамда қўлланиши долзарб ва аҳамиятли масалалардан бири. ГАТда “Маълумотлар”, “Ахборотлар”, ва “Билимлар” каби атамалари орасидаги фарқларни техник тизимлар ривожланиши мисолида кўрсатиш мумкин, яъни аввал маълумотлар банклари вужудга келди, кейинроқ ахборот тизимлари шакллантирилади, сўнгра эса билимларга асосланган тизимлар – интеллектуал (эксперт) тизимлари вужудга келди [68, 89].

ГАТ технологияларининг пойдевори ArcGIS асосий дарстур бўлиб, ArcInfo, ArcView, ArcEditor, ArcScene, ArcGlobe каби комплекс дастурий таъминотлари мавжуд, фойдаланувчи учун тушунарли ва қулай интерфейс яратилган, ҳамда автоматлашган харитографик амаллар бажариш имконини беради. Бу дастурнинг бир неча модуллари мавжуд бўлиб уларнинг асосийлари ArcCatalog, ArcToolBox, ArcMap ва қатор дастурий пакетлари

мавжуд. Буларга яъна қўшимча модуллар Image Analysis, Spatial Analyst, 3D Analyst, Network Analyst, Geostatistical Analyst, Schematics, Tracking Analyst каби дастурлари мавжуд.

Ҳар бир модуллари бўйича операциялари, тушунарли ва оддий бўлиб, базавий маълумотлар билан ишлаш имкониятига эга. Харитографик иш столини ўзлаштириш учун базавий маълумотлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлиш даркор [64; 95].

Маълумотлар ойнасининг 3 хил кўринишдаги миқдорда тасвирлаш мумкин: харита ойнаси, руйхатлар ва графиклар. Маълумотларни синхрон технологиясида тасвирлаш, бир вақтнинг узида, таркибида бир хил маълумотларга эга бир нечта ойналарни очиш имконияти мавжуд, ҳатто, бир ойнада маълумотлар ўзгартириш натижасида автоматик равишда бошқа ойналарда ҳам ўзгариш кўзатилади.

Кўрилаётган дастурда растр маълумотларини ишга тушириш ва географик проекцияларга боғлаш етарли даражада содда келтирилган. Муҳим жиҳати шундаки, фойдаланувчи камида 3 та координата нуқталарини билиши лозим. Ҳозирча бу дастурда растр маълумотларини буриш ва чузиш имконияти йўқ, аммо бу масалалар ушбу дастур фойдаланувчилари томонидан ёзилган иловалар мавжуд.

ГАТ технологияларида маълумотлар 3 та асосий кўринишдан иборат: **жой, вақт ва мавзу**. Лекин маълумотлар модели яратилганда ГАТнинг иккита синфи қўлланилади:

- Жойлашиш ўрнини аниқловчи позицион (фазовий) маълумотлар;
- Мавзули ва вақтинчалик тавфсифларни аниқловчи атрибут маълумотлар.

Фазовий маълумотлар вектор моделлари ёрдамида ёзилган бўлиб, уч турдаги маълумотларни ўз ичига олади:

- Нуқтавий (нуқтавий объектлар);
- Чизиқли (яримчизиқли, чизиқли объектлар);
- Полигонли (туманли, майдонли объектлар).

**Қатлам** – бу бир турдаги векторли терма график маълумотлар тўплами: нуқтавий, чизиқли, полигонли. Жадвал маълумотларни тасвирлашнинг асосий усули бу хариталар билан ўзаро алоқасидир. ArcMap модули харитаси бир нечта қатламлардан иборат бўлиши мумкин [36, 95].

Дастуридаги вектор қатламлар объект жадвалидан ташқари, ойна харитасида растр, тематик ва косметик қатлам кўринишида кўрсатилиши мумкин. Косметик қатламлар хар доим харита ойнасининг энг тепасида жойлашган булиб, уз ичига махсус вақтинчалик жадвалда жойлашган маълумотларни олади.

ГАТ технологияларида ҳар бир дарё ва каналнинг қуйидаги гидрологик кўрсаткичлари ўлчаб ўрганилиши мумкин:

- дарёнинг кўндаланг кесими;
- дарё ўзанининг оғма бурчаги (уклон);
- дарё узунлиги;
- дарё тармоғларининг кўшилиш жойида оғма бурчаги;
- тармоқларнинг кўплиги;
- сув йиғилиш майдони;
- дарё ҳавзаси ва тармоқларининг ҳавзаларининг кўриниш чизмаси (конфигурация);
- сувнинг кимёвий ва биологик таркиби;
- дарё оқиб ўтадиган тоғ жинслари ва тупроқнинг ҳолати;
- тоғ жинсларининг сувли қатламларини кимёвий таркиби, ғоваклиги;
- сувнинг тезлиги, лойқалиги ва ҳ.к.

Бу кўрсаткичларнинг ҳар бирини таҳлили қилинса, дарё ва каналнинг жуда мураккаб иншоот эканлигини ГАТ технологияларида яққол кўринади, уларни енгил англаш ва тушуниш мумкин.

**Жадвал** - дастурининг асосий ахборот бирлиги. Жадвални оддий тушунчасидан фарқланиши, ArcView дастурида у қатлам базавий маълумотлар жадвалига боғланганлиги ва мавжудлигидан ҳаритага мос келади. Базавий маълумотлар жадвалидаги ҳар бир қатор график объектлар ҳақида маълумотига эга. Ҳар бир жадвал устуни аниқ атрибутга эга [58].

Ахборотларнинг бундай кўринишдаги маълумотлари юқори график учун статистик визуаллаш, иктисодий ва бошқа вақтинчалик-фазовий методларни куллашга имкон беради. Бу географик объектларга диаграмма ва графикларни аниқ кўрсатиш учун имкон яратади. Ҳар қатламга биттадан жадвал мос келади. ArcINFO дастурида таблицани тасвирлаш учун руйхат ибораси кулланилади.

**Ишчи конфигурация** – маълумотлар умумийлиги (жадвал ва қатлам), мураккаб ҳарита (картографик композиция) яратиш учун имкон беради Ишчи конфигурация қуйидагиларни уз ичига сақлаш имкониятига эга: жадвал, ойна, ёрдамчи ойна ҳамда уларнинг экранда жойлашуви. ArcView дастурида фойдаланувчи ишчи столи ойнасини сақлаш ва ишни кейинги сеансда чакриб олиши мумкин [25, 60].

Ишчи конфигурация ишга туширилгандан сунг барча жадваллар ва ойналар очилади, чунки, ишчи конфигурация сақланаётган вақтда бўлар очилган булиб, барча ойналар шу руйхат бўйича текисланади ва жойлаштирилади, шундан сунг терма сақланаётган вақтдаги ҳолатига қайтади.

**Ёзув (Legend)** – шартли белгилар рўйхати булиб, харита ёки графикада кулланилади.

**Ҳисобот** – график маълумотлар умумийлиги, ҳулосани нашрга бериш учун мулжалланган. Ҳисобот бир нечта ойнадан иборат булиб, хариталар, езувлар, графиклар ва кушимча маълумотларни уз ичига олади.

**Геокодлаш** – бу харитага мос келадиган объектларга бириктирилган базавий маълумотлар ахборот жойлашув тизими. Жадвал қатлам умумийлигини таърифлайдиган объектлар, ёзувлардан иборат географик маълумот (мисол, мамлакат номи, вилоят, шаҳар ёки манзил) ва сонлардан ибоат. Геокодлашда ArcView дастури бу маълумотларни танлайди ва мавжуд маълумотлар жойлашуви оркали уни бирлаштиради ва харитада объектни кўрсатиш ва боғланишни амалга оширишда кўмаклашади.

**Проекция (хариталар)** – бу математик модель булиб, харитада ернинг устки қатлам ҳар бир нукталарини лойихалаштиришда кўмаклашади. Проекция кўринишини танлашдан қатъий назар, шу харитадаги визуал тасвир ҳар хил бўлади. Ҳар бир проекция параметр туплами билан белгиланади. Проекциялар ўртасидаги фарқ ҳар хил координата турлари билан белгиланади.

Маълумотларни визуаллаштириш. Бу тартиб, фойдаланувчига жадвал кўринишидаги маълумотларни ҳар хил кўринишда кўрсатиш имкониятини беради. Мисол учун, белгилар, диаграмма, рангланган майдон ва чизик объект ва бошқаларини масштабланган усулда кўриш мумкин.

Харитада маълумотларни таъсвирлашда фойдаланувчи рақам кўринишидаги маълумотларни эмас балки уни орқасида тўрган харитани кўради.

## 5.2. Геоахборот тизимларининг асосий дастурий воситалари

*ArcInfo* дастурий мажмуаси куйидаги асосий ташкилий модулларни ўз ичига олади *ArcCatalog*, *ArcMap*, *ArcToolBox*. ГАТнинг ушбу дастурий таъминотларини функционал вазифаларини қараб чиқамиз.

- ***ArcCatalog***. Мазкур илова ArcGIS да малумотларни бошқариш учун хизмат қилади. *ArcCatalog* малумотларни тизимлаштириш, қараб чиқиш, каталоглар ташкил қилиш ва мета малумотлар билан ишлаш каби оператсияларни қулай амалга ошириш имконини беради.

- ***ArcMap***. Хариталаштириш ва тахрирлашга ҳамда хариталар бўйича сўровномалар ва таҳлиллаштиришга доир барча масалаларни ечишга йўналтирилган асосий илова.

- **ArcToolBox** - ArcGIS фойдаланувчилари учун инструментлар, моделлар ва скриптлар тўпламларига кириш, уларни ташкиллаштириш ва бошқаришда интерфейс вазифасини бажаради.


Геоахборот тизимларининг асосий дастурий воситалари ArcCatalog, ArcMap ва ArcToolBox дастурий пакетлари бўлиб, ҳар бирини ишлаш тамоиллари билан алоҳида танишиб чиқамиз.

*ArcCatalog* билан танишув. ГАТда энг муҳим масалалардан харитографик маълумотларни таркибий қисмини тизимлаштириш, дастлабки таркибий қисмига қараб структуралаб чиқиш, ҳужжатлаштириш, ташкил этиш ва бу маълумотларни сақлаш учун мос координаталар тизимига асосланган ҳолда геомалумотларнинг мураккаб базаларини яратиш ArcCatalog ёрдамида амалга оширилади.(5.2.1-расм)

ArcGIS нинг *ArcCatalog* дастурини ишга тушириш MS Windows операцион тизимидаги ихтиёрий дастурни ишга туширишга ўхшаш амалга оширилади: Пуск менюсидан, Проводник орқали ёки ишчи столдаги ёрлик ёрдамида, ёки ArcMap дастурини ичида ArcCatalogнинг махсус тугмаси орыали ишга тушириш мумкин.

*ArcCatalog* нинг ишчи ойнаси (5.2.1-расм) бир нечта асосий элементларни ўз ичига олади.


- Меню сатри – menu bar (1);
- Инструментлар панели – tool bar (2);
- Каталог дарахти ойнаси –catalog tree (3);
- Ҳолат сатри – status bar (4);



5.2.1 –расм ArcCatalog дастурининг ойнаси


•Каталог дарахти ойнаси уч қисимдан иборат: малумотларни кўриш ойнаси – мазмуни (Content), қараб чиқиш –preview мета малумотлар – metadata (5) лардан иборат.

Шунингдек, шахсий компьютерда ГАТ лойиҳалари учун малумотлар базаларини яратиш учун махсус бўлимлар ва малумотлар файлларини ташкил қилиш ArcCatalog ёрдамида амалга оширилади. 5.2.2-расмда геомаълумотлар базасининг тузилиши кетма-кетлиги, ҳарбир бўлим ва унинг таркибий қисми кўрсатилган.




5.2.2 –расм ArcCatalog ёрдамида геобазаларини яратиш

*ArcCatalog* дастурий муҳитининг функционал қурилма воситаларидан фойдаланиб фазовий объектлар синфлари ва жадвалларини ташкил қилиш ҳамда таҳрир қилиш, ўзгартириш каби географик координаталар тизимини киритиш оператсияларини бажариш мумкин.(5.2.3-расм).



5.2.3 –расм ArcCatalog ёрдамида янги қатлам яратиш

*ArcCatalog* модулида яратилган ва тайёрланган янги қатламлар яъни файллар *ArcView*, *ArcEditor* каби дастурий маҳсулотларида, *ArcMap*, *ArcTools* модулларида ҳам фойдаланувчилар таҳрир қилиш дастурларида ишлатилиши ва керак бўлган ҳолда ўзгартириш имкониятини яратувчи дастурий муҳитдир 5.2.4 –расм.



5.2.4 –расм. ArcMap модулида ArcCatalog дастурий муҳитининг очилиши

Каталог дарахти ойнасининг вазифаси маълумотларнинг шутахлит ойнаси вазифасига ўхшашдир, яъни каталог дарахти бўлимлардаги малумотларни кўриш ва файлларга мурожаат қилиш имконини беради.

Дарахт каталогидаги файл танланганда ундаги малумот ишчи ойнада кўрсатилади.

Бўлимларга мурожаатни (уланишни) амалга ошириш учун инструментлар панелидан бўлимларга уланиш, ёки файллар менюсидан (бўлимга улаш) тугмачаси босилади. Бунда «+» белгиси босилса папканинг ичидаги малумотлар очилади. Кодлаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмаслик учун файллар ва бўлимлар номларини лотин ҳарфлари ёрдамида номлаш тавсия этилади.

ArcCatalog иловаларидаги меню сатрининг функциялари MS Windows иловалари меню сатрининг функциялари кабидир.

Ҳолат сатрида танланган объект ҳақида қисқача малумот ёки меню ёки инструмент сатрининг бирор пункти ҳақида маълумотнома берилади.

Каталог ойнасининг ҳар уччала бўлими (*content, preview, metadata*) танланган элементнинг мазмунига мос равишда таркибидаги маълумотларни мундарижаси, қисқача тасвири ва ахборий тадқиқ қилиш усулига эга.

*Content* яъни мундарижа бўлими каталог дарахтидан танлаб олинган ёки белгиланган тўпламга кирувчи элементларни санаб ўтади, масалан, бўлимлардаги файлларни.

Танлаб олинган элемент малумотлар манбааси, масалан, шейп файл бўлса, *preview* бўлими манбаа ичидаги географик объектлар ёки атрибутив (белгили) малумотларни кўришни амалга оширади.

*Metadata* яъни маълумотлар ҳақида маълумотлар бўлими эса танланган элементни тавсифловчи мета малумотларга тегишли ҳужжатларни кўриш имконини беради. Агар маълумотлар таҳлилий ҳисобларни олиб бориш учун мос бўлса, унда хулосалар ва ҳисоблар, таърифи, вақт оралиғи, кенглик ва бошқа маълумотларни келтириш мумкин.


*ArcMap дастурий модули.* ArcMap электрон хариталар яратиш, таҳрир қилиш ва улар билан бир қанча бошқа ишлар олиб боришга йўналтирилган дастурий воситадир. ArcMap воситасида (5.2.5-расм):

- географик малумотларни таҳрирлаш ва таҳлил қилиш;
- географик объектлар орасидаги муносабатларни топиш ва тушунишга доир сўровлар ташкил қилиш;
- турли усуллар ёрдамида малумотларни белгилаштириш; турли диаграммалар ва ҳисоботлар ҳосил қилиш ва бошқа фойдаланувчилар билан мулоқот қилиш;

ArcMap ёрдамида турли кўринишдаги форматдаги файллардан олинган малумотларни, жумладан растр файллар, шейпфайллар, қопламалар,



жадваллар, бошқа дастурий тасвирлари чизмаларини, тўрлар, регуляр бўлмаган триангулятсия тармоқларини (ТИН) интегралловчи хариталар тузиш кабилар амалга оширилади.




5.2.5-расм. ArcMap дастурий модули ойнаси

*ArcMap* ишчи ойнаси (5.2.6-расм) меню қатори (1), инструментлар панели (2), лойиҳанинг элементларини ўз ичига олувчи мундарижа (table of contents) жадвали (3), иш олиб бориш соҳаси (4) ва қатор ҳолати (5) ҳамда маълумотларни яратишва ташкил қилиш учун *ArcCatalog* дастурига қиқа ўтишни (6) таъминловчи ойналарни ўз ичига олади.

Умуман олганда географик ахборот (малумотлар) хариталарда қатламлар кўринишида акс эттирилади. Бунда ҳар бир қатлам объектларнинг типини ифодалайди, масалан дарёлар, кўллар, йўллар, қудуқлар. Қатламда реал географик маълумотлар сақланмайди, лекин уларга бириктирилган атрибутив жадвалларда, қатламнинг қопламаларида, шейп файлларда, геомалумот базаларида тасвирларда, гридларда ва ҳ.к. сақланаётган маълумотлар кўрсатилади.

Мундарижа жадвали (Table of contents) даги қатламар тартиби жуда катта аҳамиятга эгадир: Жадвалнинг юқори ўринда жойлашган қатламлар, пастда жойлашган қатламларнинг устида яъни аввал акс эттирилади. Демак, мантиқан фикр юритилиб, дастлаб юқорида нуқтавий маълумотлар кейин чизиқли ва охирида майдонли маълумотлар жойлаштирилади,

Мундарижа жадвалидаги қатламар маълумотлар фрейми кўринишида бўлиши мумкин. Маълумотлар фрейми биргаликда акс эттирилган ва мустақил тузилмага эга бўлган қатламлар груҳини ифодалайди. Маълумотлар фрейми (Table of contents) нинг юқори қисмида «Layers -қатламлар» номи билан акс эттирилади. (5.2.6-расм)



5.2.6-расм. Малумотлар фрейми (*Table of contents*)

*ArcMap* да харитани очиш файл менюсининг *Очиш пункти*, ёки асосий инструментлар панелининг *Open* тугмасини босиш орқали ёки *ArcCatalog* орқали амалга оширилади.

Харитада (ёки ГАТ лойиха) геомалумотлар базаси, қопламалар, шейпфайллар ёки растрларга тегишли малумотлар манбаларнинг дискда жойлаштиришни кўрсатади.

Харита очилганда, *ArcMap* малумотлар орасидаги боғланишларни текширади. Агар жорий вақтда объектга доир малумотлар бўлмаса, унда алоқа узилиши ҳисобланади, қатлам хаританинг қисми бўлиб қолаверади, лекин харита ана шу қатламсиз кўрсатилади.

*ArcGIS* да ишлатиладиган малумотларнинг асосий формати «шейп файл» деб аталади. «Шейп файл» вектор формат бўлиб, малумотларни график тушунчалар (нуқталар, чизиклар ва полигонлар) асосида сақлаш имконини беради. «Шейп файл» ўз ичига кенгайтирилади ва *\*.shx*, *\*.dbf* ва *\*.shp* бўлган, ҳамда умумий номдаги файлларни ўз ичига олади. Бунда *\*.shx* кенгайтмали файлда фазовий индекслар, *\*.dbf* да атрибутив жадвал, *\*.shp* да эса график объектлар сақланади.

ГАТ дастурларида файллар мажмуини лойиха сифатида *\*.mxd* кенгайтмаси кўринишида сақлаш мумкин. Олинган малумотлар *Standart* инструмент панелининг маълумот қўшиш (*Add Data*) инструменти ёрдамида ёки *File* менюсининг шу номли пункти ёки *ArcCatalog* ёрдамида тўлдирилади.

*ArcMap* нинг бир қанча инструментлар панеллари мавжуд бўлиб уларнинг ҳар бир тўплами дастурнинг аниқ функцияларини амалга оширишга хизмат қилади. Бундай инструментлар панеллари сифатида «*Editor* (Таҳрирлаш)», «*Effect* (Еффектлар)», «*Tools* (Инструментлар)», «*Geocoding* (Геокодлаштириш)» ва ҳ.к. ларни келтириш мумкин. Керакли инструментлар панелини ишга тушириш учун менюнинг «*Vid*» (Кўриниши) инструментлар панели пунктидан фойдаланишдир.

Энг кўп ишлатиладиган инструментиелар панелларининг *Tools* (Инструментлар) ва *Standart* (Стандартные) лар киради. *Standart* панели инструментларини шартли тарзда бир нечта гуруҳга ажратиш мумкин:

- Файллар билан ишлашга имкон берувчи стандарт файллар (янги файллар яратиш, очиш, сақлаш, босмага чиқариш);
- Тўғрилаш инструментлари (ажратиш, нушалаш, ўрнига кўйиш, учуриш, қайтариш);
- Бу нима? кўринишидаги малумот олиш инструменти.

Бу нима? яъни билиб олмоқчи ёки маълумотга эга бўлмоқчи инструментни устига тугмачани босиб ҳоҳлаган инструментни вазифаси, унинг функциялари, ишлатилиш усули ва ҳ.к.лар хусусида тез малумот олиш имконини беради.


*Tools* инструментлар панели (5.2.7-расм) қуйидагиларни ўз ичига олади.



5.2.7-расм *Tools* инструментлар панели


- *Zoom In*, *Zoom Out*, *Fixed Zoom In*, *Fixed Zoom Out* – масштаб ўзгартириш инструментлари;
- Харитада ҳаракатни амалга оширувчи *Pan* (Панжа) инструменти.

- Экстент ўзгартурувчи инструментлар: *Back To Previous extent*, *Go To Next extent Full ex.*
- Танланмалар билан ишлаш инструментлари: сичконча ёрдамида географик объектлар тўпламини ҳосил қилувчи *Select features* иструменти, танланмани тозаловчи *Clear*;
- *Selections* инструменти; бошқа объектларни танлашни амалга оширувчи *Select elements* инструменти;
- Объект ҳақидаги атрибутив малумотларни кўриш имконини берувчи *Identify* (аниқлаш) инструменти. *Identify* инструменти ишга туширилганда идентификация ойнаси (5.2.8-расм) ишга тушади;




5.2.8-расм Идентификация ойнаси

- *Find* (қидириш) инструменти ишга тушганда қидирув ойнаси (5.2.9-расм) ишга тушади. Қидирув объектлари орасидан, адреслар, маршрутлар бўйича ҳамда қидирув сервери харитаси ёрдамида амалга оширилади;



### 5.2.9-расм Қидирув ойнаси


• *Go To XY (XY нуқтага ўтиш)* инструменти керакли объектни бевосита координатлар асосида топиш имконини беради. Бу инструмент танланганда, мулоқат ойнаси (5.2.10-расм) очилади. Координаталар қийматларини турли форматларда (градуслар, минутлар, секундалар, метрлар) киритиш мумкин;



### 5.2.10-расм *Go To XY (XY нуқтага ўтиш)* инструменти ойнаси

Харитада топилган нуқтани ёркинлаштириш (*Flash*), ишчи соҳа ўртасига кўчириш (*Pan To*), оддий нуқта билан ифодалаш (*Add point*), белгиланган нуқта билан ифодалаш (*Add labeled point*) ва х.к. функциялар.

• *Measure (Ўлчаш)* инструменти ёрдамида ўлчашни амалга ошириш учун (5.2.11-расм) мулоқот ойнаси очилади. Мазкур инструмент ёрдамида чизиқли масофалар, майдонлар ва географик объектларга доир ўлчовларни (узунлик, периметри, юза) амалга ошириш мумкин.



### 5.2.11-расм *Measure (Ўлчаш)* инструменти ойнаси

## 5.3. ArcCatalog ни ишга тушириш ва унинг функциялари

ГАТда *ArcCatalog* - малумотларини бошқариш, кўздан кечириш, ташкиллаштириш, тақсимлаш ва ҳужжатлаштиришга йўналтирилган инструментал воситадир [94].

ArcGIS дастурий таъминотининг ArcCatalog асосий модуль иловаси ва унинг функциялари қуйидагичадир. ArcGIS дастурининг энг асосий иловаси саналиб, ишчи соҳаларда ва геомаълумотлар базасида географик ахборот билан ишлайди ва бошқаради. Ишчи соҳалар – бу дискдаги файлларга эга ёрликлар бўлиб, умуман барча маълумотларни – харита ҳужжатлари, тасвирлар, маълумотлар файллари, геоишлов бериш моделлари, геомаълумотлар базаси ва бошқаларни ташкил этиш учун фойдаланилади. Ишчи соҳалар ГАТ ахборотини мантиқий тўпламини ташкил қилиш ва биргаликда фойдаланишнинг оддий усули ҳисобланади.

Геомаялумотлар базаси- бу турли жилтдаги географик малумотлар тўпламларини йиғиш бўлиб, улар ArcGISда фойданилади. Геомаялумотлар базаси томонидан ахборотни сақлашни бир неча усуллари мавжуд:


- Геомаялумотларнинг файл базаси – дискдаги файлларга эга ёрликлар;
- Геомаялумотларнинг шахсий (персонал) базаси – Microsoft Access (.mdb) маялумотлари базаси файли.

СУБД (Oracle, SQL Сервер, Informix, DB2 ёки postgre SQL ArcCatalog катологининг шажарасининг тузилиш кўринишда бу маялумотларни ифодалайди, бу маялумотлар билан ишлашни осонлаштиради. У ArcGIS маялумотлари тўплами ва хужжатлар билан ишлаш учун мўлжалланган Windows кузатувчисининг ўз туридаги аналоги ҳисобланади.

Куйида амалда бажарилаётган лойиҳалардан олинган Қарши шаҳри гидрогеологик мониторинг тармоғининг ГАТ асосида ечишни амалга ошириш ёки ҳал қилиш масаласи қаралади. Телеком хизмати шаҳар аҳолисини сифатли алоқа хизматларидан фйдаланишнинг лойиҳасини таклиф қилди. Ушбу лойиҳанинг иқтисодий, экологик ва техник жиҳатларини ўрганиш асосида лойиҳани қабул қилиш масаласи Қарши шаўрининг ГАТ лойиҳаси мисоли асосида амалга оширилади.


1. Масалалар панелида бошлаш *Start* (Старт) тугмаси босилади.
2. *Programme* (Программи) менюси танланади
3. ArcGIS танланади.
4. ArcCatalog тугмаси босилади.

ArcCatalog ишга туширилади, сўнг ArcCatalog ойнасида иккита ойна ҳосил бўлади. (5.3.1-расм)



5.3.1-расм ArcCatalog ишга туширилиши

*ArcCatalog* ойнасининг ўнг томонидаги *Дарахтсимон Каталог* фойдаланувчи ГАТ малумотларини кўриш ва ташкиллаштириш вазифаларини бажаради. Ҳозирги тармоқ мазмуни *Catalog* (Каталог) ойнасининг ўнг қисмида акс эттирилади.(5.3.2-расм)




### 5.3.2-расм Catalog тармоғини мазмуни

*ArcCatalog* маълумотларини кўздан кечириш. *ArcCatalog* маълумотларини кўздан кечириш учун мундарижа -*Contents* (Содержание), *preview* (кўриниши), и *Metadata* (Маълумотлар ҳақида маълумот) каби ёрликлардан фойдаланилади.

Ҳар бир ёрлик ўзи билан боғланган инструментлар панелига эга ва бу панеллар ёрдамида маълумотларни ўзгартириш мумкин. Мазкур инструментлар панеллари хатчўп (Белги қўйиш)лар деб аталади ва куйидагича номланади:


- Мундарижа -*Contents* (Содержание)
- Кўриниши -*Preview* (Предварительный просмотр)
- Маълумотлар ҳақида маълумот-*Metadata* (Метаданние)

Маълумотларнинг *Contents* -Мундарижаси ёрдамида берилиши куйидагича: (5.3.3-расм)




### 5.3.3-расм. *Preview Contents* ( мундарижа кўриниши)

Маълумотларнинг *Preview* (Предварительный просмотр) кўриниши ёрдамида берилиши: (5.3.4-расм)



### 5.3.4-расм *Preview* ( умумий кўриниши )

Маълумотлар ҳақида маълумотларнинг *Metadata* (Метаданние) кўриниши ёрдамида берилиши: (5.3.5-расм)



### 5.3.5-расм *Metadata* (Метаданние) кўриниши

ArcCatalogга ҳамма маълумотлар файллари, маълумотлар базази ва ArcGIS ҳужжатлари учун интеграллаштирилган ва бир хил тасвирланган қилинган кўринишда тақдим қилинади. ArcCatalog географик ахборот элементлари билан ишлаш ва навигатсия учун иккита асосий панеллардан фойданилади.



Геомаълумотлар базаси ёки мавжуд папкага ўтиш учун чап томондаги папканинг дарахтсимон тузилишидан фойдаланилади. Унинг хусусиятини ўнг панелда кўриш учун дарахтдаги элементни ажратиш мумкин. Исталган элемент билан ишлаш учун турли хил буйруқ ва оператсияларга кириш учун рухсат оладиган контекст менюмини очиш учун ўнг элементига сичқончанинг ўнг тугмачасини босинг, масалан: унда объектларнинг янги синфини яратиш учун маълумотлар йиғиш, ҳамда янги буйруқни бериш ёки ўнг тугмани босиш мумкин.

Қуйида энг кўп ишлайдиган бир нечта элементларни санаб ўтилади:

- Папкалар-маълумотлар тўплами ва ArcGIS ҳужжатларига эга ишчи соҳаларга уланиш;

- Геомаълумотларнинг файл ва персонал базаси-маълумотлар файллари ёки Access.mbd файлига эга папка;

- Маълумотлар базаларига уланиш-маълумотлар базаларига ва Arc SDE геомаълумотлар базаларига уланиш;

- Манзиллар локаторлари- манзиллари геокодланишнинг ArcGISдан фойданиладиган файллари;

- ГАТ серверлари- ArcCatalogда ишлаш мумкин бўлган ArcGIS сервер серверларини рўйхати.

- Асбоблар тўпламлари - ArcGISда фойдаланиладиган геоишлов бериш асбоблари.

- Русумлар – маркерлар (нуқталар), чизиқли рамзлар, ранг бериш рамзлари (майдонли турлар учун) ва хариталардаги ёзувлар учун кўлланиладиган матнли рамзлар каби харита рамзларидан ташкил топган.

Каталог дарахтида янги уланишларни яратиш, элементлар кўшиш, (масалан, маълумотлар тўплами), уларни ўчириб ташлаш, нусха кўчириш, қайта номлаш ва шу кабиларни бажариш мумкин.

ArcCatalog ресурсларини янгилаш каталог дарахтидаги бир нечта иловаларда ишлашда ҳар доим ҳам ArcGISдаги энг долзарб ахборот ҳолати кўрсатилвермайди.

ArcCatalog ўз ичига ArcGISнинг қидирув ойнасини олиб у стандарт (Стандарт) инструментлар панелидаги қидирув (search) тугмасини босиш билан очилади қидирув панели акс этилади.

Курсорни қидирув натижасига олиб келиш билан шу элемент таърифи кўрсатилади кўпроқ маълумот олиш учун ArcGIS даги қидирувдан фойдаланишга қаранг.

ArcGIS каталогига маълумотлар тўпламлари, хариталар, моделлар, глобуслар, ва бошқа элементлар ҳақидаги ахборотни кўшиш мумкин.

Бу стандартларга асосланган мета маълумотлар ёрдамида бажарилади, улар яратиш, таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва экспорт қилиш мумкин ҳамда

бир нечта инструментлар панелларидан ташкил топиб, улар маълумотлар тўпламларини кўриб чиқиш учун ва ArcGIS даги ахборот ва ишчи соҳасини бошқарув масалаларини ҳал қилиш учун фойдаланилади. Масалан, кўриш кўшимча саҳифасидан харита кўринишида фойдаланишда, маълумотлар тўплами бўйича ҳаракатланиш географик инструменлар панелидан фойдаланиш мумкин.

Инструментлар панелини кўшиш учун созлаш (*Customize*) менюсидаги инструментлар панелига (*ArcToolbox*) босиш ва керагини танлаш лозим.

У каталогдаги элементларни бошқариш учун энг кўп фойдаланиладиган инструментлар тўплами ва уларнинг таркибий қисмларини кўриш учун турлари, шунингдек ArcMap , Модель куриш ва бошқа ArcGIS ва иловалари ойналарини очиш учун опсиялардан ташкил топган.

Стандарт инструментлар панели одатда ArcCatalog иловасининг юқори қисмида жойлашган.

Стандарт инструментлар панелидаги функциялар.


ТУГМА	ИСМ	ФУНКЦИЯ
Юқорига битта даражада		Саталог дарахтида юқорига битта даража ўтиш
Папкага кўшилиш		Дикда (ишчи соҳаларда) файлларга эга папкаларда сақланадиган ArcGIS ҳужжатлари ва ундаги мавжуд нарсаларга кўшилиш.
Папкадан чиқиб кетиш.		Саталог дарахтидаги папкага танлаб жўнатилганлар ўчирилади лекин бунда ўзи ва унинг таркибий қисми ўчирилмайди.
Нусха кўчириш		Ажратилган элементдан нусха кўчирилади.
Кўйиш		Нусха кўчирилган элемент кўрсатилган жойга кўйилади.
Ўчириб ташлаш.		Ажратилган элемент ўчирилади.
Белгилар		Йирик белгилар ёрдамида мундарижа (сонтентс) кўшимча саҳифасидаги элементлар кўрсатилади.
Рўйхат		Рўйхат кўринишида мундарижа (сонтентс) кўшимча саҳифасидаги элементлар кўрсатилади.
Деталлар		Батафсил рўйхат кўринишида мундарижа (сонтентс) кўшимча саҳифасидаги элементлар кўрсатилади.
ArcMap ни ишга тушуриш		ArcMap нинг янги сеанси ишга тушади.

Агар ишлаш учун кўриш (*Preview*) кўшимча саҳифасидан фойдаланса ва бунинг учун география (*Geography*)ни танланса, география (*Geography*)

инструментлар панели ёрдамида тасвирни силжитиши ва турли туман масштабланиши мумкин.

Тасвирларни яратиш учун намуна яратиш (Create Thumbnail) тугмасидан фойдаланиш ва объектларни идентификатсия қилиш ҳам мумкин бўлиб, у элемент тасвирига қўшилиши мумкин.

Жойлашув инструментлар панели (Location) каталоги дарахтидан уланишни қўшишнинг алтернатив варианты сифатида жойлашув (Location) инструментлар панелидан фойдаланиб ўтиш мумкин (расм 5.3.5).



Расм 5.3.5 Location инструментлар панели


Мета маълумотлар инструментлар панелида, бу инструментлар панели ёрдамида папкадаги ҳамма ГАТ элементлари мета маълумотларини бошқариш мумкин.

Бу инструментлар ёрдамида қуйидагилар бажарилади:

- Танланган папкадаги ҳамма элементларнинг мета маълумотларини текширилади;
- Мета маълумотларни стандарт схемаларга экспорт қилинади;
- ГАТ ахбортининг ажратиб олинган элементлари учун мета маълумотлар хусусиятларини сўраши ва кўриб чиқишингиз мумкин.


## 5.4. ArcMap модулида малумотларни тасвирлаш усуллари

*ArcGIS* нинг *ArcMap* модулини ишга туширганда қуйидаги (5.4.1-расм) ойна пайдо бўлади ва танлаш усули асосида, янги бўш ойна ёки олдин мавжуд бўлган маълумотларни очиш имкониятига эга. Бунда *ArcCatalog* дастурида олдиндан яратилган малумотларнинг акс эттирилиши усули қатлам типига (нуқта, чизик, полигон), қатлам атрибутлари қийматларига, ҳамда хариталаштириш мақсадларига боғлиқ.



5.4.1-расм. ArcMap да малумотларни тасвирлаш

Акс эттириш усули қатлам хусусиятларини ифодаловчи *Symbology* мулоқот ойнасида аниқланади (5.4.2-расм).



5.4.2-расм *Symbology* мулоқот ойнаси

*ArcGIS* да вектор қатламлар куйидаги усулларда ифодаланиши мумкин:

1. Ягона белги билан. Малумотларни харитада ифодалашнинг энг оддий усули бўлиб, одатда қатламни харитага кўшиш ва янги қатлам ҳосил қилишда ишлатилади.

Белги (символ) ни танлаш учун *Show* рўйхатидаги *Single Symbol* қаторини ишга туширилади – активлаштирилади. Белгини ўзгартириш учун *Symbol* тугмаси босилади ва ҳосил бўлган мулоқот ойнасида белгининг янги типини танланади. Нуқтавий объект учун белги типи унинг тузилиши, ўлчами ва ранги билан аниқланади. Чизиқли объект учун белги типи чизиқнинг қалинлиги, ранги ва чизиқ тури билан аниқланади. Полигонли объект учун белги типи объект ранги, чегараси (контури) билан аниқланади.

2. Категориялар билан Атрибутлар қийматлари бир хил бўлган объектлар тўплами категория билан ифодаланади. Объектларни бу усул билан акслантириш объектнинг қаерда жойлашганлигини ва қайси категорияларга тегишли эканлигини кўриш имконини беради.

Малумотларни категориялар орқали ифодалашнинг куйидаги усуллари бор: ноёб қийматлар; ноёб қийматлар (кўп майдонлар); усул белгиларига мос.

Бу усулларнинг ҳар бирини *Show* рўйхатининг *Categories* қаторидаги мос пунктни танлаш орқали ишга туширилади. Малумотларни акслантиришнинг бундай усулининг асосий параметрлари бўлиб қийматлар майдони (*Value*) ва атрибутлар қийматлари категориялари ҳисобланади. Ноёб қийматлар рўйхатига атрибутларнинг барча қийматлари (*Add all values* тугмаси орқали кўшилади) ва танланма қийматлари (*Add values* тугмаси орқали кўшилади) киради.

Атрибутнинг ҳар бир қиймати мос белги билан белгиланади. Белгининг ноёблиги одатда фақат ранг билан аниқланади, лекин бошқа параметрларини (ўлчаш, чизиқ типи, формаси) ҳоҳлаганча ўзгартириш мумкин. Бунинг учун ноёб қийматлар жадвали майдонини белгиси (*Symbol*) ни икки марта босиш билан амалга оширилади.

3. Сон кўринишидаги малумотларни акс эттириш: Сон кўринишидаги, яъни сонли малумотлар одатда аҳолини сони, тўпламлар элементлари сони, вақт кўрсаткичлари, сифат кўрсаткичлари каби объектларнинг сонли характеристикаларини ифодалайди.

Бундай малумотларни синфлаштиришда турли туман сонли тушунчаларидан фойдаланилади.

*ArcMap* да синфлаштиришнинг куйидаги схемалари мавжуд: табиий чегараларни ажратиш, квантил, тенг ораликлар, стандарт четланишга мос берилган интервал ажратиш.


